

O'ZBEKISTON

ISSN 2181-502X


QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№5. 2023

*Май –
Ҳотура ва
Қадрлаш кунн*



AZIZ JONLARINI
TINCHLIK VA OZODLIK
UCHUN FIDO ETGAN
QAHRAMON
YURTDOSHLARIMIZNI
ONA VATAN HECH
QACHON UNUTMAYDI!



КОНИ ФОЙДА БЎЛГАН АНЖУМАН

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги ҳамкорлигида “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳанинг 2-босқичи доирасида Жиззах вилоятининг барча туманлари ирригация бўлимлари Хитойнинг “Каифенг Инструментс Со. Лтд.” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган кўчма электромагнит тезлик ўлчагич воситалари (вертушкалар) билан таъминланган.

Сув танқислиги йил сайин яққол сезилиб қолаётган ҳозирги давр оби-ҳаётдан унумли, оқилона ва тежамли фойдаланишни тақозо қилмоқда. Шундай экан, номи юқорида келтирилган ускунанинг техник кўрсаткичлари, афзалликлари, унинг электрон ҳисоблагичидан тўғри фойдаланишни билиш – сувчилар учун муҳим масалага айланди. Республика ҳудудлари ўртасида биринчи бўлиб Жиззах вилоятида ташкил этилган тренинг ана шу жиҳатлари билан аҳамиятли бўлди.

Мухбирингиз имкониятдан фойдаланиб анжуман ташкилотчилари ва иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини ўрганди.



Биродар Бурхонжонов, Миллий лойиҳа координатори:

Анжуманда Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва 11 та туман ирригация бўлимларининг 24 нафар гидрометри иштирок этди. Ўйлайманки, воҳа сувчилари вакиллари шу соҳада узок йиллар меҳнат қилиб келаётган, замонавий технологиялар билимдони, тажрибали мутахассислардан ўзлари учун фойдали маълумот, таклиф ва кўрсатмалар олишди.

Абдураззоқ Кўзибоев, тадбир тренери:

“Анжуман ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалар иштирокчилар томонидан қандай ўзлаштирилганини аниқлаш мақсадида тест синовлари ўтказилди. Барча қатнашчилар бу синовлардан муваффақиятли ўтиб, бунга тасдиқловчи сертификатларни қўлларига олишди. Ўйлайманки, энди улар иш жойларига бориб, ўзлари эгаллаган кўникмалардан фойдаланган ҳолда, оби-ҳаётни тежаш борасидаги ишларга муносиб ҳисса қўшишади”.

Музаффар Турдибоев, Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи:

Сир эмас, бугунги кунда сув ҳўжалиги ташкилотларидаги барча ходимлар ҳам мазкур замонавий жиҳоздан унумли ва оқилона фойдалана олмайди. Чунки, ушбу қурилмалар ҳозирча сувчиларимиз учун янгилик. Шунинг учун ҳам, Сув ҳўжалиги вазирлигининг “Дала шароитида замонавий сув ўлчаш асбобларидан фойдаланиш” мавзусида беш кунлик тренингларни ташкил этиш борасидаги топшириғига биноан бўлиб ўтаётган анжуман ҳамкасбларимиз учун аини муддао бўлди.

Муродим Турдимуродов, Ғаллаорол тумани ирригация бўлими гидрометри:

“Туманимизга хорижда ишлаб чиқарилган бир дона янги кўчма электромагнит тезлик ўлчагич воситаси (вертушка) берилган эди. Ёшларни-ку қўяверинг, сув ҳўжалиги тизимида қарийб 40 йилдан буён ишлаб келаётган бўлсам-да, ҳатто, мен ҳам бу ускунани ишлатишда бироз қийналдим. Вертушкадан фойдаланиш, уни тўғри ишлатишни ўрганиш зарурати туғилди. Шунинг учун, вазирлигимиз томонидан ташкил этилган анжуман бизга маъқул келди”.

Дарҳақиқат, Жиззах вилоятининг барча туманларидан таклиф этилган гидрометрлар Хитой вертушкаларини ишлатиш борасида ўзлари учун ўта муҳим маълумотлар олиш имкониятига эга бўлишди. Улар малакали мутахассислар томонидан ташкил этилган назарий, жойларда ўтган амалий машғулотларда иштирок этдилар. Канал ва ариқлар орқали деҳқонларга етказиб берилаётган сувнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш, қимматбаҳо (биттасининг нархи 12 миллион сўм) жиҳозлардан унумли ва оқилона фойдаланиш усулларини ўзлаштиришди.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2023 йилда амалга ошириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ички бозорда аҳоли талабини таъминлаш ва нархлар барқарорлигини сақлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Республикада 2023 йил ҳосили учун асосий майдонларнинг **3,2 млн гектар**, тақрорий майдонларнинг **783 минг гектар**, боғ-ток қатор ораларининг **140 минг гектар**, дала четларининг **34,6 минг гектар**, лалми ерларнинг **373 минг гектар** майдонига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш режалаштирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг **2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажмлари** тўғрисидаги таклифи **1-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

2. **2023 йил 15 апрелдан бошлаб эксперимент тариқасида** халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (кейинги ўринларда

— **Агентлик**) ҳузуридаги «**Агросервис оператор**» ДУК орқали ташаббускорлар лойиҳаларини молиялаштиришнинг қуйидаги янги тизими жорий этилсин, унга кўра:

а) ташаббускорлар томонидан ишлаб чиқилган мева-сабзавотларни сақлаш, **қайта ишлаш, логистика қувватларини яратиш**, шунингдек, етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш ҳамда **маҳсус техникаларни**, жумладан озиқ-овқат саноатидаги технологияларни **харид қилиш** йўналишидаги лойиҳалар Агентликнинг тумандаги лойиҳа офисларига тақдим этилиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда — **Вазирлик**) **ягона электрон ахборот платформаси орқали** «Агросервис оператор» ДУКка етказилади. Бунда:

Агентлик «Агросервис оператор» ДУК билан биргаликда **белгиланган тартибда лойиҳаларни шакллантиради** ҳамда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар **халқаро марказига тақдим этади**;

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар **халқаро маркази белгиланган тартибда лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этади**;

б) «Агросервис оператор» ДУК мазкур маблағлар ҳисобидан интенсив **боғ ва токзорлар, агрологистика объектларини ҳамда технологик линияларни** (замонавий иссиқхоналар, лабораториялар, кичик

агрологистика марказлари, қайта ишлаш қувватлари), озиқ-овқат саноатидаги линияларни қуриб, **тайёр ҳолда ташаббускорларга** лизинг асосида топширади. Бунда лизинг тўлови **10 фоизи** олдиндан тўлаш, **10 фоизи** ташаббускорлар улуши, **80 фоизи 10 йил** давомида бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан амалга оширилади.

Белгилансинки, мазкур тартиб доирасида ажратиладиган маблағлар:

миллий валютада 14 фоиз ставкада ажратилади. Бунда АҚШ доллариға нисбатан **ўзбек сўмининг валюта курси тебранишлари** туфайли юзаға келадиган харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан қопланади;

хорижий валютада жалб қилинган фоиз ставкасига **бир фоизлик пункт қўшилган ҳолда тақдим этилади.**

Вазирлик мазкур бандда назарда тутилатган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтларидан жалб қилинган **130 млн АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни йўналтирсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Вазирликнинг Геоахборот тизимида 8 та асосий турдаги қишлоқ хўжалиги (**пахта, ғалла, шоли, пиёз, сабзи, картошка, маккажўхори** ҳамда **мойли экинлар**) маҳсулотларининг экилишини, вегетация даврини мониторинг ва таҳлил қилиш амалиёти жорий этилади. Бунда, «**Рақамли қишлоқ хўжалиги**» ягона интеграцион платформаси тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан «**Электрон ҳукумат**» тизимининг тегишли платформалари орқали ўзаро интеграция қилинади.

Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги, Божхона қўмитаси **бир ой муддатда** ўзининг тегишли платформалари Вазирликнинг ягона интеграцион платформасига интеграция қилинишини таъминласин;

б) 2023 йил 1 июнга қадар пахта, ғалла, мева-сабзавотлар етиштириш учун имтиёзли кредит ажратиш жараёнлари

рақамлаштирилади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларға шаффофлик тамойилида хизмат кўрсатиш учун «**Агроплатформа**» ахборот тизими жорий этилади.

Бунда, тижорат банклари имтиёзли кредит ажратиши учун уларға «**Агроплатформа**» ахборот тизими орқали идоралараро электрон маълумот алмашишуви ёрдамида тақдим этилган ер ижара шартномалари ёки кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида Давлат реестри кўчирмаларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

2023 йил 1 майдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»ға киритилган жисмоний шахслар 2-иловадаги рўйхатға мувофиқ товарларнинг чакана савдо объектларида харидини амалға оширганда ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобил иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказганда, уларнинг банк карталарига ҳар ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизи миқдоридаги тўлов ўрниға, харид суммасида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси республика бюджетидан қайтарилади;

мазкур банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган тўловлар республика бюджетининг даромадлар қисмида **қўшилган қиймат солиғини қайтаришға режалаштирилган маблағлар ҳисобидан амалға оширилади;**

2023 йил 1 июндан бошлаб қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча субсидиялар Вазирликнинг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларға субсидия бериш» ахборот тизими орқали амалға оширилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2022 йил 27 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-225-сон қарори доирасида Агентликнинг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига **12 ой муддатга**, шу жумладан **11 ойлик имтиёзли давр билан**, 2023 йилда **400 миллиард сўм** (биринчи ярим йилликда **200 млрд сўм**) **бюджет ссудасини йиллик 10 фоиз ставкада ажратсин.**

6. Вазирлик:

а) 2023 йил 1 ноябрга қадар халқаро молия институтларининг **2 млн АҚШ доллари** миқдоридagi маблағлари ҳисобидан ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, Марҳамат, Тошлоқ, Мингбулоқ, Нукус, Элликқалъа, Урганч, Бухоро, Хатирчи, Булунғур, Жомбой, Қамаш, Яккабоғ, Шеробод, Денов, Шароф Рашидов, Боёвут, Оҳангарон ва Чиноз туманларида хусусий секторни жалб қилган ҳолда **мева-сабзавот, картошка, полиз экинларини интенсив усулда етиштириш бўйича кўргазмали дала майдонларини ташкил қилиш чораларини кўрсин;**

б) 2024 йил 1 январга қадар халқаро молия институтларининг **3 млн АҚШ доллари** миқдоридagi маблағлари ҳисобидан Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали ҳузурида халқаро аккредитациядан ўтган **озиқ-овқат ва мева-сабзавотчилик йўналишидаги лабораторияни ташкил этсин;**

в) ҳар ойда битта ҳудудда халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан Билим ва инновациялар миллий маркази, тегишли илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий муассасаларни жалб қилган ҳолда хорижий ва маҳаллий малакали мутахассислар иштирокида **мева-сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинлар, доривор ўсимликлар етиштириш, уларни қайта ишлаш, экспорт қилиш бўйича семинар-тренинглар**

ўтказиб борсин;

г) 2023 йил 1 ноябрга қадар Билим ва инновациялар миллий маркази ҳузурида Юқори Чирчиқ туманида, аграр бизнес соҳасидаги мутахассислар, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан агрокластерлар, фермерлар, деҳқон хўжаликларининг билимларини ошириш, уларда янги замонавий технологияларни қўллаш бўйича кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, бизнес лойиҳаларини тайёрлаш бўйича аграр соҳада **бизнес мактаб** ташкил қилсин.

Бунда, ушбу мактаб «Агробанк» АТБнинг жойлардаги агромарказлари, **маъмурий бўйсунувидан қатъи назар**, аграр соҳадаги агромаслаҳат ва тавсияларни бериш фаолиятини олиб бораётган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли тузилмалари ва илмий муассасалар билан ўзаро мувофиқлашган ҳолда ташкил этилади;

д) республика ҳудудларидаги озиқ-овқат бозорлари ва савдо комплексларида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши юзасидан мониторинг олиб борсин ҳамда ушбу маълумотларни Вазирлик сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилиб борсин.

Бунда, Вазирлик ҳузурида **асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини таҳлил қилиш маркази** (юридик шахс мақомига эга бўлмаган) ташкил этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги, Вазирлик 2023 йилда **3-иловада** келтирилган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ **100,4 минг** гектар ер майдонларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимликлари, Вазирлик, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бир ой муддатда маҳсулот

етиштирувчилар билан тайёрлов, таъминотчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи, савдо-харид ташкилотлари ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари ўртасида **2023 йил ҳосили учун маҳсулот етказиб бериш ва харид қилиш бўйича шартномалар тузилишига ва уларнинг ўз вақтида бажарилишига масъул этиб белгилансин.**

9. Агентлик:

импорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат импорт маҳсулотларини, шу жумладан **25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини республикада ишлаб чиқариш ва кўпайтиришга қаратилган** лойиҳаларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашсин ва хизмат кўрсатсин;

Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда 2023 йилда мева-бўғ ва узумзорлар барпо этадиган фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари талабидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлик **сертификатига эга мева-бўғ ва узум кўчатлари етказиб беришни ташкил этсин;**

хўудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, 2023 йил баҳор ва куз ойларида ҳар бир вилоятда ўртача **250 — 300 гектардан намунавий боғ-токзорлар барпо этсин;**

уч ой муддатда боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини **тўлиқ рақамлаштирган ҳолда уларнинг паспортлари яратилиши-ни таъминласин.**

10. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда суғориш мавсумида тасдиқланган сув олиш лимитлари доирасида қишлоқ хўжалиги экинларини сувга бўлган талабдан келиб чиқиб, суғориш жадваллари асосида ўз вақтида сув билан таъминласин.

11. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикасида чорвага озуқа етиштириш учун аҳолига деҳқон хўжалиги юритиш мақсадида бериладиган ерларнинг майдони 2 гектардан 5 гектарга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2023 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Вазирлик икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Вазирлик билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент ш.,
2023 йил 5 апрель,
ПҚ-113-сон*

КОРРУПЦИЯНИ ФАҚАТ БИРГАЛИКДА ТЎХТАТАМИЗ!

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга, унга қарши курашишга, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупцион омилларга чек қўйишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишга оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурлари мисолида ҳам кўриш мумкин.



Бу борада Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида ҳам коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вазирлик тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида жорий йил учун ўқув-тренинг машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири жорий йилнинг 28 март кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси билан ҳамкорликда соҳада бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича “Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик” мавзусида ташкил этилди.

Унда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги барча идора ва ташкилотлар ходимлари, тизимдаги олий таълим муассасаларининг профессор ўқитувчилари ва ҳудудий бошқармаларнинг вакиллари ZOOM платформаси орқали иштирок этди.

Ўқув-тренингда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси катта прокурори – Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази бошлиғи вазифасини бажарувчи Худойберди Турсунбековнинг маърузаси тингланди. Маърузада коррупцияга қарши курашиш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва уни содир этган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик турлари хусусида маълумотлар берилди.

Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Қолаверса, коррупция ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётига хавф соладиган, қолаверса, мамлакат тараққиётига тўсиқ бўладиган иллатдир.

Шундай экан, коррупцияни йўқ қилиш, жамиятда унинг илдизини батамом сўғуриб ташлашга ҳар биримиз масъулмиз. Жамият ривожига бефарқ бўлмайлик.

Коррупция бу –

мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан, шунингдек, шу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланиш тушунилади. Оддий тил билан айтганда, ҳар қандай пора олиш, бериш ва унда воситачилик қилиш, мансаб ваколатидан четга чиқиш, мансаб ваколатидан фойдаланиб талон-тарож қилишнинг барчаси бу коррупцион жиноятларни ташкил қилади.

БУ БОРАДА ФУҚАРОЛАР ВА АГРАР СОҲА ТАДБИРКОРЛАРИГА МУРОЖАТ ҚИЛМОҚЧИМИЗ!

Агар Сиз Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳамда содир этган ёки этаётган жиноятлари ҳақида хабар топсангиз, қуйида кўрсатилган алоқа каналлари орқали бизга маълум қилишингизни сўраймиз. Мурожаатингиз сир сақланиши кафолатланади.

Давлат ва жамоат ташкилотлари бу иллатнинг оқибатлари билан курашишдан кўра унинг олдини олишда ҳамжиҳат бўлишлари самарали натижаларга эришишнинг энг мақбул йўлидир.

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Комплаенс назорат хизмати

Ишонч телефони: 1243

Телеграм бот: @uzagroanticorruptionbot

Электрон почта: info@agro.uz

БОШОҚЛАРДА

ЭЛНИНГ РИЗҚ-РЎЗИ

**Ғалла парваришида май ойида амалга ошириладиган
асосий агротехник чора-тадбирлар**

Республикамызда экилган ғалла майдонларида баҳорги белгиланган барча агротехник чора-тадбирларни ўз даврида сифатли амалга ошириладиган бир даврда иқлимнинг ўзгариши натижасида апрель ойининг иккинчи ўн кунликларида Республикамызнинг айрим вилоятларида қор, ёмғир ёғиши, ҳаво ҳароратини пасайиши натижасида нафақат эрта муддатларда экилган, балки барча кузги ғалла майдонларидаги экинларни ўсимликни жадвал ўсиш ва ривожланишини бироз тўхтатди.

Кузги бошоқли дон экинлари учун бу даврда оптимал ҳаво ҳароратга (20-25°C), озуқага ҳамда сувга бўлган талаби юқори бўлади. Табиатнинг бундай ноқулай иқлим шароити ғалла майдонларида ўзининг бир қатор салбий таъсирини кўрсатди. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, ғалладан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун бир қатор қўшимча агротехник чора-тадбирларни қўллаш ўта муҳим ҳисобланади.

Ғаллани бошоқлаш, гуллаш, дон шаклланиши ва доннинг тўлишини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитларнинг йиллик меъёрини 10-15 фоизини, яъни гектарига 100-150 кг физик ҳолда азотли ўғитлар билан озиқлантириш мақсадга мувофиқдир. Ривожланишдан орқада, кечиккан ғалла майдонларда илдиздан ташқари тавсия этилган биоўғитлар ёки карбамид минерал ўғитининг сувдаги эритмаси билан баргдан озиқлантириш тавсия этилади.

Ғаллани баргдан озиқлантиришни май ойи давомида 1-2 марта амалга ошириш ўзининг ижобий натижаларини бериш тажрибаларда ўз исботини тогган. Барг орқали озиқлантиришда гумин кислоталарга бой бўлган, макро ва микро элементларни ўзида мужассамлаштирган биоўғитлар билан озиқлантириш тавсия этилади.

Суспензия учун эритма тайёрлашда найчалаш даврида 12 кг карбамид минерал ўғити ёки Гео Гумат (1 л/га), УзГуми, Гумимакс (0,5 л/га), Агрозим (3 л/га), Зеребраагро (100 мл/га), Аминозол (1,0-3,0 л/га), Лебозол (3,0-5,0 л/га), Новасил (0,2-0,25 л/га), Кристалон NPK 3,0-4,0 кг/га каби кимёвий воситаларни 250-300 литр сувга аралаштириб, ғалла майдонларига сепиш кузги буғдой ўсимлиги илдизидан оладиган озиқа элементларидан ташқари баргдан озиқлантирилиши натижасида ўсимликнинг барг сатҳини қалинлашади, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ортади, фотосинтез жараёни яхшиланади.

Баргдан озиқлантирилганда ғалланинг ўсиш-ривожланиши яхшиланиши, дон ҳосилдорликни гектарига 5-6 центнерга ортиши, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари оқсил ҳамда клейковина миқдори 2-3 фоизга, дон натураси, 1000 дон дон вазни ортишига эришиш билан ғалладан мўл ва сифатли дон ҳосили олишга эришилади.

Баҳор ойида ҳавонинг серёгин келиши ва ҳароратнинг паст келган даврларда ғалла майдонларида суғориш ишларига эътиборли бўлиш талаб этилади. Ғалла майдонларида енгил суғориш ишларида 500-600 м³ ҳисобида намма-нам суғориш тавсия этилади. Ортиқча

суғорилган ва сифатсиз қўллатиб суғорилган майдонларда ғалла ниҳоллари тез ва кучсиз (ингичка) поя бўлиб ўсади ҳамда ётиб қолишга мойиллиги юқори бўлади. Табиийки ётиб қолган майдонларда дон ҳосилдорлиги 35-40 фоиз йўқолиши кўп йиллик тажрибаларда аниқланган.

Йилнинг серёғин келиши, ҳароратнинг паст бўлиши ва намликнинг юқори бўлиши ғаллазорларга ўз таъсирини кўрсатади. Бундай ноқулай иқлим шароитида касаллик ва зараркунандалар ривожланишига мўътадил шароит яратилиб, касалликлардан асосан ун-шудринг, септариоз, бошоқ фузариози, сариқ ва қўнғир занг касалликлари кенг тарқалиб, ғаллага жуда катта зарар келтиради. Айниқса занг касалликлари билан касаланган ўсимлик барг ва поялардаги фотосинтез жараёни бузилади. Баргдаги физиологик ва биокимёвий жараёнлар пасайиши натижасида ўсимликларни ноқулай ташқи муҳит омилларига бардошлиги пасайиб кетади. Дон ҳосилдорлиги ва доннинг нонбоплик хусусиятлариға салбий таъсир этади.



Ғалла майдонларида учрайдиган касалликларни олдини олиш ёки бўлмаса касалликлар билан зарарланган майдонларға ўсимликлар ҳимояси ва карантин агентлиги рўйхатидан ўтган фунгицидларни ҳаво ҳарорати 15-18°C бўлганда Виаљто Супер 33% 0,3 л/га, R-ULTRA Super 33% к.э. 0,3 л/га, Титул Дуо к.э.к. 0,2 л/га, Дуазол к.э.к. 0,2 л/га, БИ-КОНАЗОЛ 40% к.э.к. 0,2-0,25 л/га, Топ-Кроп 40% к.э.к. 0,25-0,3 л/га, Диканазол 40% к.э. 0,2 л/га, Энтоликур 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га каби фунгицидлар билан гектарига 250-300 литр меъёрда ишчи эритма сарфлаган ҳолда ишлов беришни амалға ошириш ўзининг ижобий самарасини беради.

Май ойида бошоқли дон экинларининг зараркунанда ҳашаротлардан шиллиққурт, зарарли хасва, бугдой трипси, шира, арракаш кабилар ғаллани зарарлаши давом этади.

Ушбу зараркунандаларға қарши Имитрин 20% эм.к. 0,1 л/га, Киллер экстра 10% эм.к. 0,1 л/га, Дуэт 55 % эм.к. 0,5 л/га, Кинфос эм.к. 0,25 л/га, Имидашанс, с.э.к. 0,1 л/га, Имидаклоприд Оригинал 35% сус.к. 0,1 л/га, Моспилан с.п.к. 0,2 кг/га, Энтолучо эм.к. 0,2-0,3 л/га каби инсектицидлар билан гектарига 300 литр меъёрида ишчи эритма сарфлаган ҳолда ишлов бериш тавсия этилади.



Ғаллазорларда зараркунандаларға қарши курашда кимёвий ишлов бериш жараёнида тут ипак қурти озукаси бўлган тутзорлардан масофа сақлаган (50-60 метр узокликда) ҳолда эҳтиёт чораларини олиб бориш тавсия этилади.

Республикада уруғлик учун экилган ғалла майдонларида навларни навдорлигини аниқлаш мақсадида уруғлик далаларни апробацияға тайёрлаш, бунда уруғлик учун экилган ғалла майдонларида соҳа мутахассислари ва селекционер олимлар билан биргаликда ғаллани бошоқлаш ҳамда сут, мум пишиш даврида икки марта навға ҳос бўлмаган бегона нав, тур хил аралашмаларидан ҳамда бегона ўтлардан тозалаш ишларини амалға ошириши талаб этилади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., профессор,

Россия ва Турон ФА академиги

Иброҳим ХОШИМОВ,

Илмий ишлар ва инновациялар

бўйича директор ўринбосари, қ.х.ф.д.,

Илҳомжон ЭГАМОВ,

лаборатория мудири. қ.х.ф.д.

ҒАЛЛА ЎРИМИДА ДОН НОБУДГАРЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Республикаимиздаги ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликларида етиштирилган дон ҳосилини йиғиштириб олиш энг масъулиятли механизациялашган агротехник тадбир ҳисобланади. Даладаги ғалла ҳосили бир пайтда пишиб етилгани боис уни комбайнлар ёрдамида фақат бир ўтишда нест-нобудгарчиликка йўл қўймасдан ўриб-янчиб олиш талаб этилади. Чунки ерга тўкилган донни қайта ердан йиғиштириб олишнинг сира иложи йўқ. Ғалладан бўшаган майдонлар сомондан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинади. Демак, фермерлар, комбайнчилар, МТП раҳбарлари ва агрокластерлар мутахассислари, сервис марказлари муҳандислари, ўрим-йиғим отрядларининг бошлиқлари ғалла ўрими ва шудгорлашга катта масъулият билан қарашлари лозим.

Агрокластер мутахассислари ва фермерларнинг вазифалари:

- ғаллазорларга кирадиган йўллар, кўприкларни сифатли тайёрлаш, йўл четидаги дарахтларнинг осилиб ётган шохларини кесиб ташлаш, ўқарикларни текислаш (комбайн шикастланмайди, далага соз ҳолатда кириб чиқади);

- ўримга киришишдан олдин далаларни тўртбурчак ҳолига келтириш, уватлардаги ва комбайн боролмайдиган жойлардаги ғаллани қўлда ўриш (комбайннинг иш унуми ортади, бор ҳосил тўлалигича йиғиб олинади);

- далани ёввойи сули, қўйтикан ва шўра каби бегона ўтлардан, ҳар хил темир-терсақлардан тозалаш (пичоқлар синмайди, хедер, транспортёр, ротор ёки барабан бузилмайди, бункерга тоза дон тушади);

- комбайннинг бемалол қайрилишини таъминлаш, поляларнинг ғилдираклар билан эзилиши олдини олиш мақсадида дала атрофи бўйлаб камида 8 м кенгликдаги ғаллани олдиндан ўриб олиш, ёнғин чиқишига йўл қўймаслик учун дала четларини камида 4 м кенгликда шудгорлаб қўйиш.

Муҳандис-техник ходимларнинг вазифалари:

Улар, энг аввало, ишга тайёр ғалла комбайнларини қуйидаги талабларга жавоб беришини яна бир бор текширишлари керак: комбайн узеллари жойида ишлаганда бегона товушлар эшитилмайди; сирпанувчи бошмоқлар пачоқланмаган ва дарз кетмаган; мотовилонинг марказий ва паншаха трубалари эгилмаган, қадалмасдан айланади; бармоқли брус эгилмаган, тўғри; сегмент пичоқлари бутун, қарши кесувчи пластинкалар сийқалашмаган, дарз кетмаган; шнек цилиндрлари текис, ўрамлари эгилмаган ва узилмаган; йиғиштириш барабининг вали ва бармоқлари қийшаймаган, синмаган; қия камера корпусида ёриқлар йўқ, транспортёр планкалари синмаган, қайишлари едиллмаган, пружиналари таранг; янчиш барабани (ротори)нинг вали эгилмаган, дон савағичлари едиллмаган, барабан (ротор) остлигининг тишлари бутун; сомон элаги клавишаларининг подшипниклари едиллмаган, ёрилмаган; ғалвирлардаги тешиклар катталашмаган, жалюзалар сегментлари синмаган; силкитувчи тахтадаги тарам-тарам листлар дарз кетмаган; элеваторлар кураклари синмаган, ленталари узилмаган; втулкалар, валиклар, пластинкалар ейилмаган; дон, бошоқ ва бўшатиш шнекларининг ўрамлари ўткирлашмаган ва бутун ғилофларида тешик ёки ёриқлар йўқ.



Ўрим-йиғим отрядларининг вазифалари:

Ҳар бир отряд таркибига 2 ёки 4 та «Кейс», «Клаас» комбайни, 4 ёки 8 та дон ташийдиган автотранспорт, 1 та қўчма устахона, 1 та занжирли трактор плуги ва маиший хизмат звеноси киради.

Отряд раҳбари туман қишлоқ хўжалиги бўлими, МТП, автокорхона раҳбарлари, фермерлар ва ғаллачилик кластери билан биргаликда бириктирилган ғалла майдонларининг ҳажмини, дала контурлари бўйича ғалланинг ҳолати ва дон ҳосилдорлигини аниқлаб, ўрим-йиғим графигини тузди. Отряд таркибиди ҳисобчи ва дон қабул қилиш шохобчаси вакили фаолият кўрсатади. Отряд ҳисобчиси ўриладиган майдонларнинг ҳақиқий катталигини, ғалла ҳосилдорлигини бевосита ўримдан олдин ўлчашлар йўли билан аниқлайди. Ўрилган майдонлар учун туман МТП билан, жўнатилаётган дон учун транспорт корхоналари билан ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиради.

Отряд раҳбари ҳар бир фермер хўжалигининг бутун майдонидаги пишган ҳосилни тўлалигича йиғиштириб олиш, ҳисоб-китобларни тўғри юритиш, дон нобудгарчилигининг олдини олиш, ўрим қатнашчиларига етарли шарт-шароитларни яратиб бериш тадбирлари учун масъул шахс ҳисобланади.

Ўрим-йиғим отрядини етарли транспорт воситалари билан таъминлаш, ташиш жараёнида дон нобудгарчилигининг олдини олиш, автомашиналарни техник жиҳатдан доимо соз ҳолатда бўлиши автокорхона раҳбари зиммасига юклатилади.

Комбайнчилар, ҳайдовчилар ва ўрим-йиғим мавсумининг бошқа қатнашчиларига тиббий хизмат кўрсатиш, уларни иссиқ овқат билан таъминлаш тадбирларини кластерлар, фермерлар, маҳалла фаоллари ва туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари бажаради.



Сервис марказлари муҳандислари ва комбайнчиларнинг вазифалари:

- ўрим жараёнида дон бошоқлардан ўриб туширилганда мотовило тезлиги камайтирилади, уни пастга тушириб, вали пичоқларга яқинлаштирилади;

- бошоқлар ерга кўп миқдорда тўкила бошласа мотовило тезлиги камайтирилади, панишахаларни пичоқларга яқинлаштириб, уларнинг орқа томонга қиялиги бироз оширилади, панишахалар ва шнек қанотлари орасидаги тирқиш кенлиги торайтирилади;

- поялар қирқилмасдан қолиб кетганда синган сегмент ва бармоқлар янгисига алмаштирилади, хедер пастга туширилади, мотовило пастлатилади ва олдинга чиқарилиб, тезлиги оширилади;

- сомон орасида тўлиқ янчилмаган бошоқлар учраганда ротордаги тирқиш кенлиги камайтирилади, унинг тезлиги оширилади, ғалвир жалюзалари кенгрок очилади, комбайн тезлиги пасайтирилади;

- ҳосилдор ва баланд бўйли ғаллани сифатли йиғиб олиш учун пичоқлар 25-30 см қирқиш баландлигига ўрнатилади, комбайн тезлиги ва хедернинг қамров кенлиги янчиш аппаратида секундига 3-5 кг атрофида ғалла массаси келиб тушадиган даражада танланади.



Ғалла комбайнларидан кейин сомон йиғадиган машиналар ишлатилади.

Сомон поялари КОС-2,1; КРС-2,1; КДП-4 ва КИР-1,5Г «Умид» сингари ўт ўрадиган агрегатлар ёрдамида ўриб-йиғиб олинади. Акс ҳолда, қолдиқ пояларнинг бир қисми шудгор пайтида тупроқ остига тўлиқ кўмилмасдан ва чириндига айланмасдан, ер бетида қолиб кетади. Улар шудгорлаш ва ерларни экишга тайёрлаш сифатига салбий таъсир этади. Ўримдан кейин ерда қолган сочма сомон ва ўт-ўланларни ўша куннинг ўзидаёқ тўплаб, йиғиб олиш лозим. Бунда "Markant-65" каби тўплагич-зичлагичлардан фойдаланилади.

Далаларда қолган поялар ва сомонга ўт қўйиб, ёқиб юбориш асло мумкин эмас! Акс ҳолда тупроқнинг минерал ва маҳаллий ўғитларга бой, гумусли юқори қатлами ёнғин туфайли қотиб, ғоваклигини йўқотади, барча микроорганизмлар ва фойдали ҳашаротлар нобуд бўлади.



Шудгорлаш сомон йиғимидан кейин, ҳатто, 1-2 кунга кечикса, жазирама иссиқ таъсирида тупроқ намлиги тез қўтарилиб, ернинг қотиб қолиши оқибатида катта-катта кесаклар қўчишига олиб келади.



Агар тупроқнинг юза қатлами қуриб кетган ва намлиги 14-16 фоиздан кам бўлса, майдонларни сомон йиғиштириб олинган куннинг ўзидаёқ суғориш ва ер етилиши билан шудгорни бошлаш керак.

Далалар чимқирқарли ПН-4-35, ПЛН-5-35, LD-100 ҳамда икки ярусли ПЯ-3-35, ПД-4-45, МР-2/3-45 плуглари билан чуқур ҳайдалиши зарур. Чимқирқарли плуглар бегона ўтлар кам ёки бутунлай йўқ далаларни ҳайдашда ишлатилади. Бегона ўтлар кучли тарқалган майдонлар эса фақат икки ярусли плуглар билан ҳайдалиши шарт. Корпуслари айланадиган плуглар билан шудгорлашда тупроқ тўла ағдарилади, шудгорланган майдонларда марта ва эгат каби нотекисликлар ҳосил бўлмайди ва тупроқ юзаси текис чиқади.

Ҳайдов отряди бошлиғи, механизатор, кластер вакили ва фермерлар қўйидагиларга алоҳида эътибор беришлари даркор:

- шудгорлаш ишларини икки сменада ташкил этиш, ҳайдов агрегатларини эрта тонгда ва кечқурун юқори унум билан ишлатиш (трактор двигатели қизиқ кетмайди, ёнилғи ва мой кам сарфланади);

- механизаторлар, таъмирловчи чилангарлар ва барча ишчиларга етарли маиший шароитларни яратиш, қисқа муддатларда сифатли бажарилган шудгор учун уларни моддий рағбатлантириш;

- ҳайдаш чуқурлигининг барқарорлиги, тупроқнинг майин ва текис шудгорланишини таъминлаш;

- электр ёки алоқа симларининг таянчлари, майдонлар ичидаги дарахтлар атрофларини 2-3 корпусли плуглар ёрдамида олдиндан ҳайдаб қўйиш;

- ҳайдов трактори ва плугни техник соҳ ҳолатда ушлаб туриш, кундалик техник қаровларни сифатли бажариш, двигателнинг совутиш ва мойлаш тизимлари ишини назорат қилиш;

- кўчма устахоналарда лемех, отвал, дала доскаси, сақловчи болт каби плугнинг ишдан тез чиқадиган деталлари, трактор учун мотор ва гидравлика мойлари захирасини етарлича барпо этиш;

- ҳар бир ҳайдов агрегатига икки нафардан малакали механизаторни бириктириш;

- ҳайдов агрегатларига техник хизмат кўрсатиш, уларга ёнилғи қўйиш ишларини кўчма устахоналар ва махсус агрегатлар воситасида даланинг ўзида бажариш.

Юқорида келтирилган тадбирларнинг ўз вақтида тўғри бажарилиши ғалла ўрими-йиғимида дон нобудгарчилигини олдини олиш ва шудгорлашни сифатли ўтказишни таъминлайди.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., ҚХМИТИ профессори.


САРИШТАЛИ ИШ — ФАРИШТАЛИ ИШ

Сабзавот экинлари етиштиришда май ойида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Май ойида асосий муддат учун экилган - помидор, ширин ва аччиқ қалампир, бақлажон, бодринг, қовун, тарвуз, қовоқ каби экинлар уруғ ва кўчатларини экиш ишлари якунига етказилгандан сўнг, эътибор ўсимлик қатор ораларини ишлов беришга, яганалашга, чопиқ ва культивация қилишга, тавсиялар асосида ўз муддатида ва меъёрида минерал ўғитлар билан озиқлантириш, ҳар бир ўсимлик талаби ва тупроқ намлигидан келиб чиқиб сўғориш ишларини ўз вақтида амалга ошириш ва пишиб етилган ҳосилни ўз муддатида йиғиб олиш, ўсимликларни касаллик ва зараркуналалардан ҳимоя қилиш тавсия этилади.

■ Пишиб етилган ҳосилни йиғиб олиш

Сабзи ҳосилини белгиланган календарь муддатларида йиғиб олиш керак. Баҳорги сабзи экинлари учун энг мақбул йиғим-терим вақти май ойидан бошланади. Ўз вақтида ҳосилни йиғиб олмаслик ҳосилни катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Кечиктирилган ҳосил билан сабзи таъми ёмонлашади, илдизмевалари дағал, ширасиз бўлиб қолади, аҳоли анча кейин ушбу маҳсулотлар билан таъминланади. Йиғим-терим вақти кечиктирилганда, сабзи чириб айнашни бошлайди ва ҳосил йўқотилиши 5-10 фоизга етиши мумкин.



Эртаки картошка пишиб етилганида палаклари сарғаяди ва туганакларида қаттиқ, сидирилмайдиган пўст ҳосил бўлади. Эртаги картошка асосан май ойидан пишиб етила бошлайди. Ҳосилни эрта ёки кеч йиғиштириш унинг миқдори ва сифатига салбий таъсир этади. Кеч йиғиштириб олинганда, туганаклар сўлиб вазнини йўқотади, офтоб уриб чирийди, турли ҳашаротлар, айниқса, картошка куяси зарарлайди. Эртаки муддатда пишиб етилган ҳосил узоқ сақланмайди, шу сабабли маҳсулотни истеъмолчиларга имкон қадар тезроқ етказиш лозим.

Саримсоқ пишиб етилганда барглари сарғайиб, сохта пояси сўлиб, қурий бошлайди, саримсоқ бошининг сиртки қобиқлари юқалашади, қурий бошлайди ва ранги ўзига хос кўринишга эга бўлади. Ана шу пайтдаёқ ҳосилни йиғиштириш лозим. Саримсоқ ҳосилини йиғиштириш муддати май-июнь ойлари ҳисобланади. Ҳосилни йиғиштириб олишга 20-30 кун қолганда сўғориш тўхтатилиши шарт. Саримсоқ бошларини қуёш таъсиридан сақлаш учун улар барглари остига яшириб қўйилади. Саримсоқ шу ҳолатда бир ярим-икки ҳафта давомида тўлиқ етилтирилади.



Оқбош қарам асосан қўл кучи ёрдамида узиб олинади. Оқбош қарам 2-4 дона барги билан узиб олинади. Эртаги қарам сақлашга мойил эмас, шунинг учун уни узиб олиб дархол истеъмолга чиқариш зарур.

Гулқарам ҳосилни йиғиш ҳар 6-8 кунда амалга оширилади. Ҳосилни йиғишда сочилиш бошланишига яқин ҳолатда турган бошлар пичоқ билан узилади. Узишда гулпоянинг бироз қисми бошда қолдирилади. То-вар бошлар яшикка бир қатор қилиб шундай жойланадигани, бунда уларнинг маҳсулдор қисми юзага имкон қадар камроқ тегиши лозим.



■ Полиз экинларини экишни ташкил этиш

Май ойи тарвуз ва қовуннинг кечки навларини экишнинг энг мақбул муддати ҳисобланади. Республиканинг марказий минтақасида жойлашган вилоятларда 15 майдан 10 июнгача, жанубий вилоятларда 10-20 июнда, шимолий минтақаларда 20-30 майда экиш тавсия этилади. Қовун ва тарвуз уруғлар ёки кўчатлари (210+70):2х70 см, (270+90):2х70 см экиш схемасида, 3-6 см чуқурликка экилади.

Уруғи билан экилган тарвуз ва қовун уруғлари экилган уяларни чириган гўн, шоли қобиғи, ёғоч қириндилари билан мулчалаш тупроқда қатқалоқ бўлишининг олдини олади ва уруғнинг тез ва сифатли униб чиқишини таъминлайди.

■ Полиз экинларини парваришlash

Парваришlash ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиклантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғриlash, бегона ўтлар ва зараркундаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва иккинчиси биринчи чопиқ вақтида ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан бир қаторда ораларини юмшатишга киришилади.

Ниҳоллар униб чиқгач, 20-25 кун ўтказилиб, иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, сув берилади, озиклантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25-30 кундан кейин ўтказилади. Ўсув даврида қатор оралари 4-5 марта култивация қилинади ва палакларни пуштага тўғриlab турилади.

Қовун ва тарвуз илдизлари жуда кучли ўсиб тупроқнинг 3, ҳатто 5 метр чуқурликдаги қатламигача таралади, диаметри эса 8-10 м. га боради. Шунинг учун ҳам қовун қурғоқчиликка ўта чидамлиги билан бошқа экинлардан ажралиб туради. Бироқ, қурғоқчиликка жуда чидамли бўлишига қарамай, Ўзбекистон шароитида уларни суғориб парваришlash керак. Лекин, ҳаддан ташқари сернам тупроқ қовун экинига салбий таъсир этади.

Қовуннинг суғориш вақтини тўғри белгиlash учун тупроқ намлигига ҳам эътибор бериш лозим бўлиб, бунда ҳайдалма қатлам устидаги нам сизими гулга киргунча 55%, ундан кейин 65% бўлиши керак.

Ўсув даврида қовун экинларини сув билан бир текис таъминlash ҳосилни ошириш гаровидир.

Қовоқ ҳам бошқа полиз экинлари сингари иссиқсевар ҳисобланади. Экиш учун “Испан-

ская-73”, “Паловкаду-268”, “Кашкарская-1644”, “Ширинтой”, “Нон кади”, “Баҳодир”, “Стофунтовая” навлари тавсия этилади.

Қовоқ экинидан мўл ҳосил олиш учун юқори сифатли, нав жиҳатидан тоза уруғлар экилиши керак. Экиш учун йирик, оғир вазнли уруғлардан фойдаланилади. Бунинг учун уруғ 3-5 минут мобайнида ош тузининг 3-5 фоизли эритмасига солинади (95-97 мл сувга 3-5 г ош тузи). Уруғни экиш ишлари 10 майга тугалланиши лозим.

Экиш кенг пушталаб икки қаторли лентасимон усулда экилади. Бунда суғориш ариқлари кенглиги 70 ёки 90 см қилиб олинади. Эгатлар оралиғи фойдаланадиган трактор ғилдираклари оралиғининг кенглигига боғлиқ. (290+70)/2х90 см экиш схемаларида экилади. Бунинг учун ҳар бир уяга 4-5 та донадан уруғ ташланиб, ҳар гектарига 3-5 кг меъёрда уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 4-6 см ни ташкил этади.

Қовоқни парваришlash қатқалоққа қарши кураш ва кўчат хатосини қайта экишдан бошланади. Ниҳоллар икки марта яғана қилинади, бунда биринчиси 1-2 чинбарг ҳосил қилганда, ҳар уяда 2-3 та ўсимлик қолдириб, иккинчиси 3-4 чинбарглари пайдо бўлганда, ҳар бир уяда 1-2 та ўсимлик қолдирилади. Ўсимликка биринчи яғанадан сўнг комплекс ишлов берилади, суғорилади, қатор ораси ва пушта култивация қилинади ва чопилади. Ўсимлик 3-4 чинбаргли бўлганда иккинчи комплекс ишланади ва озиклантирилади.

Ушбу ойда турли сабзавот экинлари ҳосили пишиб етилади шу сабаблари ҳосилни ўз муддатида йиғиб олиш ва такрорий экин учун ер майдони тайёрlash ишларини ташкил этиш лозим.



Уруғлик картошкани экишга тайёрлаш

Картошкани ёзги муддатда етиштириш учун уруғликни экишга сифатли тайёрлаш лозим. Картошка ҳосилини ошириш, сифатини яхшилаш ва эрта етилишини таъминлаш учун уни ундирилган туганакларидан экиш керак. Ундирилган туганакларни экиш ундирилмаган туганакларни экишга қараганда ҳосилни 12-15% ошириб, 10-15 кун эрта пишишига имкон беради.

Маҳаллий шароитда тайёрланган уруғлар ундириш хоналарига экишдан 30-35 кун олдин, четдан келтирилган уруғликлар 20-25 кун илгари қўйилади.

Ундириш хонасида ёруғлик ва 18-22°C даража иссиқ ҳарорат яратилиши лозим. Уруғликлар майда йириклигига қараб (40-60, 60-80, 80-100 г) саралаб ундириш хонанинг полларига, сўкчакларга (стеллаж) 2-3 қатламдан оширмай ёки 12-20-25 кг яшиқларга қўйиш лозим. Уларни яшил нишлари экиш давригача 0,5-1 см дан ошиқ ўсиб кетишига йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда, экиш даврида синиб кетади. Агар қўлда қўйиб кетмон билан ёпиб экиладиган бўлса, нишларини 3-4 см гача ўстириб экилса, ундан ҳам яхши бўлади. Уруғликлар катта-кичикларига қараб алоҳида экилади. Бунда ўсимликларни ердан униб чиқиши, ўсиб ривожланиши ҳамда ҳосил етилиши бир хил бўлишини таъмин этади.

Оғирлиги 100 г дан катта туганакларни баҳорда экиш учун икки-уч бўлакка бўлинади. Туганаклар кесилганда уларни униб чиқиши бироз кечикади.


Полиз экинларини касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш

Ўзбекистонда кўп учрайдиган энг кўп зарар келтирадиган қовун ва тарвуз касалликлари ризоктониози, фузариоз сўлиш, ун-шудринг ва бошқалар, зараркундалардан қовун майса пашшаси ва қовун пашшаси, полиз шираси, ўргимчаккана, кемирувчи кўкқурт тунлами кабилардир.



Полиз шираларга эрта баҳорда яхши самара берадиган БИ-58-1,2 л/га, Бензофосфат 30% -2,0 л/га, бу тадбирнинг ипак қурти боқилиши даврида сўрувчи зараркундалар билан зарарланишининг олдини олишда ва фойдали ҳашаротлар сонининг кўпайишида аҳамияти каттадир. Шира миқдори кўпайиб кетганда Маспиан 20% нам. кук -0,2 л/га, Конфидор 20% с.э.к. -0,3 л/га дорилардан бирортаси қўлланилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ишлов беришни ҳосил етилишидан 30-кун илгари тўхтатиш шарт.

Қовун пашшасига қарши биринчи ишловни ўсимликнинг гуллаш давридан бошлаб, 3-4 марта пуркалади. Препаратлардан: Карбофос 50% к.э – 2 кг/га, Фуфанон 57% к.э – 1 кг/га, Пилигрим 24,7% к.э – 0,2 кг/га, Нестор 20% н.кук – 0,3 кг/га, Энджео 24,7% сус.к.-0,3 л/га меъёрида алмашлаб пуркаш тавсия этилади. Препаратларни бирортасини 300 литр сувга аралаштириб ишлов берилади.



Ун-шудрингга қарши касалланган ўсимликларга таъсир этувчи моддаси (Bacillus subtilis) Спорангин с.э.к. - 2,0 кг/га (Манкоцеб+металаксил М) Ридомил голд МЦ 68% -2,5 кг/га, (Пенконазол) Энто паз экстра 10% к.э. -0,25 л/га, ва бошқа фунгицидларни пуркаш тавсия этилади.



Фузариоз сўлиш касаллигига қарши профилактик тадбирлар - уруғларни экишдан 25-30 кун олдин препаратлардан 2,5% Максисим-0,4 л/т, 31,2% Селес Топ-0,4-0,6 л/т, бири билан дорилаб экиш тавсия этилади.

**Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.д.,
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий-тадқиқот институти.**

Supported by the SDC



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC



TOMCHI

MIS ДАСТУРИ

мелиорацияда янги имконият, замонавий ёндашувлар, тезкор ахборот таҳлиллари

Мелиорация – қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олиш учун ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида тупроқ, гидрологик, иқлимий ва бошқа табиий шароитларни яхшилашга қаратилган ташкилий-хўжалик ва техник тадбирлар мажмуидир.

Ўзбекистонда 143 минг 800 км узунликда коллектор-дренаж тармоқлари бўлиб, шундан 1 минг 230 км магистрал, 6 минг 300 км туманлараро, 26 минг 460 км хўжаликлари коллекторлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстириш ва фермерларнинг даромадларини ошириш суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқ. Хусусан, сув ресурслари тақчиллигининг ўсиб бориши, экологик шароитларнинг ёмонлашуви, тупроқни шўрланишдан сақлаш учун кўрилаётган чоратадбирлар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тезкор мониторинг қилишни, бунда замонавий ахборот тизимларидан мукаммал фойдаланишни талаб этмоқда.



Ўзбекистон шароитида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати (СЕМХ) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Мелиоратив экспедициялар томонидан анъанавий усулда мониторинг қилиб борилади. СЕМХни баҳолашда вегетация даврида ерости сувлари чуқурлигининг амалдаги ўртача кўрсаткичлари, минераллашуви, тупроқ шўрланиши ҳисобга олинади.

Зарурий мелиоратив тадбирлар дастурини шакллантириш, асосан, объектнинг муаммоларини яхши билган Мелиоратив экспедици-

янинг маҳаллий ходимлари, туман ирригация бўлими мутахассислари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакиллари, фермер ва кластерлар, ҳокимиятлар, лойиҳа ташкилотлари мутахассислари томонидан эксперт усулида амалга оширилади. Лекин, улар тупроқнинг шўрланганлик даражаси, сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви ҳақида тезкор маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳолатни прогноз қилиш имконига эга эмас эди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлигининг “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш” миллий лойиҳаси (II-босқич) доирасида портатив MIS дастури яратилди ва сув хўжалиги ташкилотларида жорий қилинди.

MIS дастури – “Мелиорация ахборот тизими” маълумотлар базаси, геоахборот тизими маълумотларини қайта ишлаш серверидан иборат. Бу дастурий таъминот ерларнинг мелиоратив ҳолатини кузатиб бориш, мелиоратив кузатув қудуқларида ўрнатилган “Дайвер” қурилмалари ёрдамида ерости сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашганлик кўрсаткичларининг онлайн мониторингини юритиш ҳамда интерполяция усуллари ёрдамида ерларнинг мелиоратив ҳолати бўйича рақамли хариталарни ишлаб чиқиш учун мўлжалланган. Тизимга ҳудудлардаги ерости сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашганлик кўрсаткичларини назорат қилиш имконини берувчи 4 224 та “Дайвер” қурилмалари маълумотлари боғланган.



ИНТЕРПОЛЯЦИЯ (лат. inter – орасида ва polio — текислайман) — 1) математикада — бир неча нуктада берилган функция қийматларидан шу нукталар орасидаги нукталарда функциянинг тақрибий қийматини топиш. Интерполяциядан фарқли равишда экстраполяцияда функциянинг тақрибий қиймати берилган нукталардан ташқаридаги нукталарда топилади;

2) статистикада — воқеалар қаторининг оралиқ ҳадлари тахм. қийматларини математик усулда ҳисоблаб топиш; қаторнинг номаълум қийматларини топиш. Қаторнинг номаълум қийматлари қаторнинг маълум ҳадлари орқали ҳисоблаб топилади ёки миқдори аниқ бўлган бошқа ҳадлар билан ўзаро боғлиқлиги асосида аниқланади.

Янги ахборот тизимининг ишга туширилиши натижасида лойиҳа ҳудудларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш аниқлиги 20 фоизга оширилган.

Ҳозирда “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш” миллий лойиҳаси доирасида MIS дастурининг онлайн версиясини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу эса чекланган сув ресурсларни мақбул ва шаффоф

тақсимланишида ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини йиллар кесимида мониторинг ва таҳлил қилишда янги имкониятлар яратди. Шу билан бирга, суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини прогноزلашга ва олдиндан чоралар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Биродаржон БУРХОНЖОНОВ,
Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги
консультанти.

МИРОБ — ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ



Туманимиз Фарғона водийсининг марказига жойлашган.

Зардарё ирригация тизими бошқармаси 2003 йилда ташкил этилган.

1970-1980 йилларда янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига қишлоқ хўжалик экин майдонлари 33 минг 495 гектарга етди. Туман асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги боис асосий майдонлар фермер хўжаликлари ихтиёрида. Туманимизда “Art soft cluster” ташкил этилгани қишлоқ хўжалиги тараққиёти жадаллашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Пахтачилик ва ғаллачилик асосий тармоқлардир. Шунингдек, сабзавот, шולי, полиз каби экинлар етиштириш ва боғдорчилик тобора ривожланиб бормоқда.

Зардарё ирригация тизими бошқармасида 65 нафар ходим фаолият юритади. Унинг балансида 103.3 километр туманлараро ва хўжаликлараро каналлар, 170 та гидротехник иншоот ва 135 та гидropост ҳамда 3 та енгил автомобил, юк машина ва трактор мавжуд.

Бошқармаимизда 2023 йилда қишлоқ хўжалиги экинларига меъёрдаги сувни етказиб бериш учун 24.5 километр хўжаликлараро каналларни тозалаш, 19 та сув иншоотини таъмирлаш, 19 та сув ўлчаш постини таъмирлаш белгиланган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларига меъёрдаги сувни етказиб бериш мақсадида Зардарё каналининг бош иншоотида Сирдарё дарёсига вақтинчалик тўғон қуриш ва дарёда каналга кириш қисмини ўзанини лойқадан тозалаш мақсадида экскаваторлар билан 72.00 минг кубометр, бульдозерлар билан 26.00 минг кубометр, автосамосвал юк ташиш техникалари билан 72.00 минг кубометр, жами 170.00 минг кубометр тупроқ, шағал ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Бу ишларни бажариш учун ажратилган 267 710 400 сўм маблағни ўзлаштиришимиз тақозо этилади.

Ҳозирги кунда Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан ажратилган 5 та экскаватор, бульдозер ҳамда авто-

Мингбулоқ – Наманган вилоятининг чўл ҳудудидаги туманнинг номи. Аввалги номи Зардарё бўлиб, 1952 йил 16 апрелда ташкил этилган. 1994 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори билан МINGбулоқ деб ўзгартрилди. Маркази – Жомашуй шаҳарчаси.

самосвал ёрдамида, шунингдек, бошқармаимиз балансидаги “Камаз” автосамосвали билан Зардарё канали бош иншоотида 68.00 минг кубометр тупроқ ишлари амалга оширилди. Бу ишларга 107 084 160 сўм маблағ сарфланди. Зардарё канали сувидан туманимизнинг 30 646 гектар майдондаги экинлар суғорилади. Қолаверса, Поп туманининг 5 774 гектар, Тўрақўрғон туманининг 1325 гектар, Наманган туманининг 104 гектар, жами 37 849 гектар экин майдонлари оби ҳаёт билан таъминланади. Бундан ташқари, Катта Андижон магистрал каналининг Яв-9 канали орқали МINGбулоқ туманининг 2700 гектар, Наманган тақсим каналидан МINGбулоқ туманининг 175 гектар, Поп туманининг 3387 гектар, жами 6262 гектар экин майдонлари суғорилади.

Қишлоқ хўжалигидаги истеъмолчиларга меъёрдаги сувни ўз вақтида етказиш мақсадида мақсадида 8 та сув иншооти ҳамда 7 та сув ўлчаш постлари таъмирланди. Бу ишларни бажаришга 47 200 000 сўм маблағ сарфланди.

Оби ҳаётдан оқилана фойдаланиш, янги ўзлаштирилган ерларга сув етказиб бериш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2022 йили туманимизда давлатга 49 706 тонна пахта, 24 636 тонна ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилиб, барча соҳалардаги кўрсаткичлар зиёди билан адо этилди. Бу ютуқларда, шубҳасизки, сув хўжалиги ходимларининг ҳиссалари ҳам бекиёс.

Президентимизнинг агросаноат тизимида, жумладан, сув хўжалигига бераётган эътибору чексиз ғамхўрликларига жавобан зиммаимиздаги юксак масъулиятни чуқур англаган ҳолда фаолият юритиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш амалий чораларини кўряпмиз.

Абдусамад СОБИРОВ,

Мингбулоқ туман ирригация бўлими бош гидрометри, “Сув хўжалиги аълочиси”.

ИМТИЁЗЛАРДАН ИМКОНИАТ ОРТМОҚДА



Кейинги йиллардаги жадал ислохотлар юрти-миздаги барча соҳалар каби, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари тақдирида ҳам янги саҳифаларни очмоқда, улкан ўзгаришлар, ривожланиш ва ютуқларни олиб келмоқда. Тармоқлардаги эришилаётган ҳар бир муваффақиятларида эса шубҳасиз, бой тажриба ва билимга эга миришкор-деҳқонларимиз, ишбилармон фермерлар ҳиссаси беқиёс.

Кўплаб юртдошларимиз каби Каттақўрғонлик фермер ва миришкорлар ҳам қишлоқ хўжалигида кейинги йилларда эришаётган ижобий натижаларини соҳада яратилаётган имкониятлардан ва имтиёзлардан деб билади.

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида сув сарфини қисқартиришга қаратилган янгидан-янги лойиҳалар жорий этилмоқда. Улардан энг оммалашгани экинларни томчилатиб суғориш тизимидир. Авваллари уни жорий қилишга ҳамма деҳқон ва фермерларнинг ҳам қурби етмасди. Бундай жиҳозларнинг кўп қисми хориждан олиб келинар, уни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар учун эса қўшимча имтиёзлар берилмаганди. Қолаверса, деҳқону фермерларимизда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш билан боғлиқ билим ва кўникма ҳам етишмас эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори сувдан тежамли фойдаланиш тадбирларни амалга оширишда, ушбу долзарб масалага ечим топишда муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дейди Каттақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ММТП ҳудуди раҳбари Ҳикматилло Абдуллаев. — Айни пайтда ҳудудимиздаги 12 та фермер хўжалиги далаларидаги пахта майдонида фермерларимизнинг имкониятига қараб, кимдир 20 гектар, кимгадир 15 гектар экин майдонларига

томчилатиб суғориш тизимини жорий қилмоқда. Албатта, президентимизнинг қарори билан томчилатиб суғориш технологиясини жорий этган пахта хомашёсини ишлаб чиқарувчиларга берилган барча имтиёзлар орқали субсидиялар берилгани ва бошқа имтиёзлар ва қулайликлар фермерларнинг бу технологияга қизиқишини ортирмоқда. Ҳозирги кунда ҳудудимиздаги «Умидли оқ-олтин даласи», «Ақром Абдуллаев», «Оқдарё баракаси» фермер хўжаликлариимиз барчага намуна бўлган ҳолда 20 гектардан пахта далаларига тежамкорлик технологиясини жорий этишди.

Томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилишда берилган имтиёзлар, жумладан пахта экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига давлат бюджетидан тақдим этилаётган субсидия фермерларни ушбу технологияни жорий этишига кўмак бўлмоқда.

Ҳудуддаги тажрибали фермер Шаҳобиддин Рахмонов ҳам сув тежовчи технологияларни 20 гектар пахта далаларида жорий этиб, унинг афзал жиҳатларини англаб етиб, бу усулни эндиликда ғалла ва бошқа тармоқларда ҳам кенг жорий этмоқчи.

— Қурғоқчилик пайтлари сув ресурсларидан самарали фойдаланишда, унинг иқтисод қилинишида томчилатиб суғориш усули катта аҳамиятга эга бўларкан. Бу айниқса шу йилгидек, сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда тақчилликни олдини оларкан. Давлатимиз берган имтиёзлардан фойдаланиб, бу технологияни яна кўплаб

экин майдонларига жорий этмоқчимиз, — дейди фермер Шаҳобиддин Рахмонов.

Албатта, янги Ўзбекистонда жорий этилаётган бу янги тизим нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, агротехник тадбирларни самарали амалга оширишга ёрдам беради. Бугунги кунда ҳудуд миришкорлари дашт шароитида меҳнат қилишига қарамай чигитни бир текис ундириб олишди, шу билан бирга ғаллани оби-тобида парваришлаб, бўлғуси ҳосилга ишончли тамал қўйишди. Баравж бўлиб кўкка бўй чўзаётган майсалар эса бўлғуси мўл ҳосилдан дарак бериб турибди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон манфаати

олий қадрият сифатида қаратилаётгани, мулкдорларга яратилаётган шундай имкониятлардан ҳам намоён. Аввало фермер учун ишончли ҳуқуқий мезон бўлса, янги қадамларга ундовчи имтиётлар бўлсагина у ташаббускорга айланади. Янги тармоқлар, янги иш ўринлари яратади, даромад олади ва иқтисодиёт тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Бугун шу мақсадда тинимсиз ҳалол меҳнати билан юртни обод қилаётган Каттақўрғонлик қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам мамлакатимизнинг иқтисодини юксалтиришда ўз муносиб ҳиссасини қўшиб, ривожланиш сари қадам ташлашмоқда.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

СУВ ТЕЖОВЧИ СУҒОРИШ УСУЛИ ЯНАДА ОММАЛАШАДИ



Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари далаларида парваришланаётган экинларни суғоришда деҳқонлар ҳар қатра сувни тежаган ҳолда мўл ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Обиҳаётни тежашнинг асосий омилларидан бири бу – томчилатиб суғориш усулидан самарали фойдаланишдир. Жорий мавсум вилоятда ғўза ўстириладиган майдонларнинг қарийб 5 минг гектарида томчилатиб суғоришни ташкил қилиш учун шартномалар расмийлаштирилган.

Айни дамларда 800 гектар пахтазорда сув тежовчи технологиялар ўрнатилаёпти. Қолган майдонларда ҳам шу усулда суғоришни жорий этишни жадаллаштириш юзасидан вилоят ҳокимлигида йиғилиш ўтказилди. Вилоят раҳбари Улуғбек Қосимов йиғилиш қатнашчилари – пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари, шунингдек, сув тежовчи технологияларини ўрнатаётган пудратчи корхоналар раҳбару мутахассислари фикрларини эшитди. Амалий ишга ўтиш учун юзага келаётган му-



аммоларни биргаликда ҳал қилиш, «Агробанк» филиаллари томонидан ажратилаётган молиявий ресурслардан унумли фойдаланиш масалалари кенг муҳокама қилинди. Узоғи билан 20 майгача белгиланган майдонларда томчилатиб суғориш технологияларини тўлиқ ишга тушириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Қишлоқ жойларда яшаётган деҳқонларнинг экинзорлари, мевали боғлар ва аҳоли томорқаларини суғоришда юзага келаётган масалалар масъуллар иштирокида муҳокама қилинди.

Шунингдек, маҳаллалар раҳбарлари, оқсоқоллар, корхона, ташкилот мутахассислари зиммасига ҳудудларда сув тежовчи технологияларини жорий этиш орқали камайиб бораётган сув ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда аҳолида обиҳаётдан тежаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун тарғибот ишларини кучайтириш топширилди.

РЕЖАМАР УЛКАН



Суратда: Хатирчи Ўрмон хўжалиги бўлими аъзоси Рустам Эсонов, фермер Ўктам Ҳамидовлар...

Туманда астойдил ишлайдиган, ўз вақтида ва унумли меҳнат қилаётган, шартнома режасини уддалаб, даромадига даромад қўшаётган танти фермер хўжаликлари бисёр. Жумладан, "Ойнусха Абдулла Усмон Ҳамро", "Бобоев нурли ерлари" фермер хўжаликлари ана шундай илғор фермерлардан ҳисобланади.

— Ҳосил яхши бўлса, даромадимиз ҳам шунга яраша кўп бўлади, — дейди "Ойнусха Абдулла Усмон Ҳамро" фермер хўжалиги раҳбари Бобошер Ҳамроев. — Ўтган йили ғалладан 60-70 центнердан ҳосил олган бўлсак, бу йил 70-80 центнердан ғалла етиштиришни мақсад қилганмиз. Ҳозир ғалламизнинг авжи яхши, албатта, бунда далада меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-ҳодимимизнинг ҳиссаси катта, шунинг учун ҳам уларни муносиб рағбатлантиришни йўлга қўйганмиз ва бу жуда яхши самара бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги қишки аномал совуқ тушиши ва бошқа об-хавонинг ноқулайликларида ғалла етиришнинг ўзи бўлмайди, бунда ерга фермер хўжаликлари томонидан минерал ўғитлар, касаллик ва зараркундаларга қарши кимёвий препаратларни, маҳаллий ўғитларни ўз вақтида бериш талаб этилади.

Пахтачи туманига қўшни Хатирчи туманидаги фермерлардан, Ўктам Ҳамидов ҳам бу йил 60 гектар ер майдонига дон экишни махсус севялкарда амалга оширди. Шу каби амалга

Ғалла — халқимизнинг ризқ-рўзи. Айни кунларда жойларда бошоқлаётган буғдойнинг ҳосилига ҳосил қўшиш ишлари жадал давом этмоқда. Жорий йилда Самарқанд вилояти Пахтачи туманида ҳам 6 минг 200 гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилмоқда. Кўм-кўк бўлиб, мавжланаётган ғалладан бугун туман миришкорларининг кўнгли тўқ.



Суратда: "Ойнусха Абдулла Усмон Ҳамро" фермер хўжалиги аъзолари

оширилган инновацион тадбирлар ва маҳаллий ва бошқа кимёвий ўғитлар вақтида берилиши сабаб бугун ғалланинг авжи анча яхши.

— Ўтган йили ғалладан 60 центнердан ҳосил олган бўлсак, бу йил 70 центнердан, ундан кўпроғидан умид қилиб турибмиз, — дейди фермер Ўктам Ҳамидов.

Албатта, шу каби ҳудудларда тинимсиз меҳнат қилиб, ер билан тиллашадиган, белгиланган шартномавий режани ортиғи билан бажариб, шу аснода даромадини оширишга интилаётган фермерлар бисёр.

Дастурхонларимиз тўкинлиги, нон деган азиз неъматнинг мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшаётган бу миришкор бободоҳқонларга "Сизлар ҳам ҳамиша нондек азиз бўлинг", дея тилак билдириб қоламиз!

Ўз мухбиримиз.

Деҳқон аҳли ерни қадрлар

Илгари Самарқандда бўлган киши унинг ҳозирги қиёфасини кўриб таний олмай қолиши шубҳасиз. Шаҳар кўчаларини айланар экансиз, бири-биридан гўзал, мухташам биноларга боқиб хайратга тушасиз. Мусаффо табиатидан, қалбни қитиқлагувчи ҳавосидан тўйиб нафас оласиз. Сехрли садоси сизни чорлайверади.

Бу ҳайратли ҳолат қишлоқларига ҳам кўчгандай гуё. Айниқса булунғурлик меҳнаткаш, самимий фермерлар билан суҳбатлашсангиз, дилингиз ором олади. “Олқартепа” қишлоғидаги Анорбой ака фермер. У бизни самимий қарши олди.

“Матбуотда кўп ёзишган”, дея маълумот бергиси келмади. Аммо онажониси Гулсара опа билан маза қилиб суҳбатлашдик. Тарих машаққатларини эсладик. Ажойиб отахон-онахонлар дуоси элимизга мадад, юртимизга шараф бўлади. Гулсара опа билан яна дийдорлашишни мақсад қилиб хайрлашдик.



Суратда: “Исломбек, Озодбек замини” фермер хўжалиги раҳбари Ҳабибулло Саримсоқов турмуш ўртоғи Гулбаҳор Икромова ва набиралари билан

**Ошуфта кўнгиллар уларга мосдир.
Ал-Бухорий ватанининг хушбўй баҳори,
Келиб кўринг ўзбекка хос ҳаёни.
Ўзгачадир самолари, сафолари,
Гулзорлари, ирмоқлари, дарёлари...**



Суратда: чапдан Булунғур тумани “Содиқжон равнақи” фермер хўжалиги раҳбари Акмалжон Алибоев “Ориф Мелибоев” фермер хўжалиги раҳбари Ориф Мелибоев билан

Ушбу тумanning “Содиқжон равнақи” фермер хўжалиги раҳбари Акмалжон Алибоев фаолиятини ёритишимизни туман раҳбари таклиф қилди.

— Бизга серҳосил, унумдор тупроқларни Аллоҳ берган, — дейди фермер. — Ақл ва иродани меҳнатга боғлаб мўл ҳосил олишимиз мумкин. 1,5 гектардаги саримсоқпиез, 18 гектардаги ғалла, 12 гектардаги картошка, 3 гектардаги тут кўчатларига вақтида ишлов бериб, кутилган натижадан кўпроғига эришяпмиз.

— Фермерлик сизга нима берди?

— Уйлар қурдик, машина олдик, тўйлар қияпмиз, студентларимиз бор. Хуллас, ҳалол меҳнат қилсангиз, Аллоҳ қўллайверади.

Ушбу тумандаги “Ориф Мелибоев” фермер хўжалиги раҳбари Ориф Мелибоев ҳам

аввал тупроқни тўйдирди, натижада ерлар унумдор бўлди, режаларни ортиғи билан бажарди. 9 гектар ердаги ғалла, 8 гектардаги картошка, 3 гектар майдондаги сабзавот экинларига қараб лол қолдик. Ривожланиши авжида, меҳнатнинг баракага боғланишига ҳавас қилдик. “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”, деган ажойиб таъриф шу дала миришкорларига қарата айтилгандай, гуё.

Пайарик вилоятдаги йирик туманлардан бири. Баъзи ерларига сув бориши қийин. “Қаловини топсанг, қор ёнади”, деганларидай, ушбу туман фермерлари ҳам меҳнатидан, манфаат топиб яшаётганлар тоифасидан.

Туман ҳокими Зафар Эргашов феъли кенг, самимий инсонлар тоифасидан экан. “Келиб туринг опа, қалам аҳлини ҳурмат қиламиз”, дейди у. Ушбу тумanning “Исломбек, Озодбек замини” фермер хўжалиги раҳбари Ҳабибулло Саримсоқов кўпни кўрган, миришкор деҳқонлар сарасига киради.

Сарамжон-саришталик қалбингизни нурларга тўлдиради. Аҳил-иноқлик кайфиятингизни кўтаради.



Суратда: Пахтачи тумани “Намунанинг зарли ерлари” фермер хўжалиги раҳбари Жумавой Мустафоев (ўртада) туман фермерлар кенгаши мутахассислари Юнус Мамаюсупов ва Дилшод Салимов билан

Пахтачи тумани ҳам меҳмондўст халқи билан мени ўзига мафтун этди. Ушбу туман фермерларининг дил сўзларига кулоқ тутамиз.

— Омилкорлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик кўрсатганларгина деҳқон-чиликда баракали ҳосил етиштира олади, — дейди туманнинг “Намунанинг зарли ерлари” фермер хўжалиги раҳбари Жумавой Мустафоев. — Чигитни экдик, униб чиқди, ғалламиз ҳам кундан-кун бўй чўзмоқда. Фан ютуқларига, олимларнинг тавсияларига амал қилган ҳар қандай фермер қийналиб қолмайди. Хуллас, изланиб, имкон топиб, кам бўлганимиз йўқ.

Вилоят, туман ҳокимлари ва бошқа раҳбарларимиз ҳам чин маънодаги маънавиятли, маърифатли кишилар. Муаммонлари тезда ечиб берадилар.

— Хайр-эхсон бобида ҳам ўрнатқан экансиз?

— Яхшилик миннат қилинмайди, эл рози Худо рози деган ўзбекона гап бор. Берганига шукр, — дейди у камтарона.

50 гектар пахта, 50 гектар ғалла майдони, 30 бош қорамол, 90 бош қўйни меҳр бериб парваришлайётган фермерга омад кулиб боқаверсин.

Ал-Бухорий бобомизнинг руҳлари атрофга зиё тарқатиб оламни ёқимли сафоларга боғлаётгандай роҳатланасиз.

Ҳабибулло ака ҳалол меҳнатдан топган даромадига умра сафарида бўлиб қайтибдилар. “Кўнгил кўнгилдан сув ичар”, деганларидай покиза зам-зам сувидан қониб ичгандай бўлди.

— 18 гектар ғалла, 17 гектар пахта майдонимиз бор, — дейди қаҳрамонимиз. — Ҳар йили режаларни ортиғи билан бажарамиз. 3 тоифадаги савдо дўконларимизда келинларим савдо-сотик билан банд. Уй-рўзғорни ҳам қойиллатиб бажарадилар.

Ушбу туманнинг “Уста Хушвақт орзуси” фермер хўжалиги раҳбари Ўрол ака Хушвақтовнинг суяғи далада қотганлардан. Бригадир бўлиб ишлаб юрганида катта тажриба орттирган.



Суратда: “Уста Хушвақт орзуси” фермер хўжалиги раҳбари Ўрол Хушвақтов

Фермер бўламан, деганда раҳбарлар иккиланмай, ер ажратиб беришганди.

25 гектар ғалла, 31 гектар пахта майдонидаги майсалар дала маликаларидай тебраниб, кун сайин бўй чўзмоқда. Ғалладан ҳар йили 80-90 центнердан, пахтадан 40-45 центнердан ҳосил йиғиб олаётган фермернинг даромади ҳам шунга яраша бўляпти.

Раъно ЮСУПОВА, ўз мухбиримиз.

БАХТИЁРЛИК ШУКУҲИ

Юртимизда кечаётган жадал ислохотларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосини ташкил этувчи ерга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратиб, улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ердан юқори ва сифатли ҳосил олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, дала четларига турли хил сабзавот, полиз экинлари, мева дарахтлар экиш фермерлар фаолиятининг ривожланишида кўшимча даромад эканлиги тушунтирилганлиги боис айтиш мумкин бўлади, бу борадаги ишлар ўзгача.



Суратда: Ўзбекистон тумани “Соҳибкор Тоғай” фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Сатторов ва иш юритувчиси Гулнозахон Азизхонова

Ўзбекистон тумани меҳнат аҳли ҳам бу борадаги ҳаракатларни аллақачон бошлаб юборишган. “Соҳибкор Тоғай” фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Сатторов турли лавозимларда ишлаб юрганида ерга бўлган меҳри

бўлакча эди. Эндиликда у илғор фермерлардан. 2019 йили Германиядан 102 бош қорамол келтирган эди. Моллар тўғри рацион асосида парваришлангани боис, айтиш мумкин бўлади, 250 бошга етди.

— Деҳқончилик мураккаб, шу билан бирга, қизиқарли соҳа, — дейди фермер. — Ердан тўғри фойдалансанг, унга хиёнат қилмасанг бойлик ўзи келади. Ана шунда бахтиёрлик шукуҳи сени қамраб олади. 15 гектар ерга пахта, 30 гектар ерга ғалла экканмиз. Ғалла майдонимиздаги ҳосилнинг чўғи баланд эканлиги бугун кўриниб

турибди. Пахтадан ҳам режадаги ҳосилни олишимизга ишонамиз.

Дала атрофидаги ҳар бир қарич ерни исроф қилмай, турли хил сабзавотлар, ошқовоқлар экилганини кўриб ҳавасингиз ортади.

— Гулнозахон менинг ёрдамчим, кўмакчим, аъло баҳоли иш юритувчим — дейди Ўткир ака. — Ҳаракатли, билимли, дунёқараши ўзгача. Яхшиям у бор, шу боис ишим енгил, кўнглим хотиржам. Худо хоҳласа, пахтадан 42, ғалладан 75 центнердан ошириб ҳосил йиғиб оламиз.

Ушбу тумanning “Умидбек” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидулло Турсунов ҳам чорвачиликни хуш кўради. У 2020 йили туман Халқ банкидан олинган 690 миллион сўм кредит эвазига Германиядан 33 бош мол келтириб, бугун меҳр бериб парваришламоқда.

Айтиш мумкин бўлади, кундан кунга моллар сони 120 бошга етиб, кун сайин сут ҳажми кўпайиб бормоқда. 20 гектар пахта, 32 гектар ғалла майдонидаги ишлар ҳам авжида.



Суратда: Ўзбекистон тумани “Умидбек” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидулло Турсунов

— Даромадимиз кўпайишига ҳиссасини қўшар деган мақсадда дала четларига ошқовоқ, павловния, тол, терак эдик, кўриб турибсиз, кўзни қувонтиради, — дейди Ҳамидулло завқланиб.

— Бахтиёрлик шукуҳи шу эмасми? Меҳнатингизнинг барокатини берсин.

— Ўзбекистон туманида илғор, фидойи фермерларимиз тисёр, — дейди ҳамроҳимиз, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Низомжон Абдуллаев.

Биз яна бир кўп тармоқли “Қораёзбобо” фермер хўжалиги раҳбари Бобурмирзо Муҳаммаджонов ҳузурига ошиқдик.

— Бобурмирзо меҳнаткаш, элини, юртини ҳурмат қиладиган покиза қалб эгаларидан бири десам адашмайман, — дейди Низомжон ака.

Ҳа, қаҳрамонимиз таърифданда зиёдроқлигини суҳбат асосида ҳаракатларида сезиш қийин эмас эди.

— Чорва молларига қизиқишим боис Германиядан 2012, 2015 ва 2017 йилларда 100 бошдан насли моллар келтирган эдик, айти кунда уларни сони 1200 бошни ташкил этмоқда.

— Демак, улар улғайди, кўпайди?

— Рацион асосида асраб, авайлаб парваришладик, тоза, сифатли ем-хашаклар бердик.



Суратда: чапдан Ўзбекистон тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлим бошлиғи Низомжон Абдуллаев, “Қораёзбобо” фермер хўжалиги раҳбари Бобурмирзо Муҳаммаджонов ва фермер хўжалиги ветврач Абдужаббор Ражабалиев

— Ишчиларнинг маоши қандай?

— 3 миллиондан 7 миллион сўмгача. Уч маҳал иссиқ овқат ташкил қилганмиз. 130 гектар ғалла майдонидаги бошоқлар ҳадемай донга, донлар нонга айланиб эл дастурхонини безаб турганда биз фермерлар нақадар хурсанд бўлишимизни тасаввур қилиб кўринг. 13 гектар боғдаги хилма-хил мевали дархатлар, 2 гектардаги турли хил полиз экинлари ҳам эл учун. Туянинг сути турли хил дардга даво дея 9 бош туяга ҳам меҳр бериб қараяпмиз, — дейди Бобурмирзо. — 4 минг бош товуқ, 10 бош от, 40 яшик асаларимиз бор.

Айрим баҳоначи, дангаса юртдошларимизга Бобурмирзодан ўрнак олиш дегим келади. Иسمи жисмига мос, меҳнатсевар, тадбиркоримизга доимо соғ-саломат бўлинг, дея хайрлашдик.



Суратда: Бешариқ тумани “Янги бахмал кўрки” фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Олимов

Бешариқ туманида ҳам меҳнатсевар, илғор фермерлар бисёр экан. Ҳали ёш бўлишига қарамай, анчагина ютуқларга эришган “Янги бахмал кўрки” фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Олимовнинг иш фаолияти билан танишдик.

— 2022 йили Голландиядан 72 бош зотдор мол келтирдик. — дейди Жаҳонгир. — Молларимиз сонини кўпайтириш мақсадида октябрь ойида Франциядан яна 162 бош мол келтирмоқчимиз. Халқ банк ходимларининг бизга бераётган ёрдамидан хурсанд бўлаётганимиз учун раҳмат айтмоқчиман.

26 гектар ердаги ғаллазорлар кўзни қувнатади. Молхонадаги озодалик, озуқабоп экинларнинг тартиб билан жойлаб қўйилгани унинг тартибли иш юритишини тасдиқлайди.

Ушбу тумanning “Зарбулоқ” фермер хўжалиги раҳбари Ғайратжон ака Ориповни ҳам уддабуррон фермерлар қаторида десак хато бўлмас. Сабаби дала-ларини айланар эканмиз, водий-ликларга хос ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, даромад топаётганига амин бўлдик.

2003 йили иш бошлаган фермер кунни, соатни, дақиқани

ўйлаб, ўлчаб чиқиб, ўз ишини режалаштиради. “Қаерга нима эксам, мўл ҳосил оламан”, деган хаёллар уни қийнар эди ва ниҳоят изланиб имкон топди. Айти кунда илғор фермерга айланди. Ҳар йили 45 гектар ғалла майдонидан 70-75 центнердан, 42 гектар пахта майдонидан 41-42 центнердан ҳосил йиғиб териблиб, даромадини оширди. Ал-



Суратда: Бешариқ тумани “Зарбулоқ” фермер хўжалиги раҳбари Ғайратжон Орипов

батта, у экинларни алмашлаб экади, шу боис, ерларининг унумдорлиги ҳам юқори.

—Австриядан келтирилган 63 бош молимизнинг ҳолати ёмон эмас, сутини сотиб ем-

хашак оляпмиз, — дейди фермер.

— **Анчагина инжиқ дейишади чет эл молларини?**

— Албатта, номи айтиб турибди чет элники деб, аммо

каловини топсанг қор ҳам ёнади, дейдилар. Юртимиз об-ҳавосига ўргатиб олдик. 2 гектар боғ, 10 сотикдаги иссиқхон ҳам қўшимча даромадимиз манбаи.



Суратда: Фурқат туманидаги “Ҳамзалиев Бекзод чорваси” фермер хўжалиги раҳбари Бекзод Ҳамзалиев ва туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлим бошлиғи Раҳимжон Расулов

Фурқат туманидаги “Ҳамзалиев Бекзод чорваси” фермер хўжалиги раҳбари Бекзод Ҳамзалиев ҳам “меҳнатнинг таги роҳат” мақолига амал қилиб, астойдил изланаётган ёш фидойилардан экан. Баъзилар мухбир деса қочади, аммо Бекзод бизни илиқ кутиб олди. Самимий суҳбатлашди, ютуқларини ўртоқлашди.

—Дадам Ортиғали Ғаниевдаги ерга бўлган қизиқишни кўриб ҳавас қилардим. Меҳнатсеварлик, ишонч, ирода падари бузрукворимдан ўтган десам айна ҳақиқат, — дейди у. — Отам дала сирларини яхши билади.

Унинг отаси Ортиғали Ғаниев кўп йиллар механизатор бўлиб ишлаган. Элга беминнат хизмат қилиб обрў-эътибор топган.

— Туман халқ банки ёрдамида 2015 ва 2020 йилларда 99 бошдан сараланган молларни Франциядан келтирган эдик. Ҳозир улар сони 230 бошга етди, — дейди Бекзод. — Тилсиз жониворнинг ҳам тилини топдик. Кўриб турибсиз, натижаси ёмон эмас. 26 гектардаги ғўзалар, 42 гектардаги ғаллазорлар кун сайин бўй чўзмоқда.

Опажони Маҳлиёхон Бекзодга маслаҳатчи, кўмакчи экан.

Риштон тумани кейинги йилларда иқтисоди юксалиб, фермерлари илғорлар қаторидан ўрин олаётганидан кўпчилиكنинг хабари бор.

Ушбу туманнинг “Рошидон-Достон” фермер хўжалиги раҳбари Достонбек Матмусаевнинг деҳқончилик маҳоратини туман меҳнат аҳли хурмат қилади.

— 50 гектар пахта, 55 гектар ғалла майдонимиз бор, — дейди Достонбек. — Мен дала сирла-

рини Холматжон Матмусаевдай меҳрибон, меҳнатсевар отажонимдан ўрганганман. Бошим ерга теккунча уларга таъзим қиламан.

Дала айланар эканмиз, ҳосил чўғига қараб, ҳавас қилдик, баракасини берсин, деб дуога қўл очдик. Дала четларидаги ёнғоқ, тераклар, ошқовоқ, мош, ловиялар, гуллар ҳам тартиб билан жойлаштирилган. Ғўзаллик шайдоларига омад тилаб, хайрлашдик.



Суратда: Риштон тумани “Рошидон-Достон” фермер хўжалиги раҳбари Достонбек Матмусаев отаси Холматжон Матмусаев билан



Суратда: Данғара тумани “Замин меҳр нури” фермер хўжалиги раҳбари Мирзамаҳмуд Маматвалиев

Данғара тумани фидойилари анча йиллардан буён менга таниш, дўст, дилдош. Ушбу туманнинг “Замин меҳр нури” фермер хўжалиги раҳбари Мирзамаҳмуд Маматвалиев далалардаги ҳолат ҳам қувонарли.

— 60 гектар пахта, 98 гектар ғалла майдонимиздаги ҳосилни натижалари чамалаганда пахтадан 45 центнер, ғалладан 75 центнерни мўлжаллаб турибмиз — дейди фермер. — Аъзоларимиз ҳам ишни кўзини билган дала миришкорлари. Асосий меҳнат шуларники. 56 бош маҳаллий моллар ҳам доимо эътиборимизда. Тикув цехи, балиқчилик йўналишини ҳам ташкил қилмоқчимиз. Малакали ишчиларни ҳам танлаб қўйганмиз.

Ҳа, самимий инсонларнинг ўзига чорлагувчи суҳбати ажойиб, ўзгача. Фарғонанинг одамлари ана шундай меҳрибон, меҳмондўст, ғўзаллик шайдолари. Дили билан тили бир халқ. Ҳар бир қарич ерни, ҳар бир

томчи сувни қадрига етиб меҳнат қилаётган фермерларнинг ишларига ривож, ҳосилига барака тилаб хайрлашдик.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
ўз мухбиримиз.

ЧОРВАЧИЛИК ФИДОЙИЛАРИ

Амударё бўйларига апрель ойи ўзгача чирой бахш этди. Дарё сувлари тўлқинланиб, шигдат ва ғурур билан оқиб келаётганга ўхшайди. Ҳар томон кўркемлик, деҳқон далаларига экиш ишлари авжига. Қишловдан чиққан мол-ҳол, қўй-қўзилар, паррандаю дарранда, ҳатто, само-ни тўлдириб учаётган қушларнинг алёрларига ҳам баҳор илиқлиги, шигдати сезилади.



— Қорамол, парранда, қўй-қўзиларни вақтида эмлаш туфайли турли хил касалликларнинг олдини оламиз, — дейди Амударё тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Алишер Маткаримов. — Уларда учрайдиган бруцеллёз, куйдирги, оксил, қутуриш, нодуляр дерматит, қорасон, фасцалёз, цестодоз каби касалликларга қарши ўз вақтида эмлаш ишларини олиб бораёмиз.

Туманда бош ўрмончи вази-фасида анча йиллар ишлаб, бугун нафақада бўлса ҳам, фарзандларига сабр ва матонатдан сабоқ бераётган Фарҳод Маткаримов ўғли Алишерни ҳам ўз вази-фасига тўғри ва одил ёндашишга ўргатди. “Чорва вақтни эмас, эътиборни талаб қилади, унутма”, дейди у ўғлига. Алишер 8 йилдири туманда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўйича иш олиб бормоқда. У 2010 йилда Тошкент давлат аграр университетида ўқиб ветеринар врач мутахассислигига эга бўлган, бу ишнинг муаммо ва талабларини яхши билади.

Шу боис “Бўз ёп” маҳалла фуқаролар йиғинида басъул ташкилотлар билан биргаликда кўргазмалар семинар ташкил қилинди. Қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб

чиқилиб, кўргазмалар ва амалий семинарда кенг тушунтириш ва олдини олиш чоралари баён қилинди. Буклетларда мавзу яна ёритилиб, аҳоли ва хўжаликларга тарқатилди. “Оқ олтин” маҳалласида куйдирги касаллиги бўйича, Манғит шаҳри ва Навоий маҳалласида “Крим конго” геморогик иситма касалликлари ҳақида тушунча бериб, жониворларда учрайдиган бу касалликларнинг олдини олиш бўйича семинар ва учрашувларда атрофлича иш олиб борилди. Семинар ишларида тумандаги кўпгина мутасадди ташкилотларнинг ходимлари ҳам иштирок этиб, ўз фикрларини айтдилар.

Йўлимиз давомида чорвачиликка ихтисослашган “Амударё соҳили” наслчилик фермер хўжалигида ҳам бўлди. Хўжалик 2011 йилда ташкил қилинган. Унинг раҳбари Аза-

мат Маткаримов ўз ишига пухта ва тиниб-тинчимас, янгиликлар изловчи инсон. Жами 217 гектар ер майдонига эга хўжаликнинг 127 гектар ерига ғалла экилган. Тузилган шартномага кўра, ғалланинг маълум қисмини ғалла кластерига етказиб беради. Қолган ерлар қорамоллар учун озуқа экинлари, ишчи-хизматчилар, хўжалик эҳтиёжи учун керакли маҳсулотлар етиштиришга ажратилган. Ерни ҳайдаш, экишдан тортиб ўриш, йиғиш, ташиш ишлари учун ҳам техникалар етарли.

— Ҳар куни эрталаб ғаллазорлар оралаб юрганимда, кўклик ҳидини туяман, — дейди Азамат Маткаримов.

Ҳозирги кунда хўжаликда ангус ва симментал зотли 150 бош насли қорамол боқилмоқда. Доимий 15 нафар, ўрим-йиғим мавсумида 50-60 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Хўжалик аъзолари тез орада янги чорва комплексини ишга тушириш учун ҳаракат қилмоқда. Бу комплексга Қозоғистондан 200 бош “Оқбош” зотли маҳсулдор, насли қорамол келтиришни ният қилган хўжалик раҳбари билан қисқа муддат суҳбатлашган бўлсак-да, унинг меҳнаткашлиги, фидойилигига амин бўлдик.



— Қорамолларимиз туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг доимий назоратида. Уларда юқумли касалликларга қарши ўз вақтида эмлаш ишлари олиб боради, — дейди иш бошқарувчи Сардор Ибрагимов. — Табиат инжиқликлари, иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда имкониятларимизни ишга соламиз. Ёз бўйи йиққан ем-хашак захирамиз қишдан чиқишга етарли бўлиши учун экамиз, ўрамиз, йиғамиз.

Ҳа, чорвачиликни ривожлантириш, айниқса, насли чорва сонини кўпайтириш, шу орқали юртимиз озиқ-овқат саноатини юксалтиришда фаол иштирок этиш учун биргаликда фаолият кўрсатаётган фидойи элдошларимизнинг ҳар бири бугуннинг қаҳрамонларидир. Мана, 10 йилдирки, Сардор фермер хўжалигида хизмат қилиб келмоқда. Хўжалик раҳбари билан биргаликда ишчи-ходимларнинг шароитини яхшилашга, муаммоларини ечишга ҳаракат қилади. Хўжаликдаги ҳеч бир вазият раҳбарнинг кўзидан қочмайди. Шунинг учун у доимо эътиборда. Қорамолларнинг озиқлантирилиш ишлари, ишчиларнинг шароитига алоҳида беради.

Хуллас, амударёлик чорвадорлар, ветеринария ходимлари ҳаётини ўрганар эканмиз, улар орасидаги аҳилликдан қувондик.

Шукржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратларда:

1. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Алишер Маткаримов;
2. “Амударё соҳили” фермер хўжалигининг иш бошқарувчиси Сардор Ибрагимов қорамолларнинг озиқланишини кузатмоқда.

ИТАЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ҚУЁН ЕТИШТИРИШ ОММАЛАШАДИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Қуйи Чирчиқ туманида Куёнчилик комплексида кооперация фаолиятини кенгайтириш, мазкур соҳада аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига, шунингдек, вилоят аҳолисининг куён гўштига бўлган талабини қондиришга қаратилган янги лойиҳага қўл урилди.

Йирик лойиҳанинг илк босқичи Қуйи Чирчиқ туманида бошланиб, аҳоли хонадонларига кооперация усулида куёнлар тарқатилади.

Яъни, Италия технологиялари асосида куён зотлари, куён авлодларининг тақдим этилган генетик кодидан унинг гўштини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланадиган МДХ давлатлари орасида энг йирик мазкур кластер, эндиликда, вилоятда тадбиркорлик қилиш истагини билдирган фуқароларга куёнларни сақлаш учун 50 бош куёнга мўлжалланган қафаслар жамланмаса ҳамда 4 ойлик озуқаси билан 20 бош куён ва 10

бош эркак куёнларни етказиш мажбуриятини олган ҳолда берилади.

Бундан ташқари, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 3 йил муддатга 6 ой имтиёзли давр билан 33 миллион сўмгача ҳоким ёрдамчилари кўмагида кредит маблағлари ажратиш йўлга қўйилган.

Корхона томонидан кооперация усулида тадбиркорликни бошлаган фуқаролар 1 йилда 30 бош куёндан 1000 бош куён олиш имконияти мавжудлиги, энг муҳими 3,5 кг тирик вазндаги етиштирилган куён гўштини кластернинг ўзи қайта сотиб олиш таклифлари ҳам маъқулланди.

Келгусида, куён боқиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиб, куён боқиш истагида бўлган хонадонларнинг ҳоким ёрдамчилари кўмагида тижорат банкларидан кредит олиши йўлга қўйилади.



АМЕРИКА ПЛАНТАЦИЯЛАРИДА

Улуғбек Жумаев жаҳонгашта журналистларимиздан бири. У сўнгги йилларда кўплаб хорижий давлатларда бўлиб, ўша юртлар одамлари ҳаёти, турмуш тарзи ҳақида мақолалар, китоблар ёзмоқда. Қуйида У Жумаевнинг Америка сафаридан бир лавҳани эътиборингизга ҳавола этамиз.

Калифорния штатидаги Фибершед компанияси асосчиси Ребекка Бургесс билан бўлган мулоқотимиз қизиқарли кечди. Компания бу минтақавий толали тизимларни ишлаб чиқадиган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Ташкилотнинг фаолияти қишлоқ хўжалигига фойда келтириш, минтақавий ишлаб чиқаришни кенгайтирувчилар ва охириги фойдаланувчиларни етарли маълумотлар билан таъминлаб боради. Ребекка Бургесс ҳудудда энг кўп сотилган «Харвестинг Солор» китобининг муаллифи. Китоб фермерлар, мода саноати ва янги тўқимачилик иқтисодиёти учун 2019 йилда чоп этилган. Умуман, мазкур ташкилот пахта толаси ва қўй жуни етиштирувчилар билан уни қайта ишловчилар ўртасида илмий асосда воситачилик ишларини ташкил этиб боради.

Кучли ва шиддаткор, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топишга ҳозир ва қодир, ҳеч бир қийинчилик иродасини бука олмаган томирида ирландия оқаётган зангори кўзли, тик қоматли гўзал ва нафосатли аёл: У камтарин инсонлигича қолишни маъқул кўради, у арзон ва ярашиқли кийимлар кияр, дабдабали автомобиллар ва ҳовли жойлар сотиб олмасди. Аммо ўз ишини жонидан ортиқ севади, унга жону-жаҳонини бағишлайди. Шусиз ҳам ўзига кўз тикиб турган оғизларни тўйғазиш, кам-кўстини бутлаш осон эмасди. Фурсатдан фойдаланиб Ребекка хонимга уч-тўртта савол бердим.

— Компаниянинг мақсад ва вазифаси ҳақида тўхталсангиз?

— Компаниямиз нодавлат, нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, ер эгалари, фермерлар ва тўқимачилик корхоналари ўртасидаги муносабатларни ўнглашга, тиклашга кўмаклашиб келади. Мақсад қишлоқ хўжалиги билан банд жамоалар етиштираётган пахта хомашёсини инжилмасдан харид қилишни назорат қилиш. Ҳозирда инон-ихтиёримизда етмиш бешта жамоа мавжуд. Улар бир юз тўқсон минг акр ер майдонида деҳқончилик қиладилар. Калифорния штати Америка Қўшма Штатлари таркибига бир минг саккиз юз йигирманчи йилда қўшилган. Шундан буён минтақда ҳунармандлар тайёрлаган, қўл кучи билан тайёрланган маҳсулотларга ўғай кўз билан қарамайдилар. Биз шунинг учун ҳам ҳунармандлар мушкулини осон қилиб, қўлтиғидан суяшга ҳам кўмаклашамиз. Бу масъулияти юмуш доимий эътибор марказида бўлиб келган.



— Пахта толаси ҳамда жун етиштиришда асосан нимага эътибор қаратилади?

— Калифорниянинг садоқатли ватанпарвар йигит-қизлари учун чинакам муқаддас нарсалар бор. Бу — ўлка ерларини тинкасини қуриётган, мадордан кетказётган қирғоқчилик ҳамда сувни ер тубига тортишишидан асраб қолиш, ҳимоялашдир. Бу бутун минтақада истикомат қилаётган эзгу ниятли кишиларга азоб беради, қайғуртиради. Аслида, бундай ўтқир, етилган муаммолар пахта етиштирувчилар қаторида, бизларни ҳам ҳаяжонга солиб, дилимизни сиёҳ қилиб юборади ва йирик тўқимачилик корхонаси раҳбарлари неча бор бу масалаларга ҳукуматнинг эътиборини қаратишга муяссар бўлди. Бу муаммога тегишли ташкилотлар эътиборини қаратишдан, жалб қилишдан асло тийилмайдилар. Айтганча, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермерлар, тўқимачиларни биринчи галда сифат ва сон жиддий қизиқтиради. Бу нарсани ернинг ҳолатига узвий боғлиқдир. Иложи борича тупроқ таркибини ўнглаб, ишлов беришининг янги усулларида фойдаланаяптилар.

— Эшитишимизга қараганда, Америка Қўшма Штатларининг кўпгина минтақаларида рангли пахта етиштирилади.

— Тўғри, узоқ йиллардан бери Америка Қўшма Штатлари пахта етиштириш бўйича карвонбошилиқни қўлдан бермай келаяпти. Аслида, бунинг замирида машаққатли меҳнат ётибди. Негадир болалигимдан плантацияларда ўстириладиган турфа рангдаги, яъни жигарранг, қизил, сариқ, оқ пахталарга меҳрим тушганди. Айтганча, пахта толаси меъ-ёрида қайнатилса, унинг туси ёрқинлашади. Бу нарса тажрибадан аён.

Шу маҳал баланд бўйли, қотмадан келган жун соҳаси бўйича мутахассис йигит Алекс Гофоснинг нигоҳи менга қадалди ва юз-кўзига шодон табассум ёйилди. У менинг Ўзбекистондан келган журналист эканлигимни билиб қолганди. У мен томонга яқин келди ва хушчақчақ, самимий оҳангда суҳбатга қўшилди:

– Қўй жунининг харидори кўп, бозори чаққон. Дастлаб жун ювиб тозаланади, сўнгра тола ҳолатига келтирилади. Шу тариқа, ундан нафис ва бежирим матолар тўқилади. Бир килограмм жун ўртача тўрт ярим долларга сотилади. Баъзида нарх бундан ҳам қимматлашиши мумкин. Битта кўйдан йилига беш килограмм сифатли жун олиш мумкин. Бир гектар яйловга ўн, ўн бештагача майда шохли мол тўғри келади. Жониворлар беда,

йўнғичқа ва бошқа ўт-ўланларни хуш кўриб истеъмол қилади. Натижада тезда семириб, эт боғлайди. У асосан гўшти, жун ва пишлоғи учун боқилади. Гўшт учун боқилган қўйнинг тирик вазни саксон килограммгача тош босиши мумкин. Негадир америка халқи қўй гўштини кам истеъмол қилади.

Кўм-кўк, ям-яшил дарахтзорлар, дилга хуш ёқувчи майсазорлар кучоғидаги манзилда ҳаёт қайнайди. Бу ерда жаннат яратганларни чехраси очилган, ён-веридаги одамларга бефарқ қарамасдилар. Зеро, бу эзгу ишларни уддалаш учун ўзида куч топди ва бажарган ишидан кайфияти чоғ бўлиб ўтирарди. Аслида, бу унинг бекаму-кўст бахти эди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
журналист.

ЧОРВА НАСЛЧИЛИГНИ ЯХШИЛАШДА НЕМИС БИОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бу ҳақда Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси раиси Баҳром Норқобиллов ва Бавария федерал ери Озиқ-овқат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиғи вазирини ўринбосари Хубер Биттлмайер бошчилигидаги делегация ўртасида бўлиб ўтган учрашувда маълум қилинди.

Учрашувда икки давлат ўртасидаги чорвачилиқ ва ветеринария соҳаларида ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва ва ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишлари юзасидан музокара ўтказилди.

Жумладан, томонлар чорвачилиқнинг наслчилиқ ва биотех-

нологиялар йўналишларидаги лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга келишиб олишди. Ҳамкорликда юртимизда эмбрион трансплантациясини йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳани амалга ошириш юзасидан битим тузилди.

Эслатиб ўтамиз, музокара якунида Жанубий Германия ҳамда Бавария чорвачилиқ ва уруғлантириш ассоциацияси билан ўзбек ва немис чорвадорлари ўртасида кўп қиррали ҳамкорлиқни йўлга қўйишга ҳам эришилди.



G. HIRSUTUM L. НАВЛАРИНИНГ БИР КЎСАКДАГИ ПАХТА ВАЗНИ БЕЛГИСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ФАРҚЛАНИШИ

Аннотация. Ушбу мақолада ўрта толали гўзанинг “Келажак” нави таҳлилдаги бошқа шаклларга нисбатан энг юқори кўрсаткичларни акс эттирган. Ўрганилган белги бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами ЎзФА-710 навида бошқа намуналарга нисбатан юқори ва “Келажак” навида эса энг паст кўрсаткичлар қайд этилган. Таҳлилларга таяниб мақола сўнгида “Келажак” навидан бир кўсакдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичлари ижобий тусланувчи янги популяциялар ажратиб олишида бошланғич шакллар сифатида фойдаланиб кўришига тавсия этилади.

Аннотация. В данной статье отражены высокие показатели средневолокнистого хлопчатника будущего сорта, полученные в результате анализа в сопоставлении с другими видами. По изучаемому признаку изменчивость популяции сорта УзФА-710 выше по сравнению с другими образцами, а у будущего сорта наименьшая. На основании полученных результатов в статье рекомендуется использовать будущий сорт в качестве исходных форм при отборе новых популяций с положительными показателями массы одной коробочки хлопчатника.

Abstract. This article presents the highest indicators of Kelajak variety of upland cotton compared to other forms by the results of the analysis. The range of variability of the population according to the studied trait was higher in the UzFA-710 variety compared to other samples, and the lowest indicators were recorded in the Kelajak variety. Based on the analysis, at the end of the article, it is recommended to use Kelajak variety as initial forms for selection of new populations with positive indicators of cotton weight per boll.

Ҳар бир гўза нави селекционерлар томонидан маълум бир оилалар устида бир неча йиллар давомида олиб бориладиган мақсадли қайта-қайта танлаш услубларидан фойдаланган ҳолда аввал тизмалар, кейин эса навлар даражасига етказилади. Ҳар бир белги кўрсаткичлари ва хусусиятлар дурагайларида шаклланиб боради. Шаклланиш жараёни белгилари кўрсаткичлари бўйича барқарорлашув билан ўз ниҳоясига етади.

Гўза ҳосилдорлигини белгиловчи бир қатор муҳим омиллардан бири бўлган бир кўсакдаги пахта вазни кўрсаткичларини ўрганишга тадқиқотларда алоҳида эътибор қаратилади[1-4]. Ўрганилаётган белги кўрсаткичлари бўйича популяцион таркибнинг бир неча авлод ўсимликларида намоён бўлишини ўрганиш ишлари ҳам муаллифлар томонидан атрофлича ўрганилган[5].

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот ашёларининг таҳлил этилаётган белгиси кўрсаткичларини акс эттирувчи маълумотлар қуйидаги жадвалда

келтирилган:

Жадвал.

**Бир кўсакдаги пахта вазни белгиси
кўрсаткичларини 2019 йилда намоён
бўлиши**

№	Навлар	Бир кўсакдаги пахта вазни, гр		
		$X \pm m$	σ	v
1	2	3	4	5
2	ЎзФА-705	5,98±0.11	0.73	12.20
3	ЎзФА-707	6.00±0.11	0.72	11.93
4	ЎзФА-710	5.54±0.11	0.71	12.77
5	Келажак	7.18±0.10	0.65	9.07

Жадвалга биноан, 2019 йилда уруғлик чигитлари экилиб парваришланган гўза навларининг бир кўсакдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичлари “Келажак” навида энг юқори кўринишни акс эттиргани ҳолда, ЎзФА-710 навида бошқа шаклларга нисбатан паст маълумотлар қайд этилган. ЎзФА-705 ва ЎзФА-707 навларида эса бир-бирига яқин кўрсаткичлар намоён бўлган.

Тадқиқ этилган белги кўрсаткичлари бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами ЎзФА-710 навида бошқа шакллarga нисбатан юқори ва “Келажак” навида энг паст кўрсаткичлар кузатилган. Ушбу белги бўйича “Келажак” навининг бошқа ашёларга нисбатан юқори кўрсаткичлар билан фарқланиши мазкур ғўза навларининг 2010 йилдан то 2015 йилгача бўлган маълумотларини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларида ҳам ўз аксини топган[5].

Таҳлилий маълумотларга асосланиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, таҳлил этилган ғўза навлари орасида “Келажак” навидан келгусида амалга оширилаётган генетик-селекцион йўналишдаги илмий тадқиқотларда

бир кўсакдаги пахта вазни ижобий тусланувчи дурагайларни ажратиб олишда бошланғич шакл сифатида фойдаланиб кўришга тавсия этиш мумкин.

Аслиддин ҚАҲРАМАНОВ,
стажёр тадқиқотчи,

Иззатулла ҚАҲҲОРОВ,
қ.х.ф.д., етакчи илмий ходим,

Ориф ЭРҒАШЕВ,
қ.х.ф.д., катта илмий ходим,
ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар
экспериментал биологияси институти,

Шухрат АБДУРАСУЛОВ,
катта ўқитувчи,
Тошкент давлат аграр университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Болтабоев Х.А., Ғуломов А.Б. // “Ўрта толали “Насиб” ғўза навининг айрим микдорий белгилари”. // “Аграр фани назарияси ва амалиётидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги халқаро анжуман материаллари тўплами – III. 2020. 229-232 б.
2. Ж.Р. Дадажонов, О.Р. Эргашев, А.Э. Ҳақимов, Б.М. Гаппаров “Ўзанинг янги ЎзФА-715 навининг ўзига хос бўлган хусусиятлари ва айрим хўжалик белгилари кўрсаткичларининг фенотипик намоян бўлиши”. AGRO ILM журналы, 6[50]-сон, 2017. 8-9
3. Мамараҳимов Б.И., Халикова М.Б., Раҳимов Б.А. // «Влияние инбридинга на гомеостаз популяции хлопчатника». // “Аграр фани назарияси ва амалиётидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги халқаро анжуман материаллари тўплами – III. 2020. 69-73 б.
4. Раҳманкулов М.С., Абдиев Ф.Р. // “Вилт билан табиий зарарланган фонда хорижий нав намуналарининг қимматли хўжалик белгилари”. // “Аграр фани назарияси ва амалиётидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги халқаро анжуман материаллари тўплами – III. 2020. 99-104 б.
5. Эргашев О.Р. “Ўзанинг *G. hirsutum* L. тури янги навида хўжалик белгиларининг шаклланиши ва барқарорлашуви”. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси журналы, 5[83]-сон, 2020. 73-75 б.

УЎТ: 635.1:631.5:631.53.04

ТАДҚИҚОТ

КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. В статье анализируются объемы продукции картофеля, выращенной в стране в 2001-2021 гг. и ее модель, и на основе этой модели прогнозируется период с 2022 по 2025 гг.

Abstract. The article analyzes the volume of potato production grown in the country in 2001-2021. and its model, and based on this model, the period from 2022 to 2025 is predicted.

Маълумки, картошка маҳсулотлари республикада аҳолисининг асосий кундалик истеъмол озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Республикада аҳолини картошка маҳсулотига бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур қарор асосида картошкачилик кластерлари ва кооперацияларини ўз вақтида ташкил этилиш, истеъмол ва уруғлик картошкага бўлган ички бозор талабини қондириш билан боғлиқ бўлган ишлар самарали амалга оширилмоқда.

Лекин, шунга қарамасдан республикаимиз аҳолиси дунёда картошка маҳсулотларини ўртача меъёрдан кўпроқ истеъмол қилувчи мамлакатлар қаторида бўлганлиги сабабли ҳозиги кунда аҳолининг картошка истеъмолини эҳтиёжини узлуксиз таъминлаш етарли эмас. Шунинг учун аҳолининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда картошка етиштиришни прогнозини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Республикаимизда 2001-2021 йилларда етиштирилган картошка ҳажмини таҳлил қилар эканмиз, 2001 йилда Республикаимизда 1745,4 минг тонна картошка етиштирилган бўлса, 2021 йилга келиб 3292,3 минг тонна етиштирилди, 2001 йилга нисбатан 2021 йилда 188,6% га ошганлигини кўришимиз мумкин. 2001 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда картошка етиштириш ҳажми ўсиш кузатирилган бўлса, 2013-2014, 2016, 2018, 2020 йилларда картошка етиштириш ҳажми эса пасайганлигини кўришимиз мумкин. 2017, 2019 ва 2021 йилгача Республикаимизда картошка ўсиш кузатирилди.



1-расм. Республикаимизда етиштирилган картошка ҳажми, минг тонна[5]

Картошкани етиштиришнинг истиқбол параметрларини аниқлашда натижавий кўрсаткич билан омиллар ўртасидаги боғланишнинг шакли ва зичлигини аниқлаш имконини берадиган статистик прогнозлаштиришнинг корреляцион-регрессион таҳлилни самарали қўллаш мумкин. Мазкур таҳлилнинг асосий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Масаланинг қўйилиши, ахборотларни тўплаш ва уларни бирламчи қайта ишлаш, регрессия тенгламасини тузиш, омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини баҳолаш ва регрессия тенгламасини текшириш, регрессия тенгламаси ёрдамида картошкани етиштириш кўрсаткичларини прогнозлаштириш.

Регрессион таҳлилда бир омилли чиқиқли

регрессия тенгламасининг қўриниши қуйидагича бўлади.

$$\tilde{Y} = b_0 + b_1 X \quad (1)$$

b_1 ва b_2 параметрларини аниқлашда қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаймиз.

$$b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n X_i Y_i - (\sum_{i=1}^n X_i)(\sum_{i=1}^n Y_i)}{n \sum_{i=1}^n X_i^2 - (\sum_{i=1}^n X_i)^2} \quad (2)$$

$$b_0 = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n} - b_1 \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n} \quad (3)$$

Бунда, n – тенглама ҳажми, X_i – i -чи қадамдаги кузатиш, Y_i – i -қадамдаги кузатиш қиймати.

2001-2021 йилгача республикаимизда етиштирилган картошка ҳажмидан фойдаланиб, b_1 ва b_2 параметрларининг қийматини аниқлаймиз.


$$b_1 = \frac{21 \cdot 614268 - 231 \cdot 50583}{21 \cdot 3311 - 231^2} = 75,131$$

$$b_0 = \frac{50583}{21} - 75,131 \cdot \frac{231}{21} = 1582,3$$

Динамик қаторлар ва картошкани етиштириш ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи қуйидаги моделни ишлаб чиқдик.

$$\tilde{Y}_n = 1582,3 + 75,131 \cdot X$$

Ушбу модел орқали картошкани етиштиришнинг 2022 йилдан 2025 йилгача бўлган даврини прогнозлаштирамиз.



2-расм. Картошка етиштириш прогнози, минг тонна.

Республикаимизда картошкани етиштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида ушбу картошкани етиштиришни прогнозлаш ҳамда истиқболини белгилаб бериш билан бирга унга таъсир этувчи факторлар билан ҳам аниқланади. Бу факторларнинг таъсир даражалари картошкани етиштиришнинг истиқболдаги самарадорлигига ижобий таъсир натижаларини аниқлаш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар. Республикаимизда 2022 йилдан 2025 йилларда донли экинларни

етиштириш прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, 2021 йилда республикамызда 3292,3 минг тонна картошка етиштирилган бўлса, 2025 йилга бориб картошка етиштириш 3460,6 минг тоннани ташкил этмоқда, яъни 225,4 минг тоннага ортиши прогноз қилинмоқда. Лекин картошкани етиштириш 2025 йилга ошиш кузатилган билан бирга, шу навбатда аҳолининг сони ҳам ошиши кузатишини ҳисобга олган ҳолда картошкани етиштириш бўйича республикамызда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

- картошкани ривожлантириш бўйича илмий ишланмалар, селекция ишлари ва уруғчилик ҳамда илғор технологияларни жорий қилишга йўналтирилган чора-тадбирларга давлат томонидан молиявий ва моддий ёрдам кўрсатиш;

- уруғчилик тизимида илмий-тадқиқот институтлари манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш.

Дилфуза ТАЛИПОВА,
“ТИҚХММИ” МТУ катта ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4704 -сонли қарори.

2. “Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши прогнозлаш усуллари” И.С.Абдуллаев. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил

УЎТ: 635.1.635.018:631.5:631.8

ТАДҚИҚОТ

ШИРИН ҚАЛАМПИР ЎСИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА ЎСТИРУВЧИ СТИМУЛЯТОРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Abstract. The article presents the results of studying the growth, development, leaf surface area, the formation of a mass of tops and roots, the total and commercial yields of sweet peppers of the Dar Toshkent variety at various norms of organomineral fertilizers with the use of growth stimulants.

Қашқадарё вилоятининг тупроқ ва иқлим шароити ўзига хослиги, тоmatдош сабзавотлар ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли эhtiёжидан анча пастлиги, ҳосилдорлиги эса гектаридан 20 тонна атрофида эканлиги билан характерланади. Республикамызда 2020-2022-йилларда помидор 2,0-2,3 млн, қалампир 270-280 минг, бақлажон 180-200 минг тонна ишлаб чиқарилди, асосий улуши четга экспорт қилинмоқда.

Ширин қалампирнинг биокимёвий таркиби, озиқ-овқатлик қиймати, ташилувчанлиги ва сақланувчанлиги билан бошқа сабзавотлардан кескин фарқланиб, таркибида қуруқ модда (14,5%) сақлаши бўйича сабзавотлар орасида 2-ўринда (саримсоқдан кейин), витамин “С” (аскорбин кислотаси) сақлаши бўйича эса биринчи ўринда туради.

Бизда етиштирилган ширин қалампир техник пишганда меваси 54-118 мг/%, қизарган, яъни физиологик пишган мевасида эса 368-535 мг/%, витамин “С” бўлади[6].

Муайян шароитда ширин қалампир ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари бўлиб, экин майдонини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш ҳисобланади. Бунда экиннинг юқори ҳосилдор экспортбop маҳсулот берувчи навларини тўғри танлаш, ўстириш агротехнологиясини такомиллаштириш, яъни органик ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш ҳамда ўстирувчи стимуляторларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади [5,6].

Лекин, Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ширин қалампир навларини ўрганиш, ўстириш агротехнология-

сини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шуни ҳисобга олиб, биз Шаҳрисабз тумани Хўжаев Абдурасул фермер хўжалиги суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” навининг турли органоминал ўғитлар меъёрлари ҳамда ўстирувчи стимуляторларни қўллаб ўстириб, ўсиши, ривожланиши, барг сатҳи, палак ва илдиз массаси шаклланиши, умумий ва товар ҳосилдорлигини ўрганиш мақсадида махсус дала тажрибаси ўтказдик.

Тажрибада экиш 90 х 25 см схемада 4-5 чинбаргли кўчатлари 3-май куни ўтказилди. Экиш олди эгатларга сув куйилиб, кўчатлар тутиб олгунча намлик 80-85% да ушланди. Кўчатлар ўтказишда 6 та вариант, яъни 1-вариантга фақат 20 т/га гўнг; 2-вариантга фақат $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га;

3-вариантга 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га; 4-вариантга фақат 20 т/га гўнг + гиббериллин; 5-вариантга фақат $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га + гиббериллин; 6-вариантга фақат 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га + гиббериллин ҳисобга олиниб, ўзаро бири бири билан таққосланди. Минерал ўғитлардан аммоний селитраси, аммофос ва калий хлорид ҳамда қорамол гўнгидан фойдаланилди.

Делянканинг майдони ўғитлар бўйича 288 м² (4,8х60 м), стимуляторлар бўйича 144 м² (4,8х30 м), такорлар сони 4 та бўлди. Ҳар бир

ўғит вариантлари делянкаси майдони 2 қисмга ажратилиб, 1-қисми ўстирувчи стимуляторларда ишланмасдан (назорат); 2-қисми “гиббериллин” ўстирувчи стимуляторида 10 л сувда 0,6-0,7 г аралаштирилиб ишланди. Ўстирувчи стимуляторлар эритмаси билан (300 л/га) ўсимлик гуллаш даврида ишланди.

Тажриба даласида барча кузатиш, ўлчаш, таҳлил ва ҳисоблашлар умумқабул қилинган услублар ва агротавсиялар асосида олиб борилди[1,2,4,].

Ҳосилдорлик кўрсаткичлари Б.А.Доспехов бўйича дисперсион таҳлил қилиниб, тажриба аниқлиги ва энг кичик аниқликдаги фарқ ($ЭКФ_{0,5}$) ҳисобланди[3].

Тажриба натижаларининг кўрсатишича, ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” нави кўчатларининг экилгач, 5-куни тутувчанлиги вариантлар бўйича 94,2-96,4% ни ташкил этди(1-жадвал). Минерал, айниқса, органоминал ўғитлар шароитида кўчатлар тутувчанлигининг ошиш тенденцияси кузатилди. Ширин қалампир кўчати далага ўтказилгандан 1-ҳосилни теришгача бўлган ўсув даври фақат 20 т/га гўнг солинган вариантда 66 кунни, $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га минерал ўғитлари вариантида 69 кунни, органоминал ўғитлар биргаликда қўлланилганда эса 70 кунни ташкил этиб, 3-4 кунга узайгани аниқланди.

1-жадвал

Ширин қалампирнинг “Дар Ташкента” нави ўсиши, тупининг шаклланиши ва ҳосилдорлигига ўғит меъёрлари ва ўстирувчи стимуляторларда ишлашнинг таъсири (2021-2022 йиллар)

№	Ўғит меъёри, т(кг)/га	Ўстирувчи стимуляторлар билан ишлаш	Кўчатлар тутувчанлиги, %	Ўсув даври, кун	Ўсимлик бўйи, см	1 туп барг сатҳи, м ²	Бир туп массаси, г			Ўргача тупдаги мева вазни, г	Умумий ҳосилдорлик, т/га	Шундан товар ҳосили	
							илдиз	палак	мева ҳосили			т/га	%
1	20 т/га гўнг	Ишланмаган, (назорат)	94,2	66	68	0,49	167	768	802	103	26,5	25,3	95,6
2	N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀		95,4	69	75	0,57	179	834	856	107	29,4	28,3	96,2
3	20 т/га гўнг + N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀		96,0	70	80	0,66	188	880	893	110	33,1	32,2	97,4
4	20 т/га гўнг	Гиббериллин (10 л сувга 0.6-0,7 г)	95,1	68	71	0,53	171	791	839	106	28,7	27,7	96,5
5	N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀		96,0	72	79	0,64	186	876	888	112	32,6	31,7	97,1
6	20 т/га гўнг + N ₂₀₀ P ₁₆₀ K ₁₀₀		96,4	74	86	0,71	191	905	917	115	35,3	34,7	98,3
ЭКФ _{0,5} =1,9-2,6													

Ўсимлик гуллаш даврида ўстирувчи стимулятор - гиббериллин билан (10 л сувда 0,6-0,7 грамм) ишлов берилганда ўсув даври 2-4 кунга узайгани қайд этилган.

Органоминерал ўғитлар 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрда берилиб, ўсимлик гуллаш даврида гиббериллин 10 л сувда 0,6-0,7 г эритмаси билан ишланганда ўсимлиkning ноқулай шароитга чидамлилиги ошиши, ўсиши ва ривожланиши сезиларли даражада ўзгариб, энг баланд бўйли (86 см), барг сатҳили ($0,71m^2$), бақувват палак (905г) ва илдиз тизими (191г) шакллантириб, юқори маҳсулдорлик (917 г) ни таъминланиши аниқланди. Шунда техник пишган мева вазни 115 г ни ташкил этиб, бошқа ўрганилган вариантлардан 3-12 граммга зиёд эканлиги қайд этилди.

Умумий ҳосилдорлик тажриба вариантлари бўйича 26,5 дан 35,3 тоннагача фарқланди. Энг юқори ҳосилдорлик (35,3 т/га) ширин қалампир органоминерал ўғитлар 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрда биргаликда берил-

ганда ўстирувчи стимуляторлар "гиббериллин" қўлланилганда олинди ва қўшимча ҳосил фақат 20 т/га гўнг ёки минерал ўғитлар $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га вариантларига нисбатан 5,9-8,8 т/га ни ташкил этди. Энг юқори товар ҳосили ҳам (34,7т/га ёки 98,3%) шу вариантда кузатилди.

Демак, ширин қалампирнинг "Дар Ташкента" навини Қашқадарё ҳудудининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида ўстириб, юқори ва самарали товар ҳосил (32-35 т/га) олиш мақсадида органоминерал ўғитларни - 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрда биргаликда бериб, ўсимлиkning гуллаш даврида ўстирувчи стимуляторлар "гиббериллин" билан (10 л сувда 0,6-0,7 г) ишлаш мақбул экан.

Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ,

қ.-х.ф.д., профессор,

Фахриддин РАСУЛОВ,

СПЭКИТИ илмий котиби, PhD,

Анвар ИСЛОМОВ,

ҚаршиДУ мустақил изланувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2002. –Б. 217.
2. Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных к посеву на территории Республики Узбекистан. Ташкент. 2022. –С. 103.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. 1985. С. 351.
4. Литвинов С.С. Методика полевого опыта в овощеводстве. Москва. 2011. –С. 648.
5. Расулов Ф.Ф. Ширин қалампир етиштириш. Тошкент. 2021. Б. 62.
6. Остонақулов Т.Э., Зуев В.И., О.Қ.Қодирхўжаев. Мева-сабзавотчилик (Сабзавотчилик). Тошкент. Наврўз. 2019. –Б. 552.

УЎТ: 635.1.635.018:631.5:631.8

ТАДҚИҚОТ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. В статье освещены пути расширения возможностей экспорта плодово-овощной продукции и даны предложения по ее стимулированию.

Abstract. The articles master the types of vegetable exports of fruits and vegetables and cereals to stimulate them.

Сўнги йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аграр сектор маҳсулотлари экспортининг ўсиши ички бозорнинг мазкур сектор маҳсулотлари билан таъминланиш даражасига салбий таъсир кўрсатмайди, маҳсулотни четга чиқаришни рағбатлантириш эса, тақлиф

ҳажмининг ўсишига олиб келади, яъни аграр сектор маҳсулотлари экспортининг ўсиши ички бозорда тақчиллики келтириб чиқармайди.

Жаҳон бозори конъюнктураси талабларидан келиб чиқиб, мева-сабзавотчилик мажмуасида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни

ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу биринчидан, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кескин ўсишини таъминлайди, иккинчидан мамлакат савдо балансини мустаҳкамлашда ва пахта толаси экспортига боғлиқлик даражасини пасайтиришда макроиқтисодий аҳамиятга эга, учинчидан эса, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган ички нархларни муайян даражада сақлаб туриш воситасида деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари турлари бўйича жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига баҳо бериб ўтиш, экспорт салоҳиятини белгилаш ва стратегик йўналишларни аниқлашда муҳим омили ҳисобланади. Ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини аниқлашда, ички ресурслар қийматининг жаҳон бозори нархларига нисбати, қайта ишланган маҳсулотлар бўйича маҳсулот улгуржи нархларининг жаҳон бозори нархларига нисбати коэффициентларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳисоб-китобларда “экспорт харажатлари” омилининг ҳисобга олиниши маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашё билан таъминлайди. Келажакда мамлакат иқтисодиётини юксалтириш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш объектив зарурат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мамлакат иқтисодий сиёсатининг энг асосий масалаларидан бири бўлиб келган. “Аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислохотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бугунги кунда давлат қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти муносабатларини барпо этиш мақсадида ислохотлар мажмуасини ишлаб чиқди ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ҳам яратмоқда. Аграр секторнинг барқарор ривожланишида мева-сабзавотчилик мажмуасининг ўрни каттадир. Мева-сабзавот маҳсулотларини

етиштириш мажмуаси мамлакат ЯИМини яратишда ва экспорт салоҳияти бўйича аграр секторда пахтачиликдан кейинги ўринда туради. Ўзбекистон мева-сабзавотчилик мажмуаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу иқлим шароитининг қулайлигидир.

Ўзбекистон нафақат ўз пахта толаси, балки сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотлари билан ҳам дунёда машҳур бўлиб, уларнинг кўплаб турлари, навлари ўзига хос таъм хусусиятлари ва экологик тоза маҳсулот сифатида танилган. Ўзбек мева-сабзавот маҳсулотларининг мазкур хусусиятлари уларнинг жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида юқори рақобатбардошлигини таъминлайди.

Масалан, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган узум навларида қанд таркиби 18 фоиздан 30 фоизгача, помидорларда қуруқ моддаларнинг улуши 5,5 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Бу эса Европадаги худди шундай маҳсулотлар кўрсаткичларидан сезиларли даражада юқори ва харидорлар учун жозибали ҳисобланади. Шунингдек, қуйидагилар ҳам Ўзбекистон мева-сабзавотчилик мажмуаси рақобат афзалликларига киради: - ҳўл мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотлари, шунингдек, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорида сотиш имкониятини берувчи табиий-иқлим шароитлари; - мева-сабзавот маҳсулотлари сифат даражаси, хусусан, экологик тозаллигини таъминловчи ер ресурсларининг мавжудлиги; - малакаси ва интизоми нисбатан юқори бўлгани ҳолда ишчи кучининг арзонлиги, бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий Осиё ва қўшни минтақалар орасида мева-сабзавот етиштириш ҳамда улардан қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт қилишда етакчи давлат ҳисобланади. Бу эса, мазкур минтақада рақобат афзаллигини вужудга келтиради. Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатларга мазкур турдаги маҳсулотларни экспорт қилишда сарфлаётган транспорт харажатлари ушбу ҳудудларга индустриал мамлакатларнинг экспортда транспорт харажатларига нисбатан паст.

Фермер хўжаликларининг эса қайта ишлаш қархонадари билан олди-сотди шартномаларини тузиш, юридик шахс сифатида пул тушумларини назорат қилиш имкониятлари

кенгроқ бўлиб, деҳқон хўжаликларининг сони кўп ҳамда етиштирилган маҳсулот ҳажмининг кичиклиги мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш ишларини тор доираларда амалга оширишга олиб келмоқда.

Юқорида қайд этилган масалаларнинг бартараф этилиши бир вақтнинг ўзида бозорларимизни сифатли мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари билан тўлдириш ҳамда истемолдан ортқча маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Бошқача айтганда, экспортни рағбатлантириш учун авваломбор импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот етиштиришимиз ёки етиштирилган маҳсулотларнинг таварлилик даражасини оширишимиз талаб этилади. Натижада ички истеъмол талаби қондирилиб экспорт учун имкониятлар яратилади. Бунинг учун эса бизнинг фикримизча, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

- маҳсулот етиштирувчиларнинг билим ва кўникмаларини бозор конъюктурасининг бугунги ҳолатига мослаштириш, уларга замонавий маркетинг усулларини ўргатиш, истеъмолчиларни қидириб топиш мақсадида жойларда турли йўналишларда маслаҳатлар берувчи консалтинг хизматларини кўрсатувчи тузилмаларни ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотларини фермер хўжаликлари ва уларнинг кооперативлари орқали бевосита экспорт қилишини рағбатлантириш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштириб бориш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасига сервис хизмати кўрсатувчи, хусусан, маҳсулотларни экспорт қилиш ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ташкилотларни юзасидан фермер ва деҳқон хўжаликларига турли хизматлар кўрсатувчи

субъектлар тизимини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг бозорини талаб ва таклиф ўзгаришига мос равишда тартибга солиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Кейинги йилларда қайта ишлаш корхоналарини давлат монополиясидан чиқариш ва уларнинг ривожланиши учун тегишли кредитлар ажратиш асосида уларнинг ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга эришилмоқда. Аммо, давлат монополиясида бўлмаган ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига янги техника ва технологияни жорий қилишни тақозо этади.

Хомашё сифатида сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида эса фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига қишлоқ хўжалигининг самардорлигини ошириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қайд этилган муаммолар ижобий ҳал этилса, республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташқи бозорда ўзининг муносиб ўрнини ва истеъмолчисини топиш имкони юзга келади беради. Рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўлами кенгайса, республикамизнинг мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бўйича экспорт салоҳияти ортади. Ўз ўрнида, экспорт салоҳияти юқори бўлган мамлакатда валюта фондининг ортшига эришилади.

Наргиза АКРАМОВА,
“ТИҚХММИ” МТУ ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2002. –Б. 217.
2. Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных к посеву на территории Республики Узбекистан. Ташкент. 2022. –С. 103.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. 1985. С. 351.
4. Литвинов С.С. Методика полевого опыта в овощеводстве. Москва. 2011. –С. 648.
5. Расулов Ф.Ф. Ширин қалампир етиштириш. Тошкент. 2021. Б. 62.
6. Остонакулов Т.Э., Зуев В.И., О.Қ.Қодирхўжаев. Мева-сабзавотчилик (Сабзавотчилик). Тошкент. Наврўз. 2019. –Б. 552.

ТРАКТОР С ИЗМЕНЯЕМОЙ БАЗОЙ И МЕТОДИКА РАСЧЕТА ЕГО УЗЛОВ НА ПРОЧНОСТЬ

Аннотация. Изучены вопросы разработки универсально-пропашного трактора с изменяемой базой и методика расчета его ответственных узлов на прочность, которая показала, что отливка переднего звена механизма из стали 35Л не обеспечивает, даже при дополнительной закалке, достаточную прочность, поэтому рекомендуется заменить ее на поковку из стали 40Х.

Abstract. The issues of development of a universal row-crop tractor with a variable base and the methodology for calculating its critical components for strength were studied, which showed that casting the front link of the mechanism from 35L steel does not provide sufficient strength, even with additional hardening. therefore, it is recommended to replace it with a 40X steel forging.

Значительная часть пахотных земель, пастбищ и сенокосов в республике расположена в горных или предгорных районах, посевная площадь которых имеют неравномерную поверхность со сложной конфигурацией и в большинстве случаев значительную склонность [1]. На сегодняшний день эти земли освоены не полностью из-за трудности механизации работ, связанной с отсутствием или нехваткой техники, способной выполнять технологические и уборочно-транспортные операции на участках со сложной конфигурацией, имеющим значительную склонность.

Трудности механизации работ состоят в том, что при работе на этих участках из-за их значительного уклона местность продольная и поперечная устойчивость серийных тракторов снижается, а сложная конфигурация контуров полей ухудшают маневренности и управляемости серийных тракторов.

С точки зрения устойчивости движения более благоприятна и безопасна работа с машинотракторными агрегатами, составленными на базе тракторов с большей колеёй, удлиненной базой и низким расположением центра тяжести [2]. Поэтому при работе на транспортных работах на предгорных и горных участках, особенно на крутых поворотах и склонах, для обеспечения устойчивости трактора его база должна быть наибольшим. В то же время для обработки междурядий овощеводческих и бахчеводческих культур, возделываемых на картах со сложной конфигурацией контуров, для обеспечения хо-

рошей маневренности и минимального радиуса поворота, наоборот, база трактора должна быть наименьшим. Однако серийные универсально-пропашные тракторы не имеют такой возможности.

Для решения данной проблемы в Конструкторском технологическом центре сельскохозяйственного машиностроения разработан макетный образец универсально-пропашного трактора с изменяемой базой (рис.1) [3].



Рис. 1. Универсально-пропашной трактор с изменяемой базой в приращенной (а) и укороченной (б) базе.

Возможность изменения базы универсально-пропашного трактора с одной стороны (при уменьшении) приводит к уменьшению ширины поворотной полосы, следовательно, вытоптанной ходовой системой трактора без обработки площади, а с другой (при увеличении) к устойчивости движения по неровной местности. Поэтому основным назначением трактора при минимальной базе является механизация полевых работ по посеву, возделыванию и уборке урожая сельскохозяйственных культур при его

Отличительная особенность разрабатываемого трактора от серийного — это наличие в нем механизма изменения базы трактора. Компактность и безотказность работы этого механизма во многом зависит от правильно подобранных конструктивных размеров и материала его деталей. Это обстоятельство особое значение приобретает для наиболее нагруженных деталей механизма изменения базы трактора. Одним из таких деталей в механизме изменения базы трактора, как показала проверка его работоспособности в лабораторно-полевых условиях, являются передние и задние звенья, которые вместе обеспечивают движение всего механизма под воздействием гидроцилиндра. При этом наиболее нагруженным оказались передние звенья (рис.2).




Рис. 2. Расчетная схема (а) и месторасположение (б) переднего звена механизма изменения базы трактора.

Анализ работы механизма изменения базы

В боковой перемычке максимальное напряжение в несколько раз превышает номинальные напряжения [4] :

$$\sigma_{\max} = \alpha_p \cdot \sigma, \quad (1)$$

где α_p – теоретический коэффициент концентрации напряжения.




Рис.3.Схема для определения составляющих реакции в нижней проушине (точка К). 1-переднее звено, 2- кронштейн

Во время работы механизма на нижнюю проушину переднего звена воздействует сила F_{12} . Тогда среднее номинальное напряжение в сечении по отверстию будет:

$$\sigma = \frac{F_{12}}{(D-d) \cdot b}, \quad (2)$$

где D – наружный диаметр проушины, $D = 82$ мм; d – внутренний диаметр проушины, $d = 50$ мм.

Так как $\frac{d}{D}=0.61$ и при наличии зазора

$\varepsilon = 0,2...0,3\%$ [4], то теоретический коэффициент концентрации напряжения будет:

$$\alpha_p = 0,85 + 0,95 \frac{D}{d} = 0,85 + 0,95 \frac{82}{50} = 2,41.$$

Согласно (2) напряжение в сечении по отверстию:

$$\sigma = \frac{0.5 \cdot 89702}{(82 - 50) \cdot 40} = 35,04 \text{ МПа},$$

а с учетом (1) его максимальное значение будет:

$$\sigma_{\max} = 2,41 \cdot 35,04 = 84,45 \text{ МПа.}$$

При условии прочности:

$$\sigma \leq [\sigma]_{\text{сп}}, \quad (3)$$

если учесть то, что согласно работе [5]:

$$[\sigma]_{\text{сп}}^{35.7} = 37,28 \text{ МПа}; \quad [\sigma]_{\text{сп}}^{40X} = 147,15 \text{ МПа},$$

то расчет показал, что отливка из стали 35Л не обеспечивает, даже при дополнительной закалке, достаточную прочность переднего звена. Возможен срез тела проушины. Поэтому рекомендуется заменить отливку из стали 35Л на поковку из стали 40Х.

Лабораторные испытания механизма изменения базы трактора подтвердила правильности проведенных расчетов и показала надежности работы переднего звена изготовленного из стали 40Х с рекомендуемыми параметрами заложенных в его конструкцию.

Выводы. Расчетно-аналитическими исследо-

ваниями параметров заложенных в конструкцию ответственных узлов механизма изменения базы трактора установлено:

-отливка из стали 35Л не обеспечивает, даже при дополнительной закалке, достаточную прочность переднего звена механизма. Возможен срез тела проушины. Рекомендуется заменить отливку из стали 35Л на поковку из стали 40Х;

- заложенные в конструкцию параметры механизма изменения базы трактора обеспечивают работоспособность механизма при изготовлении нижней проушины его переднего звена из стали 40Х.

Адилбек АХМЕТОВ, д.т.н., профессор,
Абдор КАРИМОВ, ассистент,
Музаффар НОРМАТОВ, магистрант,
Национальный исследовательский университет «ТИИИМСХ».

ЛИТЕРАТУРА

1. Парпиев Г.Т., Кузиев Р.К., Курвантаев Р.К. Особенности структурного состава оазисных почв регионов Узбекистана // Научное обозрение. Ж.Биологические науки, 2019. №2. С.20-24.
2. Анилович В.Я., Водолаженко Ю.Т. Конструирование и расчет сельскохозяйственных тракторов. М. Машиностроение, 1976. 456 с.
3. Ахметов А.А., Усманов И.И., Асамов С. Выбор конструкции универсально-пропашного трактора с изменяющейся базой. Ж. ФарПИ ИТЖ, 2017. Т. 21 (2). С. 132-135.
4. Бойцов Б.В., Кравченко Г.Н. Расчет проушин на прочность и долговечность. М. Машиностроение, 1989. 51 с.
5. Анурьев В.И. Справочник конструктора-машиностроителя. Т.1. М. Машиностроение, 1979. 728 с.

ИССЛЕДОВАНИЕ

КАДРЫ — ОСНОВА ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ

Аграрная отрасль экономики нового Узбекистана на современном этапе развития достигла больших успехов по производству продуктов растениеводства и хлопководства. Объем и качество их соответствует требованиям внутреннего и внешнего рынка. Формирование современных форм организации и ведения сельскохозяйственного производства (кластер, фермерское и дехканское хозяйство, частное предпринимательство) в подавляющем большинстве функционируют устойчиво и рентабельно.

Вместе с тем, географическое расположение республики и сопредельных территорий с аридным и субаридным климатом, где сельскохозяйственное производство базируется на

искусственном орошении и систематическое осуществление мелиоративных мероприятий требуют подготовки квалифицированных специалистов владеющих современными научными знаниями, технологическими приёмами восстановления и сохранения продуктивности орошаемых почв при дефицитном водопользовании.

История организации и ведения орошаемого земледелия на мелиоративно неблагоприятных массивах свидетельствует об использовании сравнительно неглубокого ($h=1,6-2,0$ м) горизонтального дренажа на территориях с гидроморфным, полугидроморфным режимом увлажнения («зауры», «закеши», «хандаки») для регулирования водного режима почвы. Агробиологические

(перманентное возделывание культур освоителей), почвозащитные (лесополосы) и другие приёмы (внесение в почву земель курганов, старых дувалов, дорожной пыли, арычных ил, шур турпаки, “цветные” почвы предгорий и др.) осуществлялись дифференцированно с учетом почвенно-мелиоративных условий территории.

В целях совершенствования системы подготовки квалифицированных специалистов, соответствующих требованиям рыночных взаимоотношений при использовании земельных ресурсов — базисной основы сельскохозяйственного производства, впервые обоснован, необходимость подготовки специалистов и разработана учебная программа по дисциплине «Агромелиорация» (бакалавриат).

Целевой задачей программы является формирование у будущих специалистов инновационной основы мышления, приобретение теоретических и практических знаний по организационно-технологическим приёмам восстановления производительной способности мелиоративно неблагоприятных орошаемых почв при оценке и реализации Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан за №50 от 2 февраля 2023 года «О порядке мониторинга, оценки, подготовки форм отчетности и издания результатов мероприятий по борьбе с деградацией земель».

Учебная программа состоит из следующих разделов:

- почвы Узбекистана, почвенно-климатические районы, основные свойства, классификация и распространение;

- засоленные, вторично засоленные почвы, причины образования и приёмы восстановления производительной способности;

- солонцеватые почвы, причины образования, распространение и приёмы восстановления плодородия;

- трудномелиорируемые почвы, свойства, распространение, причины образования, приёмы улучшения физико-химических свойств и восстановление производительной способности;

- эродированные почвы, причины их разрушения, организационно-технологические приёмы предупреждения и защиты;

- гидромелиоративные приёмы, состав, сущность, типы, конструктивные элементы и показатели их работы (мощность, сток, глубина, расстояние между дренами);

- агромелиоративные приёмы, сущность, состав, сроки и условия их применения;

- агротехнические приёмы, состав, сущность и технология обработки почвы (весной, в вегетационный период, осенью);

- агробиологические приёмы, сущность, состав культур-освоителей, продолжительность их возделывания;

- биохимические приёмы, состав, сроки, нормы и технология их внесения в почву;

- химические приёмы, состав органических, неорганических веществ вносимых в почву, нормы, сроки, продолжительность их использования.

В рамках перечисленных теоретических предпосылок будущий специалист (бакалавр) должен обладать практическими знаниями: анализ почв; определение содержания солей в почве, коллекторно-дренажных водах; расчет ёмкости почвенно-поглощающего комплекса (ППК); расчет нормы и сроков полива возделываемых сельскохозяйственных культур; промывных и влагозарядковых поливов; установление степени эродированности почв; расчет мощности (глубина, сток, расстояние между дренами) дренажа.

НИУ «ТИИИМСХ» совместно с НИИИВП в течении ряда лет проведены (лабораторные, мелкоделаяничные и опытно-производственные) инновационно-внедренческие исследования эффективности агромелиоративных, агробиологических, биохимических приёмов восстановления производительной способности засоленных и трудномелиорируемых почв Голодной степи. Статистико-аналитический и математический анализ результатов исследований свидетельствуют о достаточно обеспеченной их достоверной достоверности.

Практическая значимость результатов исследования состоит в разработке технологии применения препарата Биосолвент, обеспечивающий усиление выщелачивания солей: до 40% в период промывки, на 18-23% - при вегетационных поливах без глубокого рыхления почвы и на 46% при предварительном рыхлении. Применение Биосолвента при вегетационных поливах способствует повышению урожайности хлопчатника на 7,4 ц/га. Экономия воды при помывке сильнозасоленных почв составляет более 2000 м³/га, а в период вегетации: 1000 м³/га в период поливов и 2000 м³/га при последующей промывке. Усовершенствована технология комплексной

мелиорации засоленных гипсированных почв, основанная на сочетании агромелиоративных приёмов (рыхление, промывка, полив) и химических мелиораций.

Результаты исследований внедрены в Нижне Сырдарьинское Бассейновое Управление Иригационных систем, ОАО СП «CLUSTER BEK»

(справки Министерства Водного хозяйства за №04\25-281 от 22.01.2020 г).

Абит РАМАЗАНОВ,
профессор НИУ «ТИИИМСХ»,
Фархад САДИЕВ, PhD, НИИИВП,
Рамил КУСАЛИЕВ,
инженер-эколог НИУ «ТИИИМСХ».

УЎТ: 330

ТАДҚИҚОТ

КОНВЕРГЕНЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ЯНГИЧА ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. В статье показаны теоретические основы новообразования конвергентных процессов. Обосновано, что процессы конвергенции и новообразования объединений в мировом хозяйстве оказывают существенное влияние на развитие различных отраслей народного хозяйства.

Abstract. The article shows the theoretical foundations of the new formation of convergent processes. It is substantiated that the processes of convergence and new formations of associations in the world economy have a significant impact on the development of various sectors of the national economy.

Жаҳон ҳўжалигида конвергенция жараёнлари ва бирлашмаларнинг янгича шаклланиши халқ ҳўжалигининг турли тармоқларининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Рақамли иқтисодиёт шароитида вилоят туманларини конвергенциялашнинг илмий таъминоти, жумладан, фан соҳаларида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини иқтисодиёт тармоқларида кенг фойдаланиш масалаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу борада конвергенциялашнинг ўзига хос усул ва воситаларини туманлар иқтисодиётини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқишда қўллаш, алоҳида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ҳамда қулай рақобат муҳитини яратиш, конвергенциялаш асосида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва вилоят ҳудудларини комплекс ривожлантириш ҳамда туманлар ўртасидаги тафовутни камайтириш мақсадида уларни яқинлаштириш усулларини эътиборга олган ҳолда конвергенциялардан кенг фойдаланишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мақолада конвергенция яқинлашув усулларининг назарий қоидаларини умумлаштириш, уларни тизимлаштириш ва таҳлил қилишдан иборат. Мақолада туманларнинг конвергенция

жараёнининг назарий асослари аниқланади, конвергенциянинг асосий назариялари жиҳатдан кўриб чиқилади.

Замонавий иқтисодий адабиётларда «конвергенция» тушунчасининг турли контекстларда қўллаб талқинлари мавжуд. «Конвергенция» турли маъноларга эга. Умуман олганда, «конвергенция» - бу яқинлашиш, (бошқа маънода), муросага келиш жараёни. Ушбу концепция табиий фанларда ҳам, гуманитар фанларда ҳам қўлланилади, шунинг учун тадқиқот муаллифи томонидан олиб борилган мавзу ва объект нуктаи назаридан конвергенция тушунчасини талқин қилишга ўтиш тавсия этилади.

Шундай қилиб, «конвергенция» атамаси табиий фанларда ҳам, гуманитар фанларда ҳам қўлланилади. Шу муносабат билан ушбу тадқиқотнинг объекти ва предмети ҳисобга олган ҳолда, иқтисод фанининг муносабатларида «конвергенция» атамасининг таърифини батафсил кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шунини таъкидлаш керакки, иқтисодий адабиётларда бу тушунчанинг турли талқинлари мавжуд.

Конвергенция назарияси Қадимги Юнонистонда милoddан аввалги V асрда Эфеслик Гераклитнинг қарашлари туфайли вужудга келган ва ривожланишнинг бир неча босқичларини босиб ўтган.

Гераклит дунё тараққиётининг асосини ўзаро таъсир ва бирлик, яхлитликнинг бирлашиши ва бўлиниши тамойилларида кўрган: “Ҳамма нарсa бир-биридан ажралган ва қайта бирлашган”. Айнан шу мақола жамиятнинг табиий ривожланиши ҳақидаги тушунчани бирлик ва қарама-қаршиликлар ўртасидаги кураш сифатида шакллантирган бўлиб, у замонавий конвергенция назариясидан олдин пайдо бўлди.

Кейинчалик бу ғоялар Гегель диалектикасида ўз аксини топди. Иқтисодиёт фанида “конвергенция” атамаси 1960-1970 йилларда тан олинган. 1961 йилда Ж. Тинбергеннинг «Коммунистик ва эркин иқтисодиётлар яқинлашув намунасини кўрсатадими?» илмий-техникавий инқилоб, буржуа давлатининг иқтисодий роли ортиб бориши ва капиталистик мамлакатларда режалаштириш элементларининг жорий этилиши муносабати билан капиталистик ишлаб чиқаришнинг прогрессив ижтимоийлашуви узага келади.

Жаҳон иқтисодиётида конвергенция ёки дивергенцияга олиб келадиган омиллар муҳокама қилинади. Шундай қилиб, [1] географик ва этник омиллар, хусусан: иқлим, табиий ресурслар, маданият ва дин каби давлатларнинг иқтисодий муваффақиятлари ёки муваффақиятсизликлари учун аънавий тушунтиришларнинг ишончсизлигини исботлашга интилишади. Муаллифларнинг таъкидлашича, мамлакатларнинг гуллаб-яшнаши ёки таназзулга учраши, биринчи навбатда, уларнинг иқтисодий ва сиёсий институтларининг табиати билан боғлиқ. Аллен Р. С. [1] нинг хулосасига кўра, давлатларнинг иқтисодий ўсиши ва фаровонлиги нафақат инклюзив институтлар, балки иккала турдаги институтлар доирасида ошиб боради. Қазиб олиш институтлари барқарор, узоқ муддатли ўсиш ва фаровонликка олиб келади.

Шуни таъкидлаш керакки, тадқиқотчилар ўртасида нафақат конвергенциянинг ишлаш тизими, балки унинг чегаралари бўйича ҳам қарашлар фарқланади. Масалан, америкалик иқтисодчи ва социолог Ж.Гелбрейт [2] икки қутбли тизимнинг яқинлашишини, биринчи навбатда, катта инвестициялар билан боғлаган.

Конвергенция назарияларининг ривожланиши билан бир вақтда тизимлар ва таҳлил қилинган кўрсаткичлар ўртасидаги номувофиқликни назарда тутувчи қарама-қарши йўналиш - дивергенция шаклланди. Дивергенция (лот. диверgere — фарқлилик) нархларнинг юқори

кўрсаткичлари ва индикаторларнинг юқори даражадаги дивергенцияси пайдо бўлди. Бу концепция иқтисодий детерминизмга хос бўлиб, энг кўп Ф. ФонХаекнинг «вакуум гипотезаси» ҳақидаги асарларида ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, конвергенцияга бағишланган турли хил ишларни таҳлил қилиш, конвергенция назарияларининг хилма-хиллиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Хулосага кўра, сўнгги йилларда юқори даромадли ва ўрта даромадли мамлакатлар ўртасидаги тафовут, айниқса, тез қисқариб бормоқда. Айни пайтда юқори даромадли ва паст даромадли мамлакатлар ўртасидаги тафовут анча секинроқ қисқармоқда.

Шу билан бирга, муаллифлар кўрсатганидек, ўрта ва паст даромадли мамлакатлар ўртасида тафовут кучаймоқда. Дарҳақиқат, 1980-йилларнинг бошларида кам даромадли мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўртача даромадли мамлакатларга нисбатан ўртача уч баробар паст бўлган, бу тафовут ўртача даромадли мамлакатлар ўртасидаги 10 баробардан кўпроқ фарқ билан тўлиқ бартараф этилган. Бироқ, ҳозирги вақтда кам даромадли мамлакатларда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ўртача даромадли мамлакатлардан беш баробардан кўпроқ орқада қолмоқда, бу да кўрсатилганидек, сўнгги ўн йилликларда мамлакатларда инсон ривожланишининг мисли кўрилмаган ўсиши кузатилди. 1980 йилда инсон тараққиёти индекси 0,90 га яқин ва ундан юқори бўлган икки давлат бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 22 тага етди. Маълумки, инсон тараққиётининг ўсиши иқтисодий ўсиш билан ижобий боғлиқ. Инсон тараққиёти ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатларнинг ушбу цикллarning мавжудлигини қўллаб-қувватлайдиган «эски модели» ва уларни рад этадиган «янги модель» мавжудлигини исботлаш учун статистик таҳлилдан фойдаланадилар. Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги «янги модель» томонидан кўрсатилган инсон тараққиёти нуқтаи назаридан шартли ва мумкин бўлган мутлақ яқинлашув икки омилга боғлиқ: ўрта ва юқори ривожланган мамлакатларда ўсиш, паст ва ўрта даромадли мамлакатларда иқтисодий ўсиш ва инсон ривожланишининг юқори суръатлари аниқланди.

Давлатнинг энг муҳим вазифаси у қанчалик либерал бўлмасин, унинг ҳудудлари қанчалик мустақил бўлмасин, мамлакатнинг ҳудудий ях-

литлигини сақлаш, ижтимоий низолар ва турли хил инқирозларнинг олдини олишдир. Давлат ўз саъй-ҳаракатларини ўз ҳудудларини барқарор ва мутаносиб ривожлантириб, аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлашга йўналтириши керак. Бу вазифа жамият ҳаётининг ўрнатилган асосларини тубдан бузиш ва янги асосларни шакллантириш даврида алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш зарурати минтақавий тенгсизлик динамикасини ва минтақалараро яқинлашув жараёнларини ўрганиш, уларнинг хусусиятларини аниқлаш ва дифференциацияни камайтирадиган омилларни аниқлашда объектив зарурият ҳисобланади. Тадқиқотлар натижалари мавжуд воқеликка мос келадиган самарали минтақавий сиёсат учун асос бўлиб хизмат қилади ва Ўзбекистон сиёсий ва илмий доираларининг саъй-ҳаракатлари уни ривожлантиришга қаратилган. Минтақавий тенгсизлик, унинг хусусиятлари ва динамикасини таҳлил қилиш маҳаллий ҳокимият органлари учун ҳам, давлат субъектлари ҳокимиятлари учун ҳам зарурдир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш зарурати минтақавий тенгсизлик динамикасини ва минтақалараро яқинлашув жараёнларини ўрганиш, уларнинг хусусиятларини аниқлаш ва дифференциацияни камайтирадиган омилларни аниқлашни тақозо этади. Ушбу тадқиқот натижалари мавжуд воқеликка мос келадиган самарали минтақавий сиёсат учун асос бўлиб хизмат қилади.

Туманлараро конвергенциялаш қуйидаги асосий механизмларини аниқлаш имконини беради (1-расмга қаранг).

Конвергенцияни ўрганишга ёндашувларни қуйидаги хусусиятларга кўра бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

-амалдаги иқтисодий ўсиш моделларининг

неоклассик ёки эндоген ўсиши;

-амалдаги математик воситалар симуляция моделлаштириш ёки эконометрик усуллар (фазовий, вақтинчалик, панель маълумотлар);

-тадқиқот объектлари мамлакатлар ёки бир мамлакатнинг ҳудудлари ҳисобланиши;

-конвергенция бўйича тадқиқотлар таҳлили ушбу жараёнга ижобий таъсир кўрсатиши орқали.

Туманлараро доимий таҳлилнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири - бу содир бўлаётган жараёнларни объектив тавсифлаш, миқдорий ҳисоб-китоблар ва прогнозлар қилиш имконини берадиган иқтисодий ва математик воситалардан фойдаланишдир.



1-расм. Туманлараро конвергенциялаш механизми.

Хулоса қиладиган бўлсак, эконометрик модель конвергент туманларнинг келажакдаги тузилишини башорат қилиш учун гуруҳлар ўртасида туманларнинг ўтиш эҳтимолини беради. Туманлараро тенгсизлиكنи камайтириш йўналишларини аниқлаш учун конвергенциянинг sanoat декомпозициясини амалга оширинг, бу эса ушбу жараёнга энг катта таъсир кўрсатадиган тармоқларни аниқлаш имконини беради.

Ўктам ПАРДАЕВ,

Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Allen R. C. Global Economic History. Oxford : Oxford University Press, 2011.
2. Gerschenkron A. Economic Backwardness in Historical Perspective. In B. F. Hoselitz (Ed.). The Progress of Underdeveloped Areas. Chicago : University of Chicago Press, 1952.
3. Sala-i Martin X. X. The classical approach to convergence analysis // The Economic Journal. 1996. Vol. 106. N 437. P. 1019–1036.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы разработки и совершенствования способов кредитования при развитии деятельности малого бизнеса в нашей стране.

Abstract. This article discusses the development and improvement of lending methods in the development of small business activities in our country.

Кириш. Ўзбекистонда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинликлар бериш орқали кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш уларни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган давлат дастурлари асосида банклар томонидан имтиёзли кредитлаш орқали ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Республикада “кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизматларнинг кўлами ва сифатини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш орқали ошириш каби вазифалар белгилаб берилган” [1]. Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича кредитлаш соҳасидаги амалда юзага келаётган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Асосий қисм. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига асосан “кредитлар олишга, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда ўзга мол-мулкни шартнома шартлари асосида жалб этишга, шу жумладан, биноларни, иншоотларни, ускуналарни ва ўзга мол-мулкни олишга ва (ёки) текин, ижарага (лизингга) олишга ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтириш” [2] ҳуқуқларига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Республикада фаолият юритаётган тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш жараёنлари турлича ташкил этилган. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг яна бир қанча турлари амалиётга кириб келмоқда.

Хусусан, револьвер, очиқ линияли ва пакетли кредитлаш усуллари дидир. Ушбу кредит турини жорий этган тижорат банклари кредитлаш бўйича ички тартибига кўра, бошқа тижорат банкларидан асосий ёки иккиламчи ҳисобварағи олиб ўтилган миқдорлар камиди 6 ой давомида кредит олаётган банкда пул айланмасига эга бўлганидан сўнг, ушбу миқдорга кредит ажратилиши мумкин. Бунинг тузилиши қуйидаги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Кичик бизнес субъектларига бериладиган револьвер кредитининг берилиш жараёни тузилмаси.

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш жараёнининг халқаро тажрибалари ўрганилаётганда уларнинг маълумотларини муайян стандартлар асосида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, “дунёда 90 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар жаҳоннинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, аҳолини учдан икки қисmini иш билан таъминламоқда” [3]. Бироқ, кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш билан боғлиқ муаммолар уларнинг ривожланишида асосий тўсиқларидан бири бўлиб қолмоқда. Дунё бўйича қарийб 70 фоизга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари халқаро молия институтлари томонидан молиялаштирилмайди, 15 фоизи эса умуман молиялаштирил-масдан қолиб кетмоқда. Илмий изланишлар кўрсатишича “ривожланган

давлатларнинг ЯИМнинг 14 фоизи ёки 2 трлн. АҚШ доллариға тенг маблағлари кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиялаштирилишига қаратилганлиги соҳа ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, мутахассисларининг ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб, кичик ва ўрта корхоналар томонидан 600 млн. иш ўрни яратилиши прогноз қилинмоқда” [4].



2-расм. 2018-2023 йилларда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, ЯИМга нисбатан фоизда.

2-расм маълумотларига кўра жаҳон иқтисодиёти 2023 йилда 5,6 фоизга ўсиши кутилаётган бўлса-да, унинг сўнгги 80 йилдаги рецессиядан кейинги энг кучли суръатда нотекис тикланиш бўлади. 2023 йилда паст даромадли мамлакатлар иқтисоди атиги 2,9 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда, сўнгги 20 йилдаги секин ўсганлигидан далолатдир.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, молиялаштириш

дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар таклиф этилмоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, кафолатларини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда бизнес юритиш учун мавжуд шарт-шароитлар халқаро нормалар ва стандартлар талабларига ҳанузгача тўлиқ жавоб бермайди.

Юқоридаги келтирилган жадвалга кўра 2020 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг кредит линияларини жалб қилиш борасида ҳам чора-тадбирлар фаоллик билан амалга оширилмоқда. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу мақсадда тижорат банклари томонидан 30 дан зиёд чет эл банклари ва халқаро молия институтлари билан уларнинг кредит линияларини жалб этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан 2,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 5 баробар кўп миқдорда кредитлар ажратилган. Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш рақобатбардошлигини

1-жадвал.

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун асосий йўналишлар бўйича ажратилган кредитлар, млрд. сўм

№	Асосий йўналишлар	Йиллар			
		2018	2019	2020	2021
	Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар, жами	19564,7	30648,9	55430,0	48389,7
	шундан:				
1	Ажратилган микрокредитлар	4015,0	6205,9	10777,5	10194,3
2	Оилавий тадбиркорлик ваҳунармандчиликни ривожлантиришга		668,5	1136,1	2476,4
3	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга	3582,2	6547,8	8772,2	5959,8
4	Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга	2782,3	3361,5	4499,8	4895,9
5	Аҳолига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун		1748,7	4906,3	3602,1
6	Хорижий кредит линиялари ҳисобидан (млн. АҚШ доллари)	521,8	1039,3	1633,7	2139,0

таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради. Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк миқдорнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда эътибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожланиш истиқболларига қаратилади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини мониторинги доирасида, биринчи навбатда, банк томонидан кредит шартномасининг бажарилишини доимий равишда мониторинг қилиш, иккинчидан, кредитнинг ҳаётий циклини мониторинг қилиш, кредитдан фойдаланишни мониторинг қилиш, қарздорнинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларини таҳлил қилиш, улар ўз қарзларини тўлаш қобилиятига ва ўз вақтида фойдаланишига бўлган қизиқишларига таъсир қилишлари мумкин, учинчидан миқдорнинг кре-

дит папкасини даврий таҳлил қилиш, кредит портфелини қайта кўриб чиқиш, қарздорнинг аҳолини қайта кўриб чиқиш ва аудит қилиш. Шу нуқтаи назардан кредит мониторинги кредит жараёнининг турли босқичларида олиб бориладиган кенг миқёсли кредит назорати, бошқарувнинг турли даражаларини ўз ичига олади. Шунингдек, кичик бизнесни тижорат банклари кредитлари орқали молиялаштиришни такомиллаштириш, мазкур соҳа вакиллари фаолиятидаги мавжуд тўсиқларни бартараф қилиш, кенг маълумотлар базасини шакллантириш, тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантириш, хорижий кредит линияларини жалб этиш, тижорат банкларига кичик бизнес фаолиятини кредитлаш билан боғлиқ имтиёзлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Нурали БЕКМУРОДОВ, доцент, и.ф.н.,
“Менежмент ва маркетинг” кафедраси мудир,
Нафиса ТЎРАЕВА, ассистент,
Тошкент давлат иқтисодийёт университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонуни.
3. ХВФ маълумотлари <http://www.imf.org/external/pubs/ft/sdn/2015/sdn1>
4. Stein, Peer, Tony Goland and Robert Shiff. (2018). “Two trillion and counting: assessing the credit gap for micro, small and medium-size enterprises in the developing world”. Working Paper 71315, World Bank, Washington, DC.

УЎТ: 330

ТАДҚИҚОТ

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ РАҚАМЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аннотация. В данной статье с помощью маркетинговой стратегии предлагается сформировать инновационную систему для того, чтобы Узбекистан занял свою позицию страны, способной конкурировать на международных рынках с телекоммуникационными услугами и товарами.

Abstract. In this article, with the help of a marketing strategy, it is proposed to form an innovative system in order for Uzbekistan to take its position as a country capable of competing in international markets with telecommunication services and goods.

Ўзбекистоннинг телекоммуникация хизматлари ва товарлари билан халқаро бозорларда

рақобатчилик қила оладиган мамлакат сифатида ўз позициясини эгаллаши, телекоммуникация

хизматлари ва товарларини сотишнинг мақбул тизимини шакллантириш, хусусан, халқаро маркетинг концепциясини ишлаб чиқишга алоҳида талабларни қўяди. Бу ҳолат эса, телекоммуникация хизматлари ва товарларига бўлган талабни шакллантириш ва самарали савдосини рағбатлантириш механизмларини замонавий бозор талаблари асосида ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда республикада ҳудудий ривожлантириш борасида ишлаб чиқилаётган бир қатор дастурларда ҳам телекоммуникация хизматларини тараққий эттириш асосида жойларда телекоммуникация хизматлари кўламини ошириш, шу асосда телекоммуникация хизматлари ва товарлари жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, ҳозирги шароитда телекоммуникация хизматлари ва товарлари сифатига бўлган талаб ва бунда рақобат муносабатларининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги жуда ҳам муҳим бўлиб, бу жараёнга кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам катта эътибор берилмоқда. Чунки мамлакат иқтисодиётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши ва мамлакатда телекоммуникация хизматларининг рақобатбардошлигини ортиб бориши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хўжалик муносабатларини ислоҳ қилиш, корхоналарнинг бошқариш механизмини қайта ташкил этиш, улар фаолиятининг барча қирраларини қамраб олмоқда, хусусан, маркетинг фаолиятига ҳам эътибор кучаймоқда ва шу туфайли ҳам маҳсулот сифати ортиб, рақобатбардошлик тамойилларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Ю.Ю.Коряков, С.А.Красильниковларнинг ёзишича, “Рақобатбардошлик дейилганда бозорда товарнинг муваффақиятини аниқлаб беришга хизмат қиладиган, унинг истеъмол қилишligи ва қиймати (нарх-навоси)ни ҳар томонлама тавсифловчи, яъни рақобатчи товарлар-ўхшашларининг кенг таклифи шароитида, асосан, шу товарнинг бошқа товарга қараганда устунлиги тушунилади” [2] деб эътироф этади. А.А.Тарасова, Ф.А.Крутиковларнинг қайд қилишича: “Товарнинг рақобатбардошлиги – бу маҳсулотларни бошқа маҳсулотлар турига ва ишлатилишига қараганда, яъни шу бозор ва истеъмол қиймати талабларига сифати ва қиймати тавсияларини яхши бўлиши ҳисобига истеъмолчи (харидор)ни ўзига жалб

қилувчи қобилиятидир” [3-4].

Шу жиҳатдан иқтисодиётни рақамлаштиришнинг дунё рейтинглари ва индекслари даражасига эришиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади, юртимиз “Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” бўйича 2019 йилда 8-поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат...”, деб таъкидладилар. Шу сабабли юксак ривожланишга эришиш учун ахборот тизимлари ва технологияларини пухта ўрганишимиз муҳим. Бу эса биз учун тараққий этишни қисқа вақтда қўлга киритиш имкониятини беради. Зеро, ҳозирги вақтда бутун ер юзидида кўплаб соҳаларда рақамли технологиялар жадал кириб бормоқда.



1-расм. Телекоммуникация хизматлари рақамли бошқарувининг ахборот таъминоти.

Телекоммуникация хизмат кўрсатишни рақамли бошқарув тизимини ташкил этишда маълумотларга ишлов бериш, маълумотларни узатиш, электрон ҳужжат алмашинувини ташкил этиш, интерактив хизматлар жорий этиш учун ахборот коммуникация технологиялари таъминотидан фойдаланилади (1-расм).

Минтақа саноат тузилмасининг рақамли бошқарув жараёнини ишлаб чиқиш бир қатор ресурсларни ўрганиш орқали амалга оширилиши ва ушбу рақамли бошқарувга асосланган тизимларни барқарор ишлаши учун уларни ҳимоялаш услубларини яратиш ҳамда иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда турли кўринишлар маълум бўлишини инобатга олган ҳолда уларни гуруҳларга бўлиб ифодаладик.

Хулоса. Аниқлашнинг сифатий вариантлари эса сифатий мезонлардан фойдаланишни назарда тутди. Бундан ташқари, сифатий таъ-

рифларда баъзи миқдорий кўрсаткичлар ҳам ишлатилиши мумкин, аммо, бундай ёндашув асосан субъектив мулоҳазалар ва тажрибаларга асосланади.

Келтирилган таҳлил натижаларига кўра, корхоналарда ўсишни таъминлаш учун юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш, хусусан, рентабеллик матрицаси ҳамда ўртача харидлар миқдори ва ташрифлар тезлиги сегментларидан фойдаланиш мамлакатимиз ва унинг минтақаларида кичик бизнес субъектлари ривожини таъминлаш, уларда бошқарувни ташкил этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Лазиз ОЧИЛОВ,

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги нутқи. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. Романов А.Н., Корябков Ю.Ю., Красильников С.А. Маркетинг Под. ред. А.А.Романова. –М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1996. с.167.
3. Амбарымов А.А., Стерликов Ф.Ф. 1000 терминов рыночной экономики: справочное учебное пособие. –М.: Корн-Пресс, 1993. с.107.
4. Тарасова В.П., Крутиков Ф.А. Рыночная экономика. –М.: Рекламно-издательская фирма «Теория», 1993. с. 106.

УЎТ: 336.3

ТАДҚИҚОТ

ТУРИЗМДА МАРКЕТИНГ КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. В данной статье представлены мнения и комментарии о рынке туризма, значении рекламы, маркетинговых коммуникаций, способах и методах представления туризма широкой публике, последствиях использования маркетинговых стратегий в развитии туризма, недостатках, которые допускаются.

Abstract. This article presents opinions and comments about the tourism market, the importance of advertising, marketing communications, ways and methods of presenting tourism to the general public, the effects of using marketing strategies in tourism development, and the shortcomings that are being made.

Кириш. Ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатда туризмни ривожлантириш глобал масалага айланиб бормоқда десам адашмаган бўламан. Барчамизга маълум COVID-19 пандемиясидан сўнг ривожланган давлатларнинг туризм салоҳияти

сезиларли даражада пасайиб кетди. Бу эса ўша мамлакатнинг иқтисодиётига катта салбий таъсир кўрсатди ва натижада қанчадан-қанча инсонларнинг ишсизлигига ҳам олиб келди. Ишсизлик муаммосини ҳал этиш, туризм бозорини

янада ривожлантириш борасида бугунги кунда барча мамлакатларда бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, бизнинг мамлакатимизда ҳам туризмни янада ривожлантириш, туристларни Ўзбекистонга жалб қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида бир қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси бўйича масъулларга керакли топшириқлар бериб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш вазифалари белгилаб қўйилган [1].

Тадқиқотнинг мақсади ҳам Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш, туристларни Ўзбекистонга жалб қилишда маркетинг коммуникацияларидан оқилона фойдаланиб, иқтисодиётимизга ижобий фойда келтирадиган таклиф ва мулоҳазаларни билдиришдан иборатдир.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида туризмни ривожлантиришда маркетинг коммуникацияларидан оқилона фойдаланиш йўллари, туризмда рекламанинг аҳамияти, ахборот-коммуникацияларнинг ўрни ҳамда уларнинг долзарблигига эътибор қаратилди ва бу борада хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ҳамда амалий тажрибалари ўрганилди. Тадқиқот олиб боришда кузатув, тизимли ёндашув ва қиёсий таҳлилдан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Маркетинг — инглизча сўздан олинган бўлиб, маркетинг — “бозор”, “бозордаги ҳаракат”, “фаолият” деган маънони англатади. У корхонанинг товарлар ишлаб чиқариш ва сотишини ташкил этиш ҳамда бошқариш шакли ҳисобланади [3]. Маркетингнинг асосий мақсади юқори даражадаги истеъмол қийматини шакллантириш орқали ҳақиқий истеъмолчиларни топиш, уларни жалб этиш ва

уларни сонини оширишдан иборатдир. Бу ўринда Игорь Манннинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Бугунги кунда маркетингнинг асосий вазифаси — бу мижозларни топиш, ўзлаштириш ва уларни ушлаб қолиш нуқтасидир” [4]. Россиялик олим маркетинг бўйича мутахассис Алешина И.В. нинг фикрига кўра, “маркетинг товарларга бўлган талабни тадқиқ қилиш, яратиш ва қондириш; хизматлар, уларни ишлаб чиқиш орқали ғоялар, нархлар тарқатиш ва рағбатлантириш”дир [5].

Америкалик олимлар Ф. Котлер ва Келлер “Маркетингни бошқариш” номли асарида истеъмолчиларга йўналтирилган мотивация назарияларининг асосан 3 та кўринишига тўхталиб ўтганлар.

1. Зигмунд Фрейд ёндашуви.

2. А.Маслоу ёндашуви.

3. Ф.Герцберг ёндашуви [6].

Голубков Е.П. томонидан мотивация назарияларини ўрганишда инсон хулқ-атвори ва қадриятларига таъсир этувчи ташқи омилларга катта эътибор берилган [7].

Электрон маркетинг — маркетинг фаолиятининг интернет, ахборот технологиялари ва телекоммуникацион тизимлар орқали амалга оширилишидир. Ижтимоий медиа маркетинг (Social Media Marketing) маркетинг фаолиятини ижтимоий тармоқлар, мавзули блок ҳамда фото ва видео порталлар ёрдамида амалга оширилишидир.

Портер томонидан ишлаб чиқилган рақобатбардошликнинг умумий моделлари туризм соҳасига ҳам қўлланилиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, Портер томонидан ишлаб чиқилган рақобатбардошлик модели асосида [11] 1993 йилда “Туризм рақобатбардошлигининг Калъари модели” (Calgary Model of Tourism Competitiveness) яратилиб, у туристик ҳудуд жозибадорлиги, туристик ҳудуд менежменти ва маркетинги, соҳалараро ҳамкорлик, ўзаро маълумот алмашинуви ва илмий тадқиқот, ҳудуднинг туристик эҳтиёжларни қондириш қобилияти каби 5 та таянч концепцияда ўз аксини топган [12].

Таҳлил ва натижалар. Туристтик (ташкilot) фирма фаолият олиб борадиган муҳит мураккаб коммуникациялар тизимида амал қилади. Фирма ўз мижозлари, банклар, суғурта компаниялари, туристик хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва ҳар хил доирадаги фирмалар билан алоқалар олиб боради. Ушбу алоқалар ҳар хил йўналишга

ва кесишувчан характерга эга. Туристик фирма (масаласи) тавсия қилинаётган маҳсулотларни шакллантириш ва етказиб бериш масаласини ечиши керак. Коммуникациялар ахборот алмашиш жараёни сифатида қаралиши мумкин. Шахслар билан шахсий ва ношахсий алоқалар қилиш мумкин. Шахслар ўртасидаги алоқалар икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида амалга оширилиб, улар бевосита бир-бири билан бирор-бир алоқа воситасида фойдаланиш орқали мулоқотда бўладилар (мисол тариқасида телефон, интернет ва ҳоказо). Ношахсий алоқалар шахслар ўртасида шахсий бўлмаган алоқалар жараёндир.

Турист (корхона) ташкилот коммуникацион алоқаларининг аҳамияти қуйида кўрсатиб ўтилган:

ахборотни ташиш ва унинг манбаи;

бозорга таъсир қилиш воситаси сифатида;

маркетинг фаолиятининг самарадорлигини ошириш инструменти сифатида.

Маркетинг алоқалар мажмуаси – тадбирлар тизими бўлиб, у алоқалар манзили ва туристик ташкилотнинг ўзаро муносабатларини ўрнатишга ва қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

Статистик кўрсаткичларга назар ташлайдиган бўлсак, 2022 йилда Ўзбекистонга 5 млн. дан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюрган. 2017 йилда Ўзбекистонга 2,7 млн нафар турист келган бўлса, ўтган 2022 йилда уларнинг сони 1,9 баробарга ўсиб, 5,2 млн.ни ташкил қилди. Бу коронавирус пандемиясидан чиққан, 2021 йилда 1 млн 880 минг нафар сайёҳ ташриф буюрган Ўзбекистон учун яхшигина ижобий кўрсаткич. Қолаверса, ички туризм кўрсаткичлари ҳам ҳар йили юқориламоқда. 2022 йилда ички сайёҳат қилувчилар сони 2017 йилга нисбатан (10,5 млн нафар) 107,0 фоизга ўсиб, 11,3 млн нафарни ташкил қилди[13]. Бу эса мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида оширилаётган ишлар самара бераётганидан далолатдир.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида ижтимоий медиа маркетингнинг ютуқларини келтириб ўтаман:

– компанияларнинг ижтимоий медиа маркетингдан фойдаланиши маҳаллий ва ички бозордан жаҳон бозорига бир вақтнинг ўзида чиқиши ва чексиз имкониятларнинг кенгайиб боришини вужудга келтиради;

– интернетда ҳамма нарса инобатга олинади, яъни компания фаолият олиб бораётгани ёки у иш фаолиятини тўхтатгани ҳамда қайси турдаги маҳсулотга харидор кўпроқ ёки талаб юқори бўларининг барчаси интернет орқали юзга келади;

– маблағни тежаш, яъни бунда компаниялар реклама учун ортиқча пул тўлашмайди;

– тезлик, яъни бунда сиз натижаларни қўлга киритиш учун минимум вақт сарфланади;

– маълумотларнинг жуда тез алмашинуви – харидорлар ўзига тегишли бўлган маълумотларни интернетга қидирув бериш орқали ўзларининг маҳсулотлари ва қайси маҳсулотларни олдиндан буюртма қилиш кераклиги ҳақидаги маълумотларни куннинг хоҳлаган пайтида текшира олади.

Туризмни ривожлантиришда маркетинг коммуникацияларининг аҳамиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- маркетинг фаолиятини қўллаш учун консалтинг марказларини ташкил қилиш;

- тадбиркорларга ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун маркетинг

стратегиялари уларга қўшимча имкониятлар ва ёрдам беришини тушунтириш;

- маҳсулот рекламасини ташкил этиш ва йўлга қўйиш;

- тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларини Веб-сайтга жойлаштириш;

- тадбиркорларни ярмарка ва товар кўргазмаларида қатнашуви;

- тадбиркорлик фаолиятида самарали маркетинг стратегиясини тузиш, уни бозор талаб ва таклифига қараб бошқариш.

Завқиддин ТЕШАЕВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Халқаро туризм факультети магистратураси
2-босқич талабаси.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/355112>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги «Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-232-сон қарори. <https://>

lex.uz/docs/5991928.

3. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Marketing>

4. Игорь Манн. Арифметика маркетинга для первых лиц. М.: Манн, Иванов и Фербер, 2011. стр. 10

5. Голубков Е.П. Основы маркетинга: Учебник. – М.: Финпресс, 2003. – С. 229.

6. Багиев Г. Л., Тарасевич В. М. Маркетинг: Учебник для ВУЗов. 3-е изд. — СПб.: Питер, 2010. — 576 с

7. Брайан Халлиган, Дхармеш Шах. Маркетинг в Интернете: как привлечь клиентов с помощью Google, социальных сетей и блогов.- М.: "Диалектика", 2010. С. 42-143.

8. Халилов Д. Маркетинг в социальных сетях. 2013 г.

8. Porter, Michael (1990). The competitive advantage of nations, Macmillan: London.

УЎТ: 336.3.4

ТАДҚИҚОТ

МИНТАҚА ТУРИЗМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Аннотация. В данной статье описаны методологические основы, особенности и проблемы моделирования экономической системы туризма региона с использованием метода математических моделей.

Annotation. This article describes the methodological foundations, features and problems of modeling the economic system of tourism in the region using the method of mathematical models.

Математик моделлар комплексини яратиш учун аввалдан мавжуд бўлган усуллар талаб қилинади. Математик дастурлаш, дифференциал ва интеграл ҳисоби, матрицали баланс тизимлари, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, иқтисодий математик моделлаштиришнинг анча мураккаб ва ҳозиргача етарлича ишлаб чиқилмаган усуллари, жумладан, янги комплекс сонли моделлар ва комплекс сон ўзгарувчили функциялар назарияси асосидаги усуллар шулар жумласидандир.

Туризм соҳаси иқтисодий тизимни оптимал тартибга солиш иқтисодий математик таъминлашга унинг математик таъминланишини, яъни оптимал тартибга солиш ва бошқариш масаласини ҳал қилинишини таъминловчи алгоритмлар ва дастурлар комплексини ҳам киритиш мумкин.

Минтақа туризми иқтисодиётининг оптимал тартибга солиш тизимини яратиш учун ҳақиқий ва комплекс сонли иқтисодий математик моделлар ёрдамида ҳисобланган ишончли прогноз маълумотлари асосида олинган иқтисодий маълумотлар ахборотлар тизимини тубдан

мукаммаллаштириш зарур. Айнан, иқтисодий динамиканинг комплекс сонли моделлари кўрсаткичлар прогнозининг анча ишончли миқдорини беради. Минтақа туризми иқтисодий тизимини моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари умумий назарий ҳолатлардан келиб чиқади. Моделлаштиришнинг методологик асосини объект ташкил қилади, яъни инсон фаолияти нимагаки йўналтирилган бўлса, уларнинг ҳаммаси эътиборга олинади. Моделлаштиришни умумийлаштирилган ҳолда воситачиликни англаш усули сифатида келтириш мумкин “бунда ўрганилаётган оригинал объект бошқа модель объект билан баъзи мосликда бўлади”. Бинобарин, қайсидир маънода билиш жараёнининг айрим босқичларида оригиналнинг ўрнини босиши мумкин. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни моделлаштиришни тадқиқот предметини шакллантиришдан объект тавсифини моделлаштириш учун жиддий тушунчаларни акс эттирувчи тизимлар тушунчасини шакллантиришдан бошланади. Мураккаб тизимларни моделлаштиришнинг фарқланувчи хусусияти

унинг кўп функциялилиги ва фойдаланиш усулларининг кўп тарзлилиги ҳисобланади. Моделлаштириш тизими бутун ҳаёт циклининг ажралмас қисми бўлиб қолади. Моделлаштиришдаги муҳим қадам моделлаштириш объектини аниқлаш ҳисобланади. Моделлаштирилиши керак бўлган реал объект алоҳида бўлақларга бўлинади, яъни моделлаштириш учун дастлабки маълумотлар танлаб олинади ва моделлаштириш жараёнининг алоҳида томонларини акс эттирувчи мақсадлар қўйилади.

Мураккаблиги алоҳида элементлар ва уларнинг орасидаги алоқаларнинг бирикмаси эканлигини ҳисобга олиб, моделни тизимдаги элементларнинг умумий сони ҳамда улар орасидаги алоқаларнинг миқдори бўйича баҳолаш мумкин. Элементларнинг турли-туманлиги бўйича иерархияларнинг қатор даражаларини моделдаги алоҳида функционал тизим остилари, қатор киришлар ва чиқишлар бўйича ажратиш, яъни мураккаблик тушунчаси белгиларининг бутун бир қатори бўйича бир ҳил ўхшашликда тузилиши мумкин. Яратилаётган модель бутун бир, яхлит тизим ҳисобланишини кўрсатувчи яхлитлик, бир бирлари мураккаб ўзаро алоқада бўлувчи таркибий қисмлар элементларининг катта миқдорини ўз ичига олади.


Ноаниқлик тизимида қуйидаги ҳолатлар пайдо бўлади:

Тузилиш ҳолатига кўра, усуллар, масалаларни ҳал қилиш, дастлабки ахборотларнинг ишончлилиги кабилар билан қўйилган мақсадга эришиш имконияти. Ноаниқликнинг асосий тавсифи сифатида ахборотларнинг қатор ҳолатларда тизимнинг берилган ҳолатига эришиш учун зарур бўладиган бошқарувчи ахборотлари сонини баҳолашга имкон берувчи энтропия сингари чоралари хизмат қилади. Моделлаштиришдаги асосий мақсад - реал объект моделининг талаб қилинадиган мослигини олиш ва шу маънода моделдаги бошқарувчи ахборотлар сонини, шунингдек, энтропия ёрдамида баҳолаш ва берилган ишончlilik билан талаб қилинган натижани олиш учун зарур бўлган чегаравий минимал сонни топиш мумкин. Шу тариқа, катта тизимни тавсифловчи ноаниқлик тушунчаси моделга мақбул ва унинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Тизим билан қўйилган мақсадга эришиш самарадорлигини баҳолашга имкон берувчи омил. Тасодифий таъсир этишининг мавжудли-

гига боғлиқ ҳолда ўз муаммосига кўра узлуксиз ва дискретли ва бошқа бўлган детерминацияланган стохастик тизимларни фарқлаш мумкин. Тизимни кўриб чиқишда таъсир қилувчи омилларни моделга қўлланилганда, моделни тузиш самарадорлигини ҳамда бунда олинган натижаларнинг аниқлиги ва ишончлилигини баҳолаш имконини беради. Табиийки, моделнинг реал объект модели билан мос келиши шарт эмас, чунки кўпинча моделлаштириш бошқа моддий ташувчи базасида реализация қилиниши мумкин.

Табиийки, моделлаштиришнинг интеллектуал тизими фақат одамлар жамоаси билан ҳамкорликда тартибга солинади, шу боис, унга эргономик талаблар қўйилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари мураккаблашувига кўра моделларни тадқиқ этиш учун фойдаланиладиган структура ҳам ўзгаради. Энг содда структуравий модель "Каноник модель" ҳисобланади. Каноник модель бошқарув объекти структурасини белгилайди ва унинг алоқаларини бошқариладиган тизимнинг кириши ва чиқиши амалга ошириладиган муҳит билан тавсифлайди. (1-расм.)



1-расм. Каноник моделнинг структураси

Каноник модел 3 та элементни ўз ичига олади:

- Жараён (ишлаб чиқариш ва сервис операцияси);
- Ташқи муҳит;
- Жараённинг кириш қисми (ресурслар) ва чиқиш қисми (маҳсулотлар).

Бошқарув объекти товарлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатилиши учун жавобгар операцион бўлинмалар ҳисобланади. Булар структуравий элементлар – ишлаб чиқариш, бўлинмалар, цехлар, бўлимлар, участкалар, лабораториялар, ижрочилар гуруҳлари, шунингдек, жараёнлар – тадқиқотлар, ишланмалар, синовлар, ишлаб чиқариш, маҳсулот ва хизматлар савдоси, ресурсларни ташкил этишни таъминлаш ва бошқалар.

Минтақа туризми тизимини муҳим омили оптимал тартибга солиш назарияси ҳисобланади. Унинг фарқли хусусияти таҳлил қилиниб, Минтақа туризмидаги иқтисодий жараённи тартибга солиш ва бошқариш муаммоларининг ҳамма

мураккаб комплексини ҳал қилишда оптималлик принципини изчиллик билан қўллаш зарур. Геометрик ўхшашлик сифатида мураккаб функциянинг максимум ва минимуми бир вақтнинг ўзида эришадиган “эгар нуқта” тушунчаси хизмат қилиши мумкин. Бошқарувнинг оптимал тизимини ишлаб чиқиш иқтисодий тизимини оптимал бошқариш назариясининг энг муҳим вазифа-

ларидан биридир. Бундай тизимнинг синтези моддий меҳнат, молиявий ва ахборот ресурсларидан жадал фойдалаланишни, Минтақа туризмининг ишлаб чиқариш ва истеъмол қувватини ошириш учун маблағларни имкон борича кўпроқ жалб этишни таъминлайди.

Шохижаҳон МУХИТДИНОВ, и.ф.ф.д (PhD),
Қарши давлат университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. Т. Фан, 1989. 194 с.
2. Абдуллаев И.С. Динамика экономического развития Хорезмской области // Всероссийский научно-практический журнал по экономике «Российское предпринимательство». Россия, 2009, №10, стр. 173-176.
3. Дмитриева О.Г. Региональная экономическая диагностика. СПб.: Изд-во. СПб. Университет экономики и финансов, 1992. 272 с.
4. Mukhitdinov Kh.S. Econometric Modeling Of Public Service Networks. Psychology and Education (2020) 57(8): 625-632 ISSN: 00333077
5. Suyinovich, Muxitdinov Xudoyor, Rakhimov Anvar Norimovich, and Muxitdinov Shoxjaxon Xudoyorovich. “The forecast for the development of the public services sector.” Solid State Technology 63.6 (2020): 18671-18681.
6. Mukhitdinov, Shoxijahon Khudoyarogli. “An imitation model of quality utility services to the population.” South Asian Journal of Marketing & Management Research 10.12 (2020): 44-50.
7. Қодиров Фаррух Эргаш ўғли. “Ўхудудларда тиббий хизмат кўрсатишни эмпирик моделлаштириш”. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 2022, с.- 119-123.
8. Qodirov Farrux Ergash o'g'li, “Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг келгуси ҳолатини башоратлаш”, “Сервис” илмий-амалий журнали, 2022, с. 56-59.
9. Қодиров Фаррух Эргаш ўғли, “Қашқадарё вилояти аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболлари”. AGRO ILM – O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI, 2022, с. 119-120.

УЎТ: 336.3.4

ТАДҚИҚОТ

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш тизимини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Аннотация. В статье рассматриваются процессы, связанные с привлечением иностранных инвестиций в национальную экономику и совершенствованием способов их эффективного использования. Сформулированы научное предложение и практические рекомендации по совершенствованию системы привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику.

Abstract. *The article examines the processes related to attracting foreign investments to the national economy and improving the ways of their effective use. A scientific proposal and practical recommendations on improving the system of attracting foreign investments to the national economy have been formulated.*

Кириш. Мамлакатимизда савдони либераллаштириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда мулк ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган тизимли ислохотлар натижасида сўнгги йилларда инвестиция муҳити яхшиланди. Натижада, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар фаол кириб келмоқда. Жумладан, 2021 йил давомида хорижий инвесторлар иштирокида 35 та йирик ва муҳим лойиҳалар амалга оширилди ҳамда жами 4,3 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Жорий йилнинг март ойида ташкил этилган Тошкент халқаро инвестиция форумида 7,8 млрд долларлик шартнома ва битимлар имзоланди. Инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлаш, уларни жалб этишдан кўзланган асосий мақсадларга эришиш учун лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати, маблағларни ўзлаштириш натижаларини таҳлил қилиб бориш, барча жараёнларнинг очиқ ва шаффоф ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий қилиш ҳамда иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар беқиёс ўрин тутди. Инвестицияларга бўлган эътиборнинг кучайиши бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилишига олиб келди. Бу борада эришилган аниқ ютуқ ва муваффақиятларнинг кенг ва атрофлича таҳлили, шу асосдаги муҳим амалий хулосалар, келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган энг долзарб масалалар орасида мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишлари ва ривожланиш дастурларини белгилашда, албатта, асосий эътибор хорижий инвестицияларга қаратилаётганлигини таъкидлаш керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган.

Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Буни ҳаммамиз чуқур тушуниб олишимиз ва ишимизни шу асосда ташкил этишимиз шарт”.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Инвестициялар, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида инвестициялар жалб қилиш йўллари тақомиллаштиришни ўрганган олимлардан П.Михаела, А.Вакар, Х.Хелиан тадқиқотларида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг институционал механизми тадқиқ этилади. Тадқиқот натижаларига мувофиқ, мамлакат иқтисодиётидаги институционал сифат ўзгаришларининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимига ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилади. В.Д.Андреанов илмий тадқиқотларида миллий иқтисодиёт инвестицион салоҳиятининг назарий асослари ўрганилган бўлиб, инвестиция салоҳияти доирасидаги концепциялар назарий жиҳатдан умумлаштирилган, уни ошириш учун молиявий имтиёزلардан тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

М.В.Чараева илмий тадқиқотларида ташкилотларнинг реал сармояларини молиявий бошқариш жараёнларининг концептуал асослари ўрганилган. Инновацион йўналтирилган иқтисодиёт шароитида реал сармояларни стратегик молиявий бошқариш хусусиятлари баён этилган. Т.В.Ускова илмий изланишларида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш вазифаси стратегия аҳамиятга эга эканлиги, унинг ечими хомашё экспортидан иқтисодиётнинг инновацион моделига ўтишини талаб қилиши, бу борада инвестициялар асосий аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилган. М.М.Прусак иқтисодиётни модернизация қилиш ва иқтисодий ўсиш учун реал шароитларни таъ-

минлаш умуман давлатда ҳам, минтақаларда ҳам инвестиция фаолиятини фаоллаштиришни талаб этишни таъкидлай. Н.Ғ.Каримов хорижий инвестицион корхоналар учун макроиқтисодий, қонунчилик ва маъмурий шарт-шароитларни ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда барқарор солиқ қонунчилиги тизимини жорий этиш ҳамда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, дастурини шакллантириш билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилади. У.С.Нодирханов ўзининг илмий тадқиқотлари орқали минтақавий даражада инвестиция фаолигини ошириш усуллари, минтақаларда инвестиция муҳитини баҳолаш, имтиёзли инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватловчи қулай инвестиция муҳитини шакллантириш жараёнларини ўрганади.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларнинг хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, статистик маълумотларни иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги ПҚ-4898-сон Қарори билан ишга туширилган Жаҳон банкнинг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилма инвестициялари банки иштирокидаги “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси юзасидан амалга оширилган ишлар билан танишиш мақсадида Агентлик раҳбарияти ҳамда лойиҳа вакиллари ўртасида учрашув ташкил этилиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга оширилган ишлар юзасидан тақдимот ташкил этилди.

Лойиҳа доирасида 300 ортиқ объектларни қуриш ёки реконструкция қилиш назарда ту-

тилган бўлиб, ижтимоий объектларни танлаш жараёни шаффоф ва очиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида лойиҳага маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам жалб этилган. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби 2016 йилда 20,7%ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 43,6 %ни ташкил қилди ва 2021 йилга келиб эса 42,3% ни чет эл инвестициялари ва кредитлари ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби (чет эл инвестициялари ва кредитлари жами фоизда)

Худудлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	18,5	18,5	20,7	23,8	24,3	43,6	42,7	42,3
Қорақалпоғистон Республикаси	47,4	48,2	44,6	10,0	23,7	36,9	38,9	37,4
Андижон	6,2	4,4	4,9	7,2	14,8	39,6	36,3	45,6
Бухоро	45,1	35,9	52,4	71,0	44,0	53,9	48,2	58,5
Жиззах	5,9	2,9	7,3	10,8	8,7	48,8	61,9	44,5
Қашқадарё	19,5	17,6	27,5	18,0	51,1	70,3	69,3	53,6
Навоий	10,3	3,0	5,1	24,2	34,0	39,9	67,8	61,3
Наманган	16,4	21,9	22,6	31,6	33,5	45,8	37,2	29,8
Самарқанд	3,4	4,0	2,2	2,8	4,7	27,8	27,0	34,9
Сурхондарё	12,2	10,4	9,8	11,5	21,4	66,3	60,1	45,2
Сирдарё	9,6	10,8	7,7	4,6	9,6	44,8	48,7	59,8
Тошкент	10,9	15,3	13,7	12,0	9,6	26,0	26,7	34,3
Фарғона	8,7	7,6	8,9	5,8	19,4	42,7	41,3	39,1
Хоразм	7,4	2,7	5,8	6,8	8,5	42,5	32,0	33,5
Тошкент шаҳри	13,1	13,0	16,4	18,1	15,1	36,7	29,9	37,3

Хулоса ва таклифлар. Фикримизча, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадга мувофиқ:

- инвесторларнинг қўйилмаларини давлат томонидан суғурталаш, ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг мавжуд шарт-шароитлари ва имкониятларини баҳолашга йўналтирилган дастурий платформаларни шакллантириш;

- ҳудудларга инвестицияларни жалб этиш ва уларни ўзлаштиришда солиқ преференциялари, ҳудудда қолаётган солиқ тушумлари улушининг ўсишида кенг имтиёзлар бериш бўйича норматив базани такомиллаштириш;

- инвестиция лойиҳалари учун халқаро технологиялар трансфертини таъминловчи давлат-хусусий шерикчилик механизмидан фойдаланиш, инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг интеграллашган тизимини жорий этишда лойиҳа

рискларини самарали бошқариш тизимини оптималлаштириш ва бошқалар.

Баходир ТУРАЕВ,

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Нодирханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста. - Т.: "Fan va texnologiya", 2011. 184 с.
2. Ғозибеков Д, Носиров Э. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. -Т.: "Iqtisod-Moliya". 2007, -Б. 92
3. Бабабекова Д.Ш, Турсунов Б.О. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш орқали рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш йўналишлари. Илмий-оммабоп рисола. -Т.: "Iqtisod-Moliya". 2019. 40 б.
4. Умаров Ф.У. Инновацион-инвестиция — фаол тадбиркорликнинг муҳим омили. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журналы. №1, январь-февраль, 2018 йил.
5. Бурханов А. Худудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш-миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили. Biznes-Эксперт, 2018 йил. №10., 7-13-бет.
6. Бозоров Р.Х. Ўзбекистоннинг глобал индексларда иштирокини кенг таъминлаш – инвестиция муҳити жозибдорлигини оширишнинг муҳим омили. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журналы. №4-5, август-октябрь, 2018 йил.
7. www.stat.uz — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.

УЎТ: 627.8:556.555.6

ТАДҚИҚОТ

ЧОРТОҚ СУВ ОМБОРИДА БАТИОМЕТРИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Иқлим ўзгариши глобал муаммога айланган ҳозирги даврда сув ресурсларидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш муҳим вазифага айланмоқда. Табиий дала тадқиқотлари Чортоқ сув омборида олиб борилган. Сув омборига кириб келаётган лойқа чўкиндилар миқдори ҳамда уларнинг фракцион ва кимёвий таркибини аниқлаш бўйича дала ва лаборатория тадқиқотлари таҳлили келтирилган. Тадқиқотларда оқим билан кириб келаётган лойқаликнинг ўртача миқдори 0,3-0,5 г/л ни, чиқишдаги лойқалик миқдори эса 0,05-0,08 г/л ни ташиқил этиши аниқланди. Сув омбори косасидаги чўкиндилардан намуналар олиниб "Гидропроект" АЖ лабораториясида фракцион ва кимёвий таркиби таҳлил этилди. Чўкиндилар таркибида экин майдонлари учун фойдали бўлган микроэлементларга бой бўлган заррачалар мавжудлиги аниқланган.

Аннотация. В современную эпоху, когда изменение климата стало глобальной проблемой, важной задачей становится рациональное использование водных ресурсов. Проведены натурные полевые исследования на Чартакском водохранилище. Представлен анализ полевых и лабораторных исследований по определению количества поступающих в водохранилище мутных отложений и их фракционного и химического состава. В ходе исследований установлено, что среднее количество муты на входе в ручей составляет 0,3-0,5 г/л, а на выходе 0,05-0,08 г/л. Из отложений в чаше водохранилища были отобраны пробы и проведен анализ их фракционного и химического состава в

лаборатории АО «Гидропроект». Установлено, что отложения содержат частицы, богатые полезными для сельскохозяйственных полей микроэлементами.

Abstract. In the modern era, when climate change has become a global problem, the rational use of water resources becomes an important task. Natural field studies were carried out on the Chortok reservoir. An analysis of field and laboratory studies to determine the amount of turbid sediments entering the reservoir and their fractional and chemical composition is presented. During the research, it was found that the average amount of turbidity at the entrance to the stream is 0.3-0.5 g/l, and at the exit 0.05-0.08 g/l. Samples were taken from the sediments in the basin of the reservoir and their fractional and chemical composition was analyzed in the laboratory of "Hydroproject" JSC. It has been established that the sediments contain particles rich in microelements useful for agricultural fields.

Кириш. Кўрилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати. Иқлим ўзгариши глобал муаммога айланган ҳозирги даврда сув ресурсларидан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш муҳим вазифага айланмоқда [1]. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи, бу нафақат республикамизнинг, балки бутун дунё ҳамжамияти олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади [2]. Демак, сув таъминоти тизимининг асосий манбалари ҳисобланган сув омборларининг иш режимини тўғри ташкил этиш, сув омборида кузатиладиган гидравлик ва гидрологик жараёнлари аниқ баҳолаш, сув омборининг фойдали ҳажмини лойқа чўкиндилар босишини камайтириш муҳим вазифалардан саналади [3].

Тадқиқот объекти ва муаммонинг қўйилиши. Табиий дала тадқиқотлари Чортоқ сув омборида олиб борилган. Чортоқ сув омборининг лойиҳа бўйича тўла сув сиғими 30 млн. м³, фойдали сув сиғими 28,6 млн. м³ ва мос равишда фойдасиз ҳажми 1,4 млн. м³ ни ташкил этади [4]. Тадқиқот объектининг космик тасвири (1-расм).



1-расм. Чортоқсой ўзани сув омборининг космик тасвири



Сув омборларида мавжуд муаммоларни инобатга олиб, дала тадқиқотларини олиб

бориш, олинган натижалар асосида сув омбори лойқаланишини баҳолаш ва лойқа чўкиндиларнинг таркибини таҳлил қилиш лозим [5].

Тадқиқот усули. Дала тадқиқотлари давомида сув омбори узунлиги бўйича характерли створлар белгилаб олинди ва ҳар бир створда намуналар олинган. Оқим таркибидаги лойқалик микдорини аниқлаш учун батометрдан фойдаланиб намуналар олинган. Олинган намуналар "Гидропроект" АЖ лабораториясида таҳлил қилинган. Лаборатория шароитида олинган натижаларни гидравлика ва гидрологияда умумқабул қилинган методлар ва математик статистика услубларидан фойдаланиб қайта ишланган [5].

Натижалар таҳлили ва муҳокама. Сув омборини лойқа чўкиндилар билан тўлиб бориши сув омборининг жойлашган ўрни, классификацияси, тўйиниш манбаси ва қирғоқларининг шаклланиши билан боғлиқдир. Хусусан, Чортоқ сув омбори ўзанининг кириш қисми бир неча створларидан оқим лойқалигини аниқлаш мақсадида штангали батометр ёрдамида сув намуналари ҳамда чўкинди намуналари олинди ва лаборатория шароитида чўкиндиларнинг фракцион ва кимёвий таркиби таҳлил қилинган. Лаборатория таҳлиллари асосида олинган натижаларга кўра кириш канали лойқалиги ўртача 0,31 г/л ни ташкил этди ҳамда чиқиш канали сувидан олинган намуналар таркибида ўртача 0,08 г/л лойқалик мавжудлиги аниқланди. Олинган намуналарнинг лаборатория таҳлили асосида чўкиндиларнинг фракцион ва кимёвий таркиби аниқланган (2-3-расмлар).

Сув омборидаги чўкиндилар фракцион таркибининг таҳлили натижасида сув омборининг кириш қисмида 1,0-0,5 мм диаметрли заррачалар



13,98% ни, 0,5-0,25 мм диаметрли заррачалар
11,49% ни, 0,25-0,10 мм диаметрли заррачалар
7,56% ни, 0,10-0,05 мм диаметрли заррачалар
10,48% ни, 0,05-0,01 мм диаметрли заррачалар
26,8% ни, 0,01-0,005 мм диаметрли заррачалар
13,34% ни, 0,005-0,002 мм диаметрли заррача-
лар 16,42% ни ташкил этиши аниқланди. Створ-
лар бўйича чўқиндиларнинг тақсимои ҳамда
улушига эътибор қаратсак 35-40% ни йирик
фракцияли ($d=1,0-0,1$ мм) заррачалар 50-60% и
эса майда фракцияли ($d=0,05-0,001$ мм) заррача-
лардан ташкил қилиши аниқланди. Новегетация
даврида оқим таркибидаги йирик фракцияли зар-
рачалар сув омборининг қориш қисмида чўкиб
қолаётгани тадқиқотлар давомида кузатилди.

сув омбори узани орқали кириб келаётган лойқа оқизиклари ўртача 0,31 г/л ни ташкил этгани ҳамда сув чиқариш иншооти сувидан олинган намуналар таркибида, лойқалик микдори ўртача 0,08 г/л ни ташкил этган. Чўкиндиларнинг фракцион таркиби таҳлил натижалари бўйича $d < 0,2$ мм дан кичик бўлган майда фракцияли заррачалар 55-60 фоизни ташкил этиши аниқланди. Майда фракцияли заррачалар таркибида, экин майдонлари унумдорлигини оширувчи азот, фосфор, калий ва гумус каби микроэлементлар мавжуд.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сонли Фармони, “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” <https://lex.uz/docs/4378526>
2. Apakhodjayeva T.U., Xoshimov S.N., Ibragimova Z.I. Hydraulic calculation of the exposure of the water drainage structure of the reservoir. Scientific and technical journal of NamET. VOL 6 – Issue (1) 2021. Pp 280-286.
3. Arifjanov A.M., Gapparov F.A., Apakhujayeva T.U., Xoshimov S.N. (2020) Determination of reduction of useful volume in water reservoirs due to sedimentation // IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science 614, 012079 doi:10.1088/1755-1315/614/1/012079.
4. Арифжанов А.М., Апахужаева Т.У., Хошимов С.Н. Сув омборида лойқа босиш жараёни таҳлили “НамМТИ илмий техника” журнали. -Наманган, №1- махсус сон. 2020. 281-287-б.
5. Abduraimova D., Rakhmonov R., Akhmedov I., Xoshimov S., Eshmatova B. “Efficiency Of Use Of Resource-Saving Technology In Reducing Irrigation Erosion” ICPPMS-2021 Scopus, Web of Science, and Inspec. P 8.



1938 йилнинг 13 майида Хоразм вилояти Боғот туманида таваллуд топган Машарип ака меҳнат фаолиятини 1955 йили шу тумандаги Наримонов номидаги жамоа хўжалигида ҳисобчи вазифасида бошлади.

М.Қувақов 1991 йилда «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси сифатида иш фаолиятини давом эттирди. У 23 йил давомида раҳбарлик қилган жамоа хўжалиги вилоятнинг иқтисоди бақувват, юқори ҳосилдор, илғор янгиликлар, фан тавсиялари кенг жорий қилинган намунали хўжаликларидан бири бўлган. Машарип Қувақов иш бошлаган 1974 йилда хўжаликда 1000 гектар майдонга шולי экилган бўлса, 1996 йилда суғориладиган ерлари 2556 ни ташкил қилиб, шולי ва буғдойнинг ўртача ҳосилдорлиги 50 центнерга етган.

Машарип Қувақов Республикада биринчи бўлиб кузги буғдойдан бўшаган майдонларга шולי кўчатини ўтқазиш усулини муваффақиятли амалга оширган. Натижада ҳар гектар ердан 50 центнердан буғдой, тақрорий экин – шолидан 60 центнердан ҳосил олинган.

ҚАҲРАМОНДАН ҚОЛГАН БОҒЛАР

Машарип Қувақов тажрибали, қатъиятли, ташаббускор, изланувчан раҳбар эди. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг билимдон ва тажрибали иқтисодчиларидан ҳисобланарди.

Хўжаликда буғдой-шоли, пахта экиш схемасини жорий қилган. Натижада хўжаликнинг рентабеллиги сезиларли даражада ошган. Бу илғор унумдор усул вилоятга кенг жорий қилинган.

Хўжаликда чорвачилик ҳам ривожлантирилди, аҳолига гўшт, сут, тухум етказиб бериш режалари ортиги билан бажарилди, ўша йиллари хўжалик аъзолари ихтиёрига 2000 бошдан зиёд йирик шохли қорамоллар берилди.

Хўжаликда саноат соҳасида ҳам бир қатор ютуқларга эришилган. Жумладан, гишт заводи, мой ишлаб чиқарадиган жувоз, шולי ва ун тегирмонлари, сутни қайта ишлайдиган кичик завод, мева ва қуритадиган цех, мева ва сабзавотлардан консервалар тайёрлайдиган завод ташкил этилиб, улар зарур техник воситалар билан жиҳозланган. Бу завод ва цехларда маҳалла ва қишлоқнинг 400 нафарга яқин ёшлари иш билан таъминланган. Хўжаликда боғдорчилик, полизчилик ҳам ривожланди, 200 гектар майдонда янгидан боғлар ташкил қилиниб, водийдан кўчатлар олиб келинди. Хўжалик аъзоларига қулай шароитлар яратиш мақсадида янгидан мактаб, боғча ва ҳаммом, маиший хизмат объектлари қурилди.

Миришкор деҳқоннинг илмий муассасалар, университетлар билан сифатли навлар етиштириш, ерга ишлов беришда

замонавий техникалардан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш борасидаги ҳамкорлиги самарали натижасини берган. Тошкент шолчилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан биргаликда Жанубий Кореядан кўчат ўтқазиш техникасини олиб келган. Академик Остон Жалилов билан ҳамкорликда ғўзанинг «Меҳнат» навини ихтиро қилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Машарип Қувақов 1993 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони ҳамда 1997 йилда «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони билан тақдирланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувақов агар ҳаёт бўлганида 85 ёшни қаршилаган бўлар эди. У бутун умри давомида меҳнат, изланиш, ютуқларга чанқоқ, эзгу ишларга ҳисса қўшишга одатланган раҳбар сифатида инсонларга ўрнак бўладиган қаҳрамондир. М.Қувақов яратган боғлар меваларидан ҳамон одамлар баҳраманд, уни эл-улус, шогирдлари, фарзандлари миннатдорлик билан эслайдилар, фазилатларини ибрат қилиб сўзлайдилар.

Улуғбек МАМАЖОНОВ,
ўз мухбиримиз.

Дехқондан чиққан селекционер



Ўтган асрнинг 60-йиллари эди. Кунлардан бирида эшикдан, ўша пайтда республикаимизда янги ташкил этилган Қўйлиқ иссиқхонасининг биринчи директори лавозимида фаолият кўрсатаётган Абдулҳақ отамиз бир ўрта ёшли киши билан кириб келдилар. Мен укам билан югуриб бориб саломлашдик. Отамиз меҳмонни айвонга бошлар эканлар, бизларга чой олиб келишни буюрдилар. Биз укам билан хонтахтага дастурхон ёзиб, қайноқ чой ва пиёлаларни олиб келар эканмиз, отамиз бизларни ҳам кўрпачага ўтиришимизни айтди ва:

— Бу амакигларни яхши таниб олинглар, булар Карим ака Юсупов бўладилар, — дея хонтахта устида газетага ўралган, нақ косадек келадиган помидорни бизларга узатар эканлар. — Помидорнинг мана шундай навини яратган одам шу киши бўладилар, — дедилар.

Укам билан шу кунгачна бунақа катта ҳажмдаги помидорни кўрмаганлигимиз учун бир нарсга дейишга тилимиз айланмай қолганди.

Меҳмонни кузатиб бўлиб, газетадаги “мўъжизасовға”ни дераза ёнига қўйиб қўяр эканмиз, ҳовлидаги юмушлар билан банд бўлган ҳолда онамиз, ака-опаларимиз келишини сабрсизлик билан кутар эдик. Улар бирин-кетин уйга кириб келар эканлар, биз отамиз қолдириб кетган помидорни уларга кўрсатиб, мақтанар эдик. Қўйингки, помидор ҳақида эшитган қўшни болалар ҳам (ким бир ўзи, яна кимдир ота-онаси билан) турнақатор бўлиб, ушбу мўъжиза билан танишиб кетдилар. Бу ҳол бир неча кун давом этди. Сўнг кимдир помидор вақтида ейилмаса бузилиб қолиши мумкинлигини айтди. Шундан сўнг ундан ачи-чук қилдик ва ҳозир бўлган барча ўртоқларимиз билан баҳам кўрдик... Ҳали-хануз ушбу воқеа кўз олдимдан кетмайди...

Бу воқеага ҳам ярим асрдан кўп вақт ўтди. Бу даврда Карим ака Юсупов нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам кенг танилди, у киши ҳақида журнал ва газеталарда, кўплаб мақолалар чоп этилди.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида у кишини эслар эканман, шуни қайд этиш керакики, Карим Раҳимович Юсупов 1910 йил 10 октябрда Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонобод қишлоғида туғилган — халқ селекционери, уста деҳқон, сабзавотчилик амалиёти новатори бўлиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном” фахрий унвонига сазовор бўлган. Меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган қишлоқда тузилган колхоз аъзоси, деҳқон сифатида бошлаган. Вақти келиб, Ўрта

Осиё қишлоқ хўжалик институти қошидаги ишчи факультетини тугатган. Бухоро вилояти Қизилтепа туманида бош агроном бўлиб ишлаган. Минглаб ватандошларимиз қатори, Карим ака ҳам иккинчи жаҳон уруши жангҳолирида фаол иштирок этган.

Урушдан қайтгач, Карим ака Тошкент вилояти Қорасув туман ўрмон хўжалигида, Ўрта Чирчиқ туманидаги жамоа хўжалигида бош агроном, Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб фаолият кўрсатди.

Карим ака мустақил ҳолда сабзавот селекцияси билан шуғулланган ва яккатанлов асосида йирик мевали, ўрта кечпишар (135 кунда пишадиган), тупи кучли ўсадиган (пояси 1,5-2 м), серҳосил (ҳар тупида 8-10 кг), сифатли, касалликларга чидамли, вазни 0,3-1,2 кг, ҳосилдорлиги 500-600 ц/га (1000 гача), эти мазали, уруғи кам, машхур “Юсупов” помидор навини яратган. Мазкур нав 1960 йилдан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, шунингдек, қўшни республикаларда районлаштирилган. Карим ака “Юсупов” навли помидор ҳақидаги китоб муаллифидир. Тинимсиз самарали меҳнатлари учун К. Юсупов “Шуҳрат” медали билан мукофотланган.

...Бозорда одамларнинг “Юсупов” помидорини севиб харид қилаётганларини кўрганимда беихтиёр ярим асрдан кўпроқ вақт олдин бўлиб ўтган воқеани эслайман ва Карим аканинг номларига дуо қиламан.

Маҳмудхон ТОИРОВ,

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси,
меҳнат фахрийси.

ҲАР ЛАҲЗА ЗАМОНЛАР УМРИДЕК УЗУН

Ўзбек адабиёти ривожига алоҳида ўз ўрнига эга бўлган шоир ва ёзувчи Ғафур Ғулом яратган асарлар халқимизнинг бебаҳо хазинаси бўлиб қолган.



Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент шаҳрида Кўрғонтеги маҳалласидаги эски мактаб ва мадрасада, рус-тузем ва «Ҳаёт» мактабларида таҳсил олган. «Динамо», «Йигит», «Эгалари эгаллаганда», «Хитойдан лавҳалар», «Тирик қўшиқлар», «Кўкан», «Сизга», «Чашма», «Янги шеърлар», «Шеърлар», «Ўзбек элининг ғурури», «Шараф қўлёмаси», «Танланган асарлар» шеърый тўплам ва дostonлари, «Жўрабўза» ҳикоялар тўплами, «Мухбир суди» пьесаси ҳамда «Нетай», «Тирилган мурда», «Ёдгор», «Шум бола» каби қиссалар муаллифи. Асарлари асосида театр спектакллари ва кинофилмлар яратилган. «Отелло», «Қирол Лир» сингари жаҳон ва рус адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилган. 1966 йил 10 июлда Тошкентда вафот этган.

Тинчлик, дўстлик ва халқ бахтини ўз ижодида қуйлаган Ғафур Ғуломнинг жорий йилда 120 йиллигини нишонлаймиз. Биздан кейинги авлод ҳам атоқли шоиримизнинг ҳаёти ва ижодини асрлар оша ўрганади, илҳомланади ва ғурурланади.

Вақт

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бир нафас олгулик муддат –
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Яшаш соатининг олтин капгири
Ҳар бориб келиши бир олам замон.
Коинот шу дамда ўз кўррасидан
Ясаб чиқа олур янгидан жаҳон.

Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб ўтгувчилар бор;
Кўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.
Нурлар қадами-ла чопган секунднинг
Барини тутолмас ай(ю)ҳаннос овоз.

Йигит термилади қизнинг кўзига,
Киприк сузилиши, майин табассум...
Қўша қаримоққа муҳр бўлади
Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум.

Яшаш дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам,
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишининг юз йилига тенг.
Ўзбекнинг барҳаёт авлодларимиз,
Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг.

Қатрада осмон акс этганидек
Жаҳондай маънодор қорачигимиз.
Ғолиб асримизга куёшдан машъал,
Замон кўрасининг сўнмас чўгимиз.

Замона соати занг урар мудом,
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд,
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,
Бир гигант қурилди шарафли бу пайт.

Рейхстаг устига ғалаба туғин
Қадашда отилган адолат ўқи –
Ялт этган умри-ла барқарор қилди
Башарнинг муқаддас, олий ҳуқуқин.

Ғалаба амри-ла, мағлуб немиснинг
Генерали қўл қўйди. Уч секунд фақат...
Шу малъун имзода одамлар ўқир
Миллион йил фашистнинг умрига ланъат.

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Шухрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига ўзликин жамлаб,
Шу улугъ бинога бир гишт қўйсақ бас.

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал,
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
Куёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

ЭЛ ХИЗМАТИ ҚОРИТМАС



Ҳаётга назар ташласак, 55-60 ёшдан ошган авлод одамлари собиқ иттифоқ тузумни кўрган, ўша муҳитда меҳнат қилишган. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг аксарияти халқ хизмати устувор билиб ишлаб, эл-юртда обрў-эътибор топишган.

Ана шундай инсонлардан бири, 75 ёшни қаршилаётган Бозорбой Даулановдир. У 50 йиллик меҳнат фаолияти давомида асосий диққат-эътиборини эл-улус манфаатига қаратди. Турли баланд-паст мансабларда ишлаб, бирор марта ҳам лавозимдан-лавозимга ўтишда “хато ва камчиликлар учун” деган тамға остида ўз ишини ўзгартирмаган. Қаерда ва қай мансабда фаолият кўрсатмасин, масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ҳалол, жон куйдириб меҳнат қилган. Шу боис Бозорбой ака бугун Жиззах ва Сирдарё вилоятлари аҳолиси орасида иззат ва ҳурмати баланд нуронийлардан биридир.

Шу ўринда Б.Даулановнинг ҳаёт йўлига бир назар ташлайлик.

У 1971 йилда Ленинград қишлоқ хўжалик институтини зоотехник йўналиши бўйича тамомлаб, бир муддат Фориш туманида оддий зоотехник бўлиб ишлагач, ҳаракатчан ва изланувчан навқирон мутахассисни раҳбарлар туман ёшлар кўмитасига ишга ўтказишди. Қарийб 15 йил туман, вилоят ва республикада шу йўналишда фаолият кўрсатди. Бу даврда республиканинг барча вилоятларидаги иқтидорли, ташкилотчи ёшлардан ўз маслаҳати ва ёрдами аямади. Ўша ёшларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам жамият ҳаётида фаол, устозига садоқатли...

Шунингдек, ўша йиллари унинг ўзи ҳам илмий тадқиқотлар олиб борди, иқтисод фанлари номзоди даражасига эришди.

Республика ҳукумати топшириғи билан у 1986 йили Сирдарё вилоятига ишга юборилади. 4 йил Сардоба (собиқ Ильич) тумани ижроия кўмитаси раиси, кейин биринчи раҳбари лавозимида ишлади. Бу йилларда ташкилотчилик, меҳнаткашларнинг кўнглига йўл топа олиш каби раҳбарлик салоҳиятини намоён этиб, талабчанлик билан фаолият юритди. Чўл туманидаги аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш доимо эътиборида бўлди. Одамлар ташвиши билан жон куйдириб ишлаётган эзгу

ниятли ёш раҳбар туман аҳолисининг ҳурматига сазовор бўлди, элга танилди.

Мамлакатимиз мустақиллигини шу юртининг зиёли фарзанди сифатида Бозорбой ака ҳам катта қувонч билан қарши олди. Истиқлол унинг ғайратига ғайрат, шижоатига шижоат қўшди.

“ 1991-1994 йиллар Сайхунобод тумани ҳокими лавозимида ишлаган даврда у ўзининг меҳнатсеварлиги, жонқуярлиги, ташаббускорлиги, кечани кеча, кундузни кундуз демай елиб-югуришлари боис бу туманда ҳам элпарвар ҳоким сифатида обрў-эътибор қозонди. Зеро, ўша йиллари собиқ иттифоқ тарқалиши сабабли фақат аграр соҳага таяниб қолган туманда ишлаб чиқариш издан чиққан, техникалар етишмас, аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто, ғалла билан таъминлаш ҳам қийинлашган давр эди. Шунга қарамай, ташкилотчилик орқали хўжаликлар меҳнаткашларини бирлаштирган ҳолда пахта ва ғалла етиштиришдаги қийинчиликларни енгиб ўтиб, туманда яхши натижаларга эришилди.

Шундан сўнг 1994 йилда дастлаб Сирдарё вилоят агросаноат уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасида, 1995 йилдан Сирдарё вилоят ҳокимлиги деҳқончилик саноати мажмуи департамент раҳбарлигида ишлади. Ўша йили қишлоқ жойларда олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш, самарали технологияларни татбиқ этиш, амалиётга прогрессив усулларни жорий қилиш натижасида вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1993 йилга нисбатан сезиларли даражада ортди.

У 1996 йилдан 2003 йилгача Жиззах вилоятида аграр соҳанинг масъул лавозимларида меҳнат қилди. Фермерлик ҳаракати дастлаб Жиззах вилоятидан бошланганлиги сабабли бу борада ўзига хос қийинчиликлар ва муаммоларга дуч келиндик, мана шу тўлқинли даврда Б.Дауланов каби янгиларни теран ҳис қилган, шу йўл билан соҳа равнақ топиб кетишига амин бўлган инсонларнинг фидокорона жонбозлиги бугунги Жиззахнинг юксалишига тамал тоши бўлган эди десак, асло муболаға бўлмайди.

2003-2008 йиллар мобайнида у Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли “Насл-хизмат” уюшмаси раиси бўлиб фаолият юртди.

“ Бугунги дориломон кунларга шукрона қалб билан назар ташларкан Бозорбой аканинг кўнглида ўзгача бир ҳавас уйғонади. Бу ҳавас аграр соҳадаги бугунги имконият ва имтиёзларга, турли-туман замонавий техникаларга эга бўлиб меҳнат қилаётган деҳқон аҳлининг иши ва ташвиши фақат биргина самарадорликдир. Ваҳоланки, олдинлари раҳбарларнинг ҳам, деҳқонларнинг ҳам боши муаммодан, етишмовчиликлардан чиқмас эди.

Раҳбарларнинг асосий эътибори муаммоларга ечим топишга, эски техникаларни созлашга қаратилади эди. Бугунги замонавий техникаларни нафақат орзу қилишган, ҳатто, ҳаёлларига ҳам келтирмаганлар. Илгари аграр соҳанинг пахта ва ғалла соясида қолиб кетган барча тармоқлари эндиликда жадал ривожланмоқда. Шундан бозору

дўконларда тўкинлик, мева-чева, полиз-сабзавот маҳсулотлари қишда ҳам ёздагидек, яъни йил – 12 ой сероб. Шундай кўтаринки кайфият унинг руҳиятига ғайрат бағишлайди, “шу имкониятлар бизнинг давримизда бўлганда эди”, деган ўй кечади кўнглидан. Шунда Жиззах ва Сирдарё вилоятидаги меҳнат фаолиятини сарҳисоб қилиб, эл-юрт манфаати йўлида чеккан заҳмату машаққатлари бугунги фаровон кунлар учун кечганидан қониқиш ҳосил қилади.

Инсон қаерда ва қай лавозимда ишламасин, ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилса, албатта, маънавий бойлик ортттиради. Бу бойлик хотиржамлик ва эл-улуснинг ҳурмату эътирофидир. Бугун Бозорбой аканинг кўнгли шундан хотиржам, у тўй-маъракаларда доимо иззат-эътиборда.



Бозорбой ака нафақат жонкуяр раҳбар, балки ғамхўр оила бошлиғи ҳамдир. Оқила турмуш ўртоғи Қирмизой ҳожи она билан биргаликда 6 нафар фарзандини ўқитиб, элга қўшди. Улар бугун жамият ҳаётида ўз ўрнини топиб, меҳнат қилмоқда. Айни дамда оила соҳиблари 21 нафар невара ва 8 нафар эваралар ардоғида. Шунингдек, улар ҳаж зиёратига бориб келишди.

Бир инсоннинг ҳаёт машаққатларини сабот билан енгиб ўтиб, ўқиб, изланиб, эл-юртга баҳоли қудрат қилган хизматлари ва бунинг натижасида ортттирган обрў-эътибори Бозорбой ҳожи бобо мисолида намоёндыр. Фурсатдан фойдаланиб, у кишига узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Aziz VOITOV
Shavkat XAMRAYEV
Shuhrat TESHAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2023-yil, may №5.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.

2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида	1
Коррупцияни факат биргаликда тўхтатамиз!	5
Р.СИДДИҚОВ, И.ХОШИМОВ, И.ЭГАМОВ. Бошқоларда элнинг ризқ-рўзи	6
М.ТОШБОЛТАЕВ. Ғалла ўримида дон бобудгарчилигининг олдини олиш	8
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сариштали иш — фариштали иш	11
Б.БУРХОНЖОНОВ. MIS дастури	14
А.СОБИРОВ. Мироб — дехкон мададкори	16
Ш.НОРМУРОДОВ. Имтиёزلардан имконият ортмоқда	17
Сув тежовчи сугориш усули янада оммалашади	18
Режалар улкан	19
Р.ЮСУПОВА. Дехкон аҳли ерни кадрлар	20
Р.ТОЖАЛИЕВА. Бахтиёрлик шукуҳи	22
Ш.ЖАББАРОВА. Чорвачилик фидойилари	25
Италия технологияси асосида қуён етиштириш оммалашади	26
У.ЖУМАЕВ. Америка плантацияларида	27
Чорва наслчилигини яхшилашда немис биотехнологиялари жорий этилади	28
А.ҚАХРАМАНОВ, И.ҚАҲҲОРОВ, О.ЭРҒАШЕВ, Ш.АБДУРАСУЛОВ. <i>G. Hirsutum</i> L. навларининг бир кўсадаги пахта вази белгиси кўрсаткичлари бўйича фарқлиниши	29
Д.ТАЛИПОВА. Картошка етиштиришнинг ҳозирги ҳолати ва истикболлари	30
Т.ОСТОНАҚУЛОВ, Ф.РАСУЛОВ, А.ИСЛОМОВ. Ширин қалампир ўсиши ва ҳосилдорлигига ўғитлаш меъёрлари хамда ўстирувчи стимуляторларнинг таъсири	32
Н.АКРАМОВА. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш йўллари	34
А.АХМЕТОВ, А.КАРИМОВ, М.НОРМАТОВ. Трактор с измененяемой базой и методика расчета его узлов на прочность	37
А.РАМАЗАНОВ, Ф.САДИЕВ, Р.КУСАЛИЕВ. Кадр — основа инновационного развития	39
Ў.ПАРДАЕВ. Конвергенция жараёнлари янгича шаклланишининг назарий асослари	41
Н.БЕКМУРОДОВ, Н.ТўРАЕВА. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш йўллари тақомиллаштириш	44
Л.ОЧИЛОВ. Телекоммуникация хизмат кўрсатишнинг рақамли бошқарув тизимини ташкил этиш	46
З.ТЕШАЕВ. Туризмда маркетинг коммуникацияларининг аҳамияти ..	48
Ш.МУХИТДИНОВ. Минтақа туризмнинг иқтисодий тизимини моделлаштиришнинг методологик асослари, хусусиятлари ва муаммолари	51
Б.ТУРАЕВ. Иқтисодиётни рақамлаштиришда инвестицияларни жалб қилиш йўллари тақомиллаштириш	53
С.ХОШИМОВ, С.АРИФЖАНОВ, Ф.ЖА.ПИЛОВА. Чортқ сув омборида багиометрик тадқиқотлар таҳлили	56
У.МАМАЖОНОВ. Қаҳрамондан қолган боғлар	59
М.ТОИРОВ. Дехкондан чиққан селекционер	60
Ҳар лаҳза замонлар умридек узун	61
Эл хизмати ҳоритмас	62

Jurnal O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida 2019-yil
10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta
ro'yxatga olingan.

Manzili: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz

E-mail: qxjurnal@mail.ru

Telegram: qxjurnal_uz

Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2023-yil
1-may. Qog'oz bichimi 70x100 1/16.
Ofset usulida ofset qog'oziga chop
etildi. Shartli bosma tabog'i — 5,5. Nashr
bosma tabog'i — 1,31. Buyurtma № 11.
Nusxasi 1100 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ
matbaa bo'limida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrirlar —
B.ESANOV, A.TAIROV
Dizayner — **U.MAMAJONOV**

БУГУНГИ МЕХНАТ ЭРТАНГИ ДАРОМАД

Самарқанд вилоятида ҳам ғалла парвариши барча агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб борилмоқда. Жумладан, Ургут туманидаги “Қайроқли” ва “Деҳқонобод” агрофирмалари ҳудудларидаги кундан-кунга бўй кўрсатаётган бошоқли дон экинлари мўл ҳосилдан хабар бермоқда.

Нон — ўзбек дастурхонининг бош беағи ҳисобланади. Шу боис, айни кунларда жойларда ғалла парваришига, озиқлантиришга, бу борадаги агротехник тадбирларни кечиктирмай олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда.



Суратда: “Қайроқли агрофирмаси” аъзолари

— Ҳудудимизда аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ғаллани пешма-пеш суғориш учун, суғориш штаби ва отрядлар фаолият олиб бормоқда. Туман ирригация бўлимимиз томонидан ҳудудларда ташкил этилган отрядлар билан сув танқислигини юмшатиш, суғориш ишлари сувнинг исроф бўлишига йўл қўймасдан ташкил этилмоқда, ғалламиз авжи яхши, — дейди “Қайроқли” агрофирмаси раиси Фурқат Бойматов.

Албатта, нон ўзбек дастурхонининг кўрки бўлгани ҳолда унинг хомашёси ҳисобланган дон етиштириш миришкорларимизнинг ҳар йилги саботли вазифаси бўлиб келмоқда. Ўтган йили тумандаги “Деҳқонобод” агрофирмаси ғаллакорлари ҳам шартномавий режани ҳудудда биринчилардан бўлиб, бажарган эди. Агрофирма илғорларидан “Боҳодир-Шукрулло-Аҳадхон”, “Шаҳрулло обод” фермер хўжаликлари миришкорлари ҳосил салмоғини ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Уму-

Суратда: “Деҳқонобод” агрофирмаси аъзолари



ман агрофирма аъзолари доннинг ҳосилдорлик ва тежамкорлик воситаси ҳисобланган, пневматик усулда экиб, ғалла парваришини ва тегишли агротехник тадбирларни оби-тобида олиб боришди ва бугун бўй кўрсатиб турган натижа шунга яраша.

— Ўтган 2022 йили 60 центнердан ҳосил олган бўлсак, бу йил натижани 70 центнерга оширмоқчимиз, ғалла майдонларимиз ерига минерал ўғитлар билан бирга маҳаллий ўғитларни ҳам шарбат усулида бериб боряпмиз, бу эса юқори ҳосилдорликка гаров бўлмоқда, — дейди “Деҳқонобод” агрофирмаси раҳбари Аминжон Бобонов.

Албатта, дастурхонларимиз тўкинлиги, нон деган азиз неъматнинг мўл бўлишида ўз ҳиссасини қўшаётган миришкор бободоҳонларимизнинг омилкорлик билан қилаётган бугунги меҳнатлари эрта ўз самарасини беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эришади.

Ўз мухбиримиз.



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Тел.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



**CHANGAN LABO va KAMA BIZNES
PUL TOPAR MASHINALAR**



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER

Tel: (78) 148 09 11, (90) 806-46-67

www.sardor-avto.uz

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN